ШАВКАТ ТЎЛАГАНОВ

# ТОНГДА ТОПГАН ДЎСТЛАРИМ



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2015

УЎК 796.332(092)
КБК 84(5Ў)7
Т–96

*Масъул муҳаррир*
**Ахрор АҲМЕДОВ**

Т–96 **Тўлаганов, Шавкат.**
Тонгда топган дўстларим: Хотиралар, эсдаликлар. – Т.: «Sharq», 2015. – 168 б.

Футболга миллионлаб одамлар ишқибозлик қилишади. Лекин ҳақиқий футбол завқини ҳеч ким майдонга тушиб тўп тепмагунча ҳис қилолмайди. Сиз майдонда борлиғингизни унутасиз, бутун фикру ҳаёлингиз ўйинга қаратилган бўлади. Жамоа билан бир мақсад – ғалаба учун борингизни бериб ҳаракат қиласиз ва пировардида унга эришасиз. Оҳ... ўша дамдаги бутун қалбингизни тўлдириб келаётган қувончни бошқа ҳеч жойдан тополмайсиз, ололмайсиз! Футбол ана шундай ўйин. Шунинг учун уни ҳамма ўйнайди ва яхши кўради.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган «Тонг» жамоаси ҳам юртимиздаги минглаб ҳаваскор футбол жамоаларидан бири. Ўтган ўттиз беш йиллик давр мобайнида бу жамоада кимлар ўйнамади... Уларни бир нарса – футболга бўлган муҳаббат бирлаштирди.

Муаллиф Шавкат Тўлаганов «Тонг»нинг ташкилотчиларидан бири. Ғалаба нашидаси-ю мағлубият аламлари унга ҳам бегона эмас. Ана шу унутилмас дамларни, жамоадошларини эслаб, хотиралар, эсдаликлар, оила альбомларидаги эски, аммо қадрдонлар тимсоли акс этган бебаҳо суратларни йиғиб, китоб ҳолига келтирибди. Китоб футбол ихлосмандларига манзур бўлади, дея умид қиламиз.

ISBN 978-9943-26-326-0

**УЎК 796.332(092)**
**КБК 84(5Ў)7**

**ISBN 978-9943-26-326-0**

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2015.

## *МУАЛЛИФДАН*



Тонг!

Тонгнинг мусаффолигини ким билмайди дейсиз? Беғуборлиги-чи? Булар ҳеч бир инсон кўнглини эътиборсиз қолдирмаган.

Ҳар тонгда ана шу беғуборлик ва мусаффоликни оламга ёйиш, одамларга етказиш учун бобо қуёш аста-секин Шарқдан бош кўтаради ва тонгги беғуборлик ва мусаффоликка ўзининг ҳаётбахш нурларини омухталаб, элу юртлар оша йўлга тушади. Одамлар қуёшнинг заррин нурлари ила қалбларига жо бўлган тонгги тоза ва самимий туйғулар оғушида кундалик ишларига, юмушларига равона бўладилар, мақсад ва орзулари сари интиладилар.

Биз ҳам эзгу ниятлар билан ҳаваскор футбол жамоамизни «Тонг» деб номлаган эдик. Зеро, тонгдаги мусаффолик каби биз ташкил этган жамоа ўйинларидан кутилган дўстлик ва эзгуликлар ҳам унда ўйнаган инсонларнинг қалбларига етиб бориши умидида шу номни танлагандик.

Кутилганидек, бу эзгуликлар ўз самарасини берди. Ушбу китобда битилган дил изҳорлари ҳам бундан далолат бериб турибди.

Энди муҳтарам ўқувчиларимизда савол туғилиши табиий: «Тонг» қандай футбол жамоаси? Уни кимлар ташкил этган ва унда дастлаб кимлар тўп сурган? Жамоанинг ташкил этилишидан мақсад нима эди? Унинг ҳозирги аҳволи қандай? Келажаги-чи?..»

Айнан шу саволларга ушбу китобдан жавоб топасиз, деган умиддамиз. Агар китоб билан танишиб чиққач, футболга, ўзингиз билган ва ҳар куни дуч келган, телевизор орқали кўраётган, кўчаларда болалар ўйнаётган футболга сал бошқачароқ қарай бошласангиз, меҳрингиз жўшиб, ўзингиз ҳам ёшингиздан қатъи назар, ўйнаш истагига тушиб қолсангиз не ажаб? Ахир миллионлар ўйини бўлган футбол ҳеч қачон ёш танламайди... Зеро, ундан келадиган наф ҳам беқиёс – соғлигингизга бўлган эътибор ва бу эътибор самарасида ҳамиша соғлом, тетик, дуркун, куч-қувватга тўлиб юришдир. Буларни эса ҳеч бир тиббиёт воситаси сизнинг спорт билан шуғулланганингиз самарасичалик арзон-гаровга бермайди, туҳфа қилмайди.

Спорт – бу ҳаракат, ҳаракат эса ҳаётнинг негизидир, деб бежиз айтилмаган.

Китоб қўлингизда, энди уни ўқиш баробарида футбол деб аталмиш бу сеҳрли ўйин нафақат номлару рақамлардан иборат эмаслигини, унинг зиммасида инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, дўстлик, ҳурмат, иззат, кечиримлилик, мардлик каби хислатларни шакллантиришдек буюк вазифа ҳам борлигига, биз футболни ана шунинг учун ҳам севишимизга ўзингиз яна бир карра гувоҳ бўласиз, азиз китобхон!



*БИРИНЧИ БЎЛИМ*

# ҲАММАСИ ШУНДАЙ БОШЛАНГАН ЭДИ



## *БОЛАЛИКНИ ЭСЛАБ...*

Мен тенгдошларимга қўшилиб кўчаларни чангитиб тўп тепиб ўтган шўх-шаддод болалигимни эслаганимда ва кейинчалик футбол сабаб орттирган сафдошларимни ёдга олганимда, албатта, улар орасида бора-бора яқин дўстларимга айланиб кетган инсонлар кўз ўнгимда гавдаланади.

Шу ўринда бир оз ўтмишга назар солсак. Мен ва Абдуворис акам Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманига қарашли Эски шаҳар яқинидаги бир вақтлар эски киностудияга туташиб кетган маҳаллада туғилганман. Биз тенгиларнинг барчасига ўша пайтларда бир хил «касаллик» теккан – ҳаммамиз футболни жон-дилимиздан яхши кўрардик, футбол деса ўзимизни томдан ташлардик. Шунинг учун қачон қараманг, тупроқ кўчаларни чангитиб, ялангоёқ ҳолда уззукун тўп тепганимиз-тепган эдик. Бу борада уйдагилардан эшитган даккилар-у, ҳатто меҳрибон онамизнинг койишлари ҳам бизга кор қилмасди. У вақтларда ҳозиргидек замонавий чимли, бежирим ўйингоҳлар қаерда дейсиз?

Мен асли ёшлигимда дўстим Ботир Усмонов (ҳозирда у мураббий, халқаро спорт устаси) билан биргаликда бокс билан шуғулланганман. Биринчи устозим Республикада хизмат кўрсатган мураббий Михаил Борисович Франк бўлган. Лекин ўшанда ҳам футболни севардим. Мактабда, радиолампа заводида ишлаб юрганимда, университетда ўқиганимда ҳам футбол ўйнардим. Ёшлигимда ўша вақтларда оммалашган «Чарм тўп» мусобақаларида маҳалламиз шарафини ҳимоя қилганман.

Кўпчилик мен тенгқурлар яхши билишади, 1956

йилда ўзбек халқининг ибратли удуми – халқ ҳашари йўли билан Марказий «Пахтакор» стадиони қурилди. Ўшанда мен 9 яшар бола эдим ва ўз тенгдошларим қаторида ўйингоҳ қурилишини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳақиқатан ҳам ўчмас тарихга айланган ва ўзбек халқининг меҳрини қозонган ушбу ўйингоҳ қурилишида кўплаб техникалар, минглаб одамлар қатнашган эди. Қурилиш тугатилгач, ўйингоҳда севимли жамоамиз «Пахтакор» ўйинларидан ташқари кўплаб халқаро мусобақалар, турли спорт ва маданий тадбирларнинг ўтказилиши билан ҳам у доврук қозона бошлади.

Биз ўртоқларимиз билан дарсдан кейин ўйингоҳнинг захира майдонига бориб тўп тепиб, кунни кеч қилардик. Гоҳида ёз чилласида ҳаво ҳарорати 40–45



даражада жазирама бўлишига қарамай, девор оша асосий майдон томон ўтиб, катта футболчиларга чин дилдан ҳавас қилганча тўп тепган вақтларимиз ҳам бўлган. Аммо бу ердаги ўйинларимиз қоровул келиб, қўлидаги таёқни ўқталиб майдондан бизни ҳайдаб юборгунча ёки тўпимизни олиб, ёриб ташлайман, деб дўқ қилгунча давом этарди, холос. Кейин яна ўзимизнинг майдонга ўтардик... Ўйиндан сўнг стадион ёнидаги Анҳорда маза қилиб чўмилардик ва уйга кеч қайтардик.

Футболга бўлган ишқибозлигим туфайли 1956 йилдан 1970 йилгача «Пахтакор» жамоасининг Тошкентда ўтказилган бирорта ўйинини қолдирмай стадионда томоша қилганман десам сира муболаға бўлмайди. Пахтакорчилар сафарда ўйнаган кезларида ярим кеча бўлса ҳам ухламасдан радиодан Ахбор Имомхўжаев, Роман Турпишчев, Котэ Махарадзе, Николай Озеров, Вадим Синявский томонидан олиб борилган ўйин репортажларини берилиб эшитардик. Ўша пайтлардаги футболга ишқибозлик ҳам бошқача эди, баъзилар биз каби тўп ўйинга муккасидан кетган ишқибозларни ошкора «футбол жинниси» деб ҳам аташарди.

Маҳалладаги ўртоқларим Хайриддин, Ниғмат, Абдурасул, Абдуворис акам ва бошқа болалар футболга шунчалик берилгандикки, пахтакорчиларнинг ўйинлари у ёқда турсин, ҳатто уларнинг машғулотларини ҳам битта қўймай томоша қилгани борардик, таниқли футболчиларнинг оёғидан майдон ташқарисига чиқиб кетган коптокни қувиб бориб, уни майдонга қайтариб тепарканмиз, гўё дунёда биздан бахтли бола йўқдек севинардик. Айниқса, кейинчалик Хувайдо маҳалласида яшаган пайтларимизда дўстим Элёр Ёқубов билан футболга ишқибозлигимиз янада ортган эди. Бу анъанани ўғлим Отабек, у кишининг фарзандлари Жамшид ва Бекзод ҳозир ҳам давом эттириб келишяпти.

Биз болалар ўша вақтларда футбол афсонасига айланган ва ўзимиз севган ўйинчилар – М.Барский, Б.Климов, А.Азизхўжаев, Л.Мақсудов, О.Моторин, А.Козенков, О.Беляков, И.Тазетдинов, Ҳ.Раҳматуллаев, В.Виткалов, Г.Красницкий, С.Стадник, дарвозабон Л.Барский ва бошқа ўйинчилар билан жудаям фахрланардик.

Кейинчалик улар сафига 1964 йилда келиб қўшилган ва «Пахтакор» футбол жамоасининг афсонасига айланган, ўта тартиб-интизомли ўйинчиларидан бири Баҳодир Хожиевич Иброҳимов бўлди.

Ўша пайтда «Пахтакор» жамоасида юқорида тилга олинган таниқли футболчилардан ташқари Ю.Пшеничников, Э.Абдураимов, В.Штерн, В.Науменко, Р.Зокиров, В. Суюнов каби ўзбек футболи юлдузлари ҳам тўп суришарди.

Иброҳимов ўзининг шиддатли ўйинлари билан тез орада ярқ этиб ишқибозлар кўзига ташланди: унинг ўзига хос ажойиб техникаси, ҳужум қилиш усули, майдонни кўра билиши, ўз вақтида шерикларига аниқ тўп узатиши ҳамда кучли зарбалари ҳақиқий футбол ишқибозларининг юрагини забт этди. Ўша вақтларда «Пахтакор» ўйинларига эллик минг ва ундан ҳам ортиқ ишқибозлар келарди. Дарвозага



гол бўлгандаги ёки қалтис вазиятлардаги ишқибозларнинг ҳайқириғидан ўйингоҳ атрофидаги дарахтларга қушларнинг келиб қўнишга журъати етмасди. Ҳозир бу рақамлар ва ҳолатларни айтсанг, биров ишонади, биров ишонмайди.

Кейинчалик у мураббийлик ишига ўтди ва Терманинг «Сурхон», Фарғонанинг «Нефтчи», Самарқанднинг «Динамо», «Пахтакор» жамоаларида муваффақиятли ишлади, Ўзбекистон терма жамоасига раҳбарлик қилди. Ажойиб футбол мутахассиси, Москва Олий футбол мактаби биринчи битирувчиси бўлган Б.Иброҳимовга бир қанча Осиё мамлакатларидан ҳам таклифлар келиб тушди. Мисол учун, у Сурияда мамлакатнинг ўсмирлар ва ёшлар миллий терма жамоасини бошқарди ва жаҳон чемпионатида 3-ўринга олиб чиқди. Шунинг учун Сурияда уни қаҳрамондай эъзозлашарди. Бирлашган Араб Амирлигида, Саудия Арабистонида шартнома асосида ишлаб, миллий терма жамоаларга мураббийлик қилди ва бу мамлакат футболчилари унинг раҳбарлигида муносиб ютуқларга эришди. Шунинг учун бу мамлакатлардаги футбол ишқибозлари ҳамон Б.Иброҳимовни ажойиб мураббий сифатида эслаб келишади.



Менинг болалигимдан битта орзуим бўларди: лоақал бир марта бўлса ҳам «Пахтакор» футболчилари билан яқиндан танишсам, уларни яқиндан билсам, улар билан суҳбатлашсам, дўстлашсам дердим. Ишонинг, бу ўша вақтларда мен каби футболни севган ва «Пахтакор» таркибида ўзи севган машҳур футболчисига эга бўлган ҳар бир ўсмир мухлиснинг орзуси эди. Ниҳоят менинг бу болалик орзуим ушалди, кейинчалик ўзим севган пахтакорчилар билан танишдим, дўстлашиб ҳам кетдим, ҳатто улар билан ўзимиз ташкил этган «Тонг» жамоасида бирга-бирга тўп суриш ҳам насиб этди...

Гапнинг индаллоси ҳам футбол орқали юзага келган мана шу дўстликда эди...

## «ТОНГ»НИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Баҳодир Иброҳимов билан мени тақдирнинг ўзи учраштирди. Бу воқеа 1980 йилнинг баҳорида бўлган эди. Мен ўз ҳамкасбларим – Маҳмуд ака Абдураимов, Тўлқин ака Қозоқбоев ва Қосим Шодиев билан мастлаҳатлашиб, анчадан буён спортнинг бирор тури билан шуғулланишни ўйлаб юрардик, бунинг учун бирор соғломлаштириш гуруҳи ташкил этишга аҳд ҳам қилиб қўйгандик. Ахир кунбўйи иш дея ҳар ким ўз хонасида биқиниб ўтиравермасдан спорт билан шуғулланайлик, деган мақсадимиз бор эди. Охири ўйлай-ўйлай бу борада ҳаммамиз бир тўхтамга келдик ва барчамиз бирдек севадиган спортнинг футбол турини танладик. Дўстимиз Қосим Шодиев билан ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)да бирга ўқиганмиз. У ҳам футбол ишқибози эди. Кейинчалик спорт соҳасига ҳам масъул бўлган ва шунинг учун «Пахтакор»нинг муваффақиятларига ҳам муносиб ҳисса қўшган. У ташкилий ишларда чаққон эди, шунинг учун «Қосим, сени спорт соҳасида танишларинг кўп», – дея унинг

олдига «Пахтакор» ўйингоҳи маъмурияти билан келишиб, бизнинг ниятимизни – ҳаваскор жамоа бўлиб ўйингоҳда ўйнаш истагимизни айтиб, бунга рухсат олиб бериш вазифасини қўйгандик.

Хуллас, бу масалани у ижобий ҳал қилди ва бўлажак жамоамиз машғулотларни ҳафтада уч марта ўйингоҳ майдонларидан бирида – республика шахмат клуби ёнидаги захира майдонда ўтказадиган бўлди. Шундан кейин соғломлаштириш гуруҳимизда қатнашиш истагини билдирган ёру дўстларимизнинг рўйхатини туздик. Ўйингоҳдаги илк йиғилишимиз ҳам ҳозиргидек эсимда, бор-йўғи олти киши келганди. Ўшанда 1980 йилнинг баҳори эди.

## ИЛК ТАНИШУВ

Ҳаммасида қизиғи шу бўлдики, бизни илк машғулотга келганимизда ўйингоҳ кираверишида ким кутиб олди денг? Ўша йиллари «Пахтакор» болалар футбол мактабига директорлик қилаётган машҳур футболчи Баҳодир Иброҳимовнинг ўзи кутиб олса бўладими. Эсимда, ўша куни душанба эди. Барчамизнинг қалбимиз ҳаяжонга тўлди, ахир бизнинг жамоамиз билан машҳур ўзбек футболчиларидан бири Баҳодир Иброҳимовнинг шахсан ўзи шуғулланар экан. У биз билан қисқача танишувдан кейин барчамизга, аввало, шифокор кўригидан ўтишимиз лозимлигини айтди. Кейин биз у билан ҳаваскор футбол жамоамизнинг номи «Тонг» бўлиши ҳақида келишиб олдик. Бунга сабаб, ўйингоҳ майдонлари кундуз кунлари соат саккиз яримдан кечгача банд бўлар экан, фақат эрта тонгда бўш бўларкан. Буниси ҳам бизга маъқул келди, ҳафтада уч кун эрталаб соат 7.00 да келиб машғулотларни ўтказадиган бўлдик.



Шундай қилиб, ҳаваскор футболчилардан тузиладиган «Тонг» жамоаси ташкил этилди ва унинг асосчилари Қосим Шодиев, Тўлқин Қозоқбоев, Маҳмуд Абдураимов ва Баҳодир Иброҳимов бўлди. Мен ҳам улар қаторида бор эдим.

Ўша куни илк машғулотга бизнинг озчилик бўлиб келганимизни кўриб Баҳодир ака бир жилмайиб қўйди-да, ҳазил аралаш шу гапларни айтганди:

– Ахир, биродарлар, футболни 5-6 киши ўйнамайди, майдонда ҳар бир жамоадан 11 ўйинчи бўлишини мендан яхшироқ биласизлар-а? Ёки гапим нотўғрими? – деди ва шундан сўнг бизни ўйин олдидан машқ қилишга чорлади, ўша куни ўйингоҳга келган уч-тўрт болани ҳам ўзимизга қўшиб олиб жамоа тузиб, футбол ўйинини бошладик. Баҳодир аканинг ўзи ҳам бизга қўшилиб ўйнади, ҳам ўйинга ҳакамлик қилди.

Бизлар келишув бўйича ўйин майдони учун ҳамда ўйиндан кейин ювинишимиз ҳақини ойма-ой тўлаб борадиган бўлдик.

Шундан кейин ҳар галги машғулот олдидан Баҳодир Иброҳимов бизни кутиб олар ва тайёрлов

машғулотларини бажаришимизга ундар, сўнгра ўйин бошлашимизга рухсат берарди. У ҳар бир ишга жиддий ёндашадиган инсон эди.

Жамоамизга Баҳодир Иброҳимов мураббийлик қилаётгани ҳақидаги хабар дўстларимиз орасида тез тарқалди. Чунки биз бу гапларни рўйхатга ёзилганларнинг барчасига айтиб чиққандик. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай жамоамиз 20–25 нафарга етди. Кейинчалик аста-секин сафимиз кўпайиб, 40 нафардан ошиб кетди. Энди иккита жамоа эмас, тўртта жамоа бўлиб ҳам ўйналарди.

Барчамизнинг футбол билан шуғулланишимиздан асосий мақсад, аввало, ўз соғлигимизни сақлаш, қолаверса, оммавий спортни тарғиб қилиш эди. Ахир, баъзи бировлар бир хонада кунбўйи ишлаб ўтириб, камҳаракат бўлиб кетади ва кейинчалик булар унинг соғлигига салбий таъсир этиб, турли касалликларга гирифтор қилади. Шундай бўлгач, шифокорлар айтганидек, одам ўз соғлиги ҳақида касал бўлмасдан бурун қайғуриши кераклиги бор гап-ку, ахир.

Баъзиларга ўйин олдидан бўладиган тайёргарлик машқлари қаторида майдонни 10-15 марта айланиб югуриш малол келарди. Лекин мураббийимиз бунга мажбур этарди ва шунда улар ҳам секинлик билан бўлса-да, бошқаларга қўшилиб олишга ҳаракат қиларди. Шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, кўпчилигимиз дастлабки ўйинларда салгина югурсак, ҳарсиллаб қолардик. Баъзан ўйинларда турли жароҳатлар олардик. Аммо футбол ўйнашга иштиёқимиз шунақанги зўрайиб борардики, тезда тузалиб, яна майдонга интилавердик. Футболни мана шунақа – одамни сеҳрлаб оладиган сирли фазилатлари бор-да!

Баҳодир ака бизга футбол сирларини – ўйин тактикасини, югуриш техникасини, тўпни тепиш, уни шерикларга узатиш, энг асосийси, жамоа бўлиб



ўйнаш усулини қунт билан ўргатарди. Шу билан бирга ўйинга ҳакамлик қилиш баробарида ўзи ҳам бизга қўшилиб ўйнарди. Ўша вақтларда биз учун Баҳодир Иброҳимов билан футбол ўйнаш қанчалик шарафли эди. Жамоамизда 30 ёшдан 65 ёшгача бўлган турли касбларда ишловчилар – ҳатто вазирлар, турли вазирликларнинг масъул ходимлари, олийгоҳ муаллимлари, журналистлар, ижод аҳли, ишчилар, шофёрлар ва бошқа касб эгалари бор эди. Аммо ўйинда ҳеч ким бировнинг катта-кичиклигига, мансаби-ю амалига қарамасдан, худди профессионал футболчилар каби жон-жаҳди ва бор кучи, иқтидори, имконияти билан борлиқни унутиб, берилиб ўйнарди. Ёки қисқача қилиб айтганда, «Ўйинда – рақиб, ҳаётда – дўст» эдик. Футболда бундай муросасиз бўлиш усулини ва айнан шундай муҳитни бизга ўйинчи мураббийимиз Баҳодир Иброҳимов ўргатди ва шундай ўйнашга бизни ундарди ва бунга эришган ҳам эди.

Шунингдек, у ҳар томонини ўйлаб иш юритадиган оқил ва зукко инсон эди. Ўйинда, албатта, қайси бир жамоа ютади. Шунинг учун ҳар икки жамоадаги дўстона мувозанатни сақлаб қолиш ва иккинчи то-

мон хафа бўлмасин деб, у ҳар бир ўйинимиздан кейин беш дақиқалик «Кубок ўйини»ни ташкил этарди. Бундан мақсад асосий ўйинда ютқазган жамоа ҳеч бўлмаса кубокни ютиб олсин, дерди... Шунинг учун бизнинг «кўклар» ва «қизиллар» деб номланган жамоаларимизда хафа бўлишга ўрин қолмасди.

Бора-бора жамоамизда ўйнашга шунақанги қизиқишлар пайдо бўлдики, ҳатто «Тонг»да тонг-саҳар футбол ўйнаш учун Чирчиқдан, Олмалиқдан ҳам талабгорлар келишарди. Улар, албатта, ўйин бошланишига етиб келишга ҳаракат қилишарди.

Аста-секин ўйинда малакамиз ошиб борди. Кейин «Тонг» жамоамиз турли мусобақаларда ҳам фаол иштирок эта бошлади. Мисол учун, вилоят фан ва маданият ходимлари касаба уюшмалари ўртасида ўтказилган мусобақаларда жамоамиз уч марта ғолибликни қўлга киритди, бир марта иккинчи ўринни олди. Бу борада олган фахрий ёрлиқларимиз бизга ҳамон у кунларни эслатиб туради. Сўнгра жамоамиз билан Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ, Бўка, Чиноз, Оққўрғон, Бўстонлиқ туманларига сафарга бориб, ўша туманларнинг «ветеранлари» билан футбол ўйнаганларимиз ҳам ҳамон ёдимда. Бизнинг ўйинларимизни кўриш учун стадионларга кўплаб томошабинлар ҳам келишарди. Айниқса, жамоамизга кейинчалик артистлардан Козим Қаюмов, Соат Шарипов, Бахтиёр Ихтиёров, Ёдгор Саъдиев (Ёдгор ака бир вақтлар «Пахтакор»да дарвозабон бўлиб ҳам ўйнаган) келиб қўшилган эди. Бу ўйинларда XX аср ўзбек футболида афсонавий ўйинчиларга айланган Биродар Абдураимов, Баҳодир Иброҳимов, Аҳрол Иноятов, Акмал Азизхўжаевлар ҳам иштирок этишарди. Шунинг учун улар иштирокидаги ўйинларимиз «футбол шоу»сига айланиб кетарди...

Мана шундай қилиб, менинг, шу жумладан, жамоадошларимнинг ҳам болаликдаги орзуларимиз ушалди. Спорт олами, хусусан, футбол орқали биз



машҳур футболчилар ва футбол жонкуярлари – Эркин Абдураимов, Ахбор Имомхўжаев, Вячеслав Солохо, Тўлаган Исоқов, Николай Любарцев, Рустам Акрамов ва бошқалар билан дўстлашиб кетдик. Футбол орқали топган дўстларимни эндиликда эслаб шунга амин бўлдимки, яккакураш спортидан кўра жамоавий спорт тури ажралиб турар экан, бир мақсад йўлидаги интилишлар ўйинчиларни дўстлашиб кетишига олиб келаркан. Бирга тўп сурган инсонларнинг кўпчилиги билан орамиздаги дўстлик алоқалари ҳамон давом этиб келмоқда. Биз қачон бир-биримиз билан учрашмайлик, суҳбатимиз, албатта, Ўзбекистондаги футбол ривожи ҳақида бўлади. Биз ҳамиша ўзбек футболи ютуқларидан хурсанд бўламиз. Футбол орқали дўстлашганимиз туфайли кейинчалик бир-биримизнинг тўйларимизда, маъракаларимизда елкама-елка турардик, қизғин гурунглар уюштириб турардик. Албатта, бундай дўстлашувларда ҳам Баҳодир Иброҳимовнинг ҳиссаси катта бўлган.

Кейинчалик билганларим мени янада қувонтирди. Тасодифни қарангки, мен Баҳодир Иброҳимов билан консерваториянинг эски биноси рўпарасидаги уйларда ёнма-ён яшарканман. Шаҳарчилик. Билмаганимни

қаранг. Энди биз машғулотларимизга у билан бирга борадиган бўлдик. Биз ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам – хоҳ қиш бўлсин, хоҳ ёз бўлсин, айтилган жойда учрашардик ва Баҳодир аканинг эски «Жигули»сига ўтириб, стадион томон кетарканмиз, йўл-йўлакай бошқа жамоадошларимизни ҳам олволардик.

Умр оқар дарё, деганларидек, Баҳодир Иброҳимов билан танишганимга ҳам 43 йил бўлибди. Ўз ҳаёт йўлимда мана шундай машҳур футболчи билан рўбарў келганимдан, дўст бўлганимдан чексиз хурсанд бўламан. У ҳақиқий дўст эди. Мен билан «Тонг» жамоасида ўйнаган дўстларимизнинг ҳам унга, бу камтарин, қалби кенг инсонга ҳурматлари ва меҳри баланд эди.

Баҳодир ака хонадони билан оилавий борди-келдимиз ҳам бор эди. У ўзининг ажойиб аёли Шаҳнозахон, ўғиллари Бахтиёр ва Бобур билан бизникига тез-тез келиб турарди, ўз ўрнида биз ҳам оила аъзоларимиз билан уларникига кўп борардик.

У кишида ажойиб фазилатлар бисёр эди. У одамларга меҳр-муҳаббат билан, ҳамдардлик билан ёндашар, дўстлари бошига бир иш тушганда ҳамиша улар



ёнида туришга ҳаракат қилар, ёрдамлашар, далда берар, зарур бўлса керакли маслаҳатларини аямасди.

Мен унинг онаси Мақсуда аяни ҳам яхши билардим, олти болани тарбиялаб вояга етказган ажойиб аёл эди. Баҳодир ака онаси ҳаётлигида унга қўлидан келган ҳурматни қилар, иззат-икромини жойига қўярди. Узоқда бўлганда ҳар куни ҳеч бўлмаса бир марта қўнғироқ қилиб, онасидан ҳол-аҳвол сўрарди. Оналари эса бу «тўп тепар» ўғли ҳақида ҳамиша фахрланиб сўзларди. У ўзининг укалари ва сингилларига, Фарғонада яшовчи қариндош-уруғларига ҳамиша ғамхўрлик қилишни ўз бурчи деб биларди.

1986 йилдан 1992 йилгача Баҳодир Иброҳимов республикамизда биринчилардан бўлиб шартнома асосида чет мамлакатларда ўзи мураббийлик қилган жамоалар билан катта ютуқларга эришди ва бу билан ўзбек футболи нуфузини янада юқори поғоналарга кўтарди.

У хорижда ишлаган чоғлари таътилга келганида ўзининг кўплаб дўстлари қаторида «Тонг»да тўп сурган жамоадошларини ҳам бир жойга тўпларди. Шунда биз унинг хориж футболи ҳақидаги мароқли суҳбатларини берилиб эшитар эдик. Унинг кенг қамровли билимига, дунё футболи ҳақидаги тасаввурига, миллионлар ўйини бўлмиш футболнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил этишига, ўзбек футболининг ёрқин келажаги ҳақидаги орзу-ўйларига қойил қолардик.

Айни юқоридаги мана шундай хислату фазилатлари туфайли Баҳодир Иброҳимов кейинчалик севимли «Пахтакор» жамоасига, сўнгра Ўзбекистон миллий терма жамоасига бош мураббий этиб тайинланган эди. У бу ерда ҳам катта ютуқларга эришди, ўзбек футболи равнақи учун кўплаб янгиликлар олиб кирди.

1996 йилдаги Осиё чемпионатидан кейин Б.Иброҳимов ўз хоҳишига кўра ишдан бўшади. Бунга уни ҳеч ким мажбур қилмаган эди. У ўзига хос характер-



га эга инсон эди. Гарчи бу қарори ўзига зиён келтирса ҳам у шу йўлни тутди.

Баҳодир Иброҳимов 2013 йилнинг 21 август куни тўсатдан вафот этди. Жанозада кўплаб қариндошлари, дўстларидан ташқари, минглаб футбол ишқибозлари, шу жумладан, барча «тонгчи»лар ҳам қатнашди. Кўпчилик ўз қайғусини яширолмас, ўзини тутолмас, кўзлардан тинмай қайғу ёшлари оқарди. Бизнинг ўзбек халқимиз ана шундай футболсевар халқ. Жанозада имом Баҳодир аканинг кўп инсоний, олийжаноб фазилатлари ҳақида, жумладан, ушбу қабристонни ободонлаштириш ишларида ҳам кўп ёрдам кўрсатгани ҳақида гапириб ўтди. У ота-онаси ёнига дафн этилди.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтай. Биз Б.Иброҳимовнинг катта футболдаги ажойиб ҳаёти тўғрисида бир китоб тайёрлашни мўлжаллаб юрардик. Бунга унинг ўзи ҳам хайрихоҳ эди. Мен ҳам ушбу китобда

кўплаб дўстларимиз қатори устоз Баҳодир аканинг ёрқин ҳаёт йўлининг баъзи қирраларини қўлимдан келганича ёритишга ҳаракат қилгандим.

2013 йилнинг июль ойларида у китобнинг назорат нусхасини олиб келиб кўрсатди. Мана шундай ажойиб китоб дунё юзини кўраётганидан биргалашиб хурсанд бўлдик. «Худо хоҳласа, китоб чиқса, унинг биттасини, албатта, дастхатим билан сизга совға қиламан», дегандилар ўшанда. Минг афсуслар бўлсинки, бу кўнгилдаги ишлар амалга ошмади. Одам олдиндан ўзини нималар кутаётганини билмас экан. Тақдир, пешона, деб шунга айтса керак-да.

Ушбу китоб тақдимотида сўзга чиққан Ўзбекистон Футбол федерацияси раиси Мираброр Усмонов, «Тонг» жамоаси номидан унинг яқин дўсти Содиқжон Сафоев, футбол шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев, Наримон ака Жалолов Баҳодир аканинг ибратли ҳаёт йўлига тўхталиб ўтишди.

2014 йилнинг 21–25 август кунлари Баҳодир Иброҳимов хотирасига бағишлаб республикамиздаги болалар футбол клублари ўртасида турнир ўтказилди.



Бу турнир Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан ташкил этилди ва келгусида бундай турнирни ўтказиш анъанага айлантириладиган бўлди. Ушбу турнирда Баҳодир Иброҳимовнинг оила аъзолари, дўстлари, қариндошлари ва «Тонг» жамоамиз аъзолари қатнашди. Барча бундай турнирнинг ўтказилиши ҳақидаги хушхабарни хурсандчилик билан қарши олишганди.

Турнир тугаши билан Баҳром Ғафуров («тонгчи»), қўшним ва дўстим Нурулла Ғиёсов (ашаддий футбол ишқибози) билан Қумариқ мозорига бордик. Қуръон тиловат қилдик. Баҳодир аканинг қабри тепасида туриб, у кишини кўп эсладик. Қайтишда қабристон дарвозаси олдида қўлларида гулдасталар кўтарган ёш пахтакорчиларни учратдик. Улар ҳам тажрибали мураббий, ажойиб футболчи қабрини зиёрат қилишиб, ўзларининг ҳурмат ва эҳтиромини изҳор қилишга келишган экан...

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушиб қолди. 2013 йилнинг июнь ойларида менга Баҳодир ака қўнғироқ қилиб қолдилар. «Дўстим, вақт топсангиз бир жойга ўтиб келамиз», дедилар. «Кун жуда иссиқ-ку», десам ҳам қўймадилар. Машинада келиб мени олиб кетдилар ва салқингина бир кафега кириб, мириқиб суҳбатлашиб ўтирдик. Бир пайт кичик ўғли Бобуржон келиб қолди. У ўғлим Отабекнинг дўсти. Мен билан қучоқлашиб кўришди. Отаси унга аранг қўлининг учини узатди. У кетгандан кейин «Нега бундай қиласиз», дедим. «Э, нимасини айтасиз, ҳеч уйланмайди, ҳеч уйланмайди», дедилар. «Ахир эртаиндин уйланиб қолар, менинг ўғлим ҳам ҳали уйланмаган», десам, «Мен унинг болаларини – набираларимни кўришни, эркалаб бағримга босишни истайман», дегандилар. Қаранг, ичида дарди бор экану, буни бизга айтмай келар экан.

Худога шукур, 2014 йилнинг ноябрь ойида Бобуржон уйланди. Унинг тўйида қариндош-уруғлар



билан бирга Анвар Турсунов, Анвар Маҳмудов, Мирилёс Азимов, Шуҳрат Абдуллаев, Бахтиёр Носиров, Абдураҳмон Мансуров, Тимур Крук, Баҳром Ғафуровдан иборат биз «тонгчи»лар ҳам қатнашдик. Узоқдан бўлса ҳам Қосим Шодиев ўз табригини юборди. Биз Баҳодир аканинг йўқлигини билдирмасликка ҳаракат қилдик. Бундан Баҳодир аканинг руҳлари шод бўлган бўлса ажаб эмас...

Баҳодир Иброҳимов ҳамиша дўстлари ёдида, у ҳамиша «Пахтакор» жамоасининг ёрқин, севимли ва талантли ўйинчиси, моҳир футбол мураббийси, самимий дўст, ўзбек футболи равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилган ажойиб инсон сифатида қолаверади.

«Тонг» футбол жамоамиз ҳозир ҳам бор. Кўпчилик учун бу жамоада ўйнаш анъанага айланган. Кимдир унда биринчилардан бўлиб ўйнаган бўлса, энди унинг фарзандлари, ҳатто набиралари ҳам ўйнамоқда. Демак, анъана давом этмоқда.

## «ТОНГ»ДАГИ ЖАМОАДОШЛАРИМ

Мен ушбу жамоада йигирма йилдан ортиқ тўп сурдим ва юқорида айтганимдек, кўплаб мусобақаларда қатнашдим, вилоятлар, ҳатто Қозоғистон жамоалари билан учрашдик.

Бизнинг сафимизда ажойиб инсонлар кўп эди. Биз нафақат футбол ўйнардик, эрталаб стадионда бир-биримизни кўрганимиздан хурсанд бўлардик. «Тонгчи»лар барчамиз бир-биримиз билан дўстлашиб кетгандик, тўйларимизда борди-келди қилардик, кимнидир туғилган куни бўлса, эрта тонгдан уни қутлардик. Энг асосийси, футбол баҳона биров-бировимиз билан қадрдонлашдик, жамоадош сифатида бир-биримизга ҳурматимиз баланд эди.

Футбол туфайли юртимизнинг кўплаб машҳур спортчилари, олийжаноб инсонлари билан танишдим. Ашаддий мухлисларни кўрганимда тўлқинланиб кетаман. Кўчаларни чангитиб копток ўйнаганларим, «Пахтакор» стадиони темир панжараларидан ошиб ўйин томоша қилгани тушганларимизни эслайман… Қани энди шу етиб бўлмас майдонга тушиб, машҳур ўйинчилар билан кўришсам, деб хаёл сурганларимни эслайман... Эндиликда бу орзуларим рўёбга чиққанидан қувонаман. Астойдил ният қилсанг, унга эришар экансан.



Спорт билан шуғулланиш учун, аввало, ирода керак. Қийин аҳволда қолганингда, асаблар чарчаганда вақтли туриб, беҳуда ишларни ташлаб, майдонга тушасан ва елкадош дўстларингнинг табассумини кўрганингдан сўнг бирпасда ўзингга келасан-қоласан.

«Тонг» жамоасида ёши улуғ, ҳурматга сазовор инсонлар кўп эди. Қани энди барча жойларда бизнинг ёшларимиз ҳам шунга интилишса мақсадга мувофиқ бўларди. Шахсан мен болаларимга, невараларимга ушбу фикрларни етказганман ва шундай ҳам бўлмоқда.

Биз ҳар йили Янги йил арафасида – 31 декабрь тонгида қандай ҳолатда бўлмасин, стадионга йиғилардик. Ўйиндан кейин ким уйидан нима олиб келган бўлса ўртага қўярди. Кейин ичимиздан энг ёши улуғи Ҳабибулла Абдувалиев ҳаммани Янги йил билан табриклаб тилаклар билдирарди. Ундан сўнг Баҳромжон мавсумнинг энг яхши ўйинчиси, ҳужумчиси, ҳимоячиси ва дарвозабонларини эълон қилиб, совғалар тарқатарди. Кўпчилик сўзга чиқиб спорт орқали, футбол орқали ўзини тетик ва бардам ҳис қилиб юрганини, қадрдон дўстлар орттирганини ғурурланиб тилга олиб, барчага ўзининг яхши ниятларини билдирарди. Сўнг Козим Қаюмов ўзининг ширали овози билан қўшиқлар куйлаб берарди. Ҳамманинг кайфияти кўтарилиб, якунда бир-биримизни бағримизга босиб хайрлашиб, ким ишга, ким уйга кетарди. Ажойиб анъаналарга бой, ажойиб даврларимиз эди.

Мен «Тонг» жамоаси тўғрисида ёзилиши керак бўлган материалларни тўплай бошлаганимда ўз олдимга асосий мақсад қилиб шуларни қўйдим: аввало, ўзини ҳурмат қиладиган ҳар бир инсон спорт билан мунтазам шуғулланиши лозим, ундан ташқари, бизнинг жамоамизда ўйнаганларни, унда тўп сурган ҳар бир кишини эслаши, фарзандларимиз, набиралари-

миз ушбу китобни ўқиганда мана шу катта авлодлардан ибрат олишларини кўзлагандим. Агар ушбу китоб қўлига тегиб, уни ўқиб чиққан инсонларда юқоридаги фикрларим заррача қизиқиш уйғотса, ёшларимизни, ҳатто катта ёшдагиларни спорт оламига, футбол оламига етаклаб кирса, мен ўзимни бахтиёр сезган бўлардим.

Шу ўринда мен бир нарсадан хурсандман. Ўғлим Отабек ҳам мендаги футболга бўлган муҳаббатни, соғлом турмуш тарзига амал қилишимни кўриб, ўз дўстлари билан футбол ўйнашга жуда берилиб кетган. Оталарининг спортга қизиқишлари ва футболга бўлган меҳрлари бошқаларнинг оилаларида ҳам мана шундай хайрихоҳликларни юзага келтирган бўлса не ажаб. Ахир умид билан экилган ниҳол бир кун келиб ҳосил бериши тайин-ку.

Фурсатдан фойдаланиб, жамоамизда турли йилларда мен билан тўп сурган футболчи дўстларимни эслаб ўтсам. Уларнинг барчаси ажойиб инсонлар эди. Улар биз «тонгчи»ларнинг хотирасидан ҳеч қачон чиқмайди. Шу ўринда, аввало, жамоа асосчиларидан бири Маҳмуд ака Абдураимов ёдимга келади. Ўта кўнгли нозик, ҳалол ва принципиал инсон эди. Барчамиз у кишининг камтарлигини, одамшинавандалигини кўриб, ҳавас қилардик. Бухоролик дўстим Наим Ражабов забардаст йигит, ниҳоятда олийжаноб инсон эди. У асли курашчи бўлган. Ўйинда



у керак бўлса ҳимояда ҳам, дарвозабон бўлиб ҳам ўйнайверарди. Агарда онда-сонда гол уриб қолса, ошкора мақтанганча «асалочка» деб рақибининг ғашига тегиб қўярди.

Қашқадарёлик дўстимиз Раим ака Раҳмонов ҳам барваста, бақувват, хушфеъл инсон эди. У ўз вилоятига қайтганида у ерда ҳам ҳаваскор футбол жамоаси тузиб, кўпларни футболга жалб қилган. Хизмат сафарларига борганда у киши билан кўп суҳбатда бўлардик, Тошкентда бўлган воқеаларни эслардик. Хунук хабар эшитганимиздан кейин уйларига – Қаршига бориб, фарзандлари, оналари ва набираларининг даврасида уларни кўп эсладик. Абдуваҳоб ака Йўлдошев ҳам ажойиб, камтарин инсон эди. Ёшлари биздан каттароқ бўлиб, уни ҳаммамиз ҳурмат қилардик. Ҳимояда ўйнарди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир жиддийроқ ўйинимизда «қизил» ва «кўклар» орасидаги ўйин дуранг бўлиб турганда ҳимоядан келиб қаттиқ зарб билан тўпни дарвозага киритиб, «қизиллар»га ғалаба олиб келди. Шунда ўзлари ёш болага ўхшаб майдон ўртасида сакраб, биз ютдик, деб роса хурсанд бўлгандилар. Иккала жамоа ўйинчилари келиб, у кишини табриклаганди.

Хоразмлик Озод ака Рўзметовни ҳам фақат яхши инсон сифатида ҳурмат билан эслаймиз. Ўйинда ўзини жуда хотиржам тутиб, ғалвасиз, ортиқча гапирмасдан ўйнардилар. Наманганлик Бурҳониддин Абдуғаниев жамоамизга қабул қилинганда унга: «Ака, бу футбол, баъзи бир ўйинчиларимиз қизишиб кетиб қўполроқ гапирса хафа бўлмайсиз-да», дегандик. Ўзлари ҳужумда жуда яхши ўйнардилар. Биламиз, наманганликлар футболни жуда яхши кўришади ва тушунишади. «Навбаҳор»нинг ютуқларида у кишининг ҳиссалари катта.

Сафимизда ёшлар мураббийи Бахтиёр Пўлатов, ўзбек футболи фахрийси Акмал ака Азизхўжаев,



Ҳабибулла ака Раҳимов, Пўлатжон Носиров, Ботиржон Абдувосиқов, Раҳим Мўминов, тадбиркор Валера Фоменко, Геннадий Серафимович Лебедев, Абдулазиз ака Йўлдошев, Акбар ака Мирзаев, Муродбек Турсунбоев, Виссарион Григорьевич Пак, Абдуллажон Холиқулов каби ажойиб инсонлар ҳам бор эди. Улар ҳақида фақат яхши фикрлар айтиш мумкин. Бири ака, бири ука, бири устоз, бири дўст эди. Жойлари жаннатда бўлсин, илоҳим!

Энди мен яна бир гуруҳ жамоадошларим тўғрисида эсламоқчиман. Уларнинг ҳар бири ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан ўз даврининг обрўли инсонлари эди. Шунинг учун уларнинг номларини номма-ном эслашимнинг ўзиёқ менга катта қувонч бахш этади. Булар: Ҳакимжон Каримжонов, Вадим Инокентьевич Югай, Тўхтамурод Қорабоев, Ёрихон Ҳасанов, Нурислом Тўхлиев, Владимир Бойко, Саидакбар ака Ризаев, Александр Моспанов, Бўстамқул Саидқулов, Бахтиёр Ҳусанбоев, Валентин Емельянцев, Геннадий Насаль, Шуҳрат Жалилов, ака-ука Шавкат ва Алишер Аъзамхўжаевлар, ака-ука Ҳасан ва Учқун Қурбоновлар, Баҳодир Азимов, Шуҳрат Ғафуров, Виссарион Пегай, Қаҳрамон Асомхўжаев, Нурали Қобул, Миша Джалалкаганов, Вячеслав Иванов, Худойқул Тўраев ва унинг қудаси Нишонбой Абдуалимов, Виктор Ратушняк, Ришот ака, шофёрлар Каримжон, Аҳрол Тўраев, Дилшод Камолов, Тимур

Петрович Крук, Улуғбек Мажидов, Отабек Ҳамроев, ака-ука Фахриддин ва Нуриддин Турсуновлар, Лутфулла Убаев, Собит Собирхўжаев, Алишер Аминов, Нодиржон Азимов, Шавкат Шариповлардир.

Ҳақиқатан ҳам спорт ва маданият ҳамма вақт ёнма-ён юради. Халқимиз қанчалик санъатни ва спортни севса, санъаткорларимиз ҳам шунчалик спортни ёқтиришади. Спорт тўғрисидаги фильмлар, бадиий асарлар, томошалар, ҳаттоки миниатюра кўрсатувлари яратилган, айниқса, футбол тўғрисида, севимли жамоамиз «Пахтакор» тўғрисида. Кўпгина санъаткорлар ва спортчилар ўзаро дўст ва биродар. Биз «Тонг» жамоамиз аъзоларининг ҳар бири ҳам ўзимизни ҳамиша дунёдаги энг бахтли инсонлардан бириман деб билганмиз. Чунки мана шундай машҳур спортчилар ва санъаткорлар билан бирга футбол ўйнардик-да.

Ахир, бир томонда Эркин Абдураимов, Баҳодир Иброҳимов, Рустам Акрамов, Ахбор Имомхўжаев, Тўлаган Исоқов, Вячеслав Солохо, Аҳрол Иноятов, Николай Любарцев, Низом Нортожиев, Акмал Азизхўжаев, Фарҳод Магомедов, Аҳмад Убайдуллаев, Рустам Мирсодиқов, Тўра Шоймардонов, Муста-






фо Билолов, Раҳим Мўминов ва бошқалар (номини айтиб ўтмаган бўлсам хафа бўлишмасин) ҳам биз билан ўйнарди-да. Улар эндиликда турли соҳаларда ишлашади, кимдир Футбол федерациясида, кимдир нафақада, улар ҳозир ҳам ўзбек футболи ривожига муносиб ҳисса қўшиб келишмокда.

Иккинчи томонда ўйинларимизда машҳур санъаткорларимиз Бахтиёр Ихтиёров, Ёдгор Саъдиев, Соат Шарипов, Жўра Ортиқов (дирижёр), Козим Қаюмовлар ҳам иштирок этишарди.

Мен ҳар бир жамоа аъзосига ўзимнинг самимий ҳурматимни изҳор қиламан. Бизнинг дўстлигимиз, биродарлигимиз қизғин рақобатли ўйинларда чархланган. Эрталаб вақтли туриб, стадионга интилардик, бир-биримизни кўришга шошардик. Мени, аввало, бу китобни ёзишимга мана шу футбол баҳона туғилган дўстлик ва унутилмас хотираларим ундади. Бунинг учун мен жамоадошларимнинг барчасидан миннатдорман.

Ўйинимизда тез-тез кулгили ҳолатлар ҳам бўлиб турарди. Маҳалладошларим Раҳим Набиев, Ниғмат Абдураззоқов, Шоакрам Шоюсуповлар ҳам мен билан бир жамоада ўйнашарди. Раҳим ҳимояда, Ниғмат ва Шоакрамлар дарвозабон эди. Раҳим бақирганича

жамоани олға бошларди, ўйинни тезлатарди, айниқса, профессионал футболчиларга бақириб, у В.Солохо бўладими, Б.Иброҳимовми, Н.Нортожиевми ёки бошқасими, тузукроқ ўйнашларини талаб қиларди. Улар бўлса унинг гапларига жавобан жилмайиб қўйишарди. Маҳалладошлари эса «Аввал сен ўзинг қандай қилиб тез ўйнашни бизга кўрсат», деб унга гап ташлашарди.

Дилмурод Иброҳимовда ҳам шу одат бор эди. «Тўғри тўп узат, ўйинни чўзма», дея жамоадошларига, уларнинг мансабига, обрўсига, ёшига қарамасдан эътирозини билдираверарди. Бу ҳолатлар четдан қараган одамга кулгили туюларди. Аммо ҳеч ким ҳеч кимдан хафа бўлмас, хафа бўлишни, ҳатто хаёлига ҳам келтирмас эди Эҳ, қандай ажойиб даврлар экан, энди билсам...

Айнан мана шундай қизиқарли ҳолатлар тўғрисида «Тонг» жамоасида биз билан ўйнаган ёзувчи, ўша пайтларда «Звезда Востока» журнали бош муҳаррири Сергей Петрович Татур ажойиб ҳикоя ҳам ёзган. Кучли юморга бой ушбу ҳикояда у бизнинг дўстимиз Баҳодир Иброҳимов образини ҳам ўзига хос тарзда моҳирона яратган.

Сергей Петрович Татур ажойиб инсон бўлиб, биздан ёшлари каттароқ эди. Жисмонан бақувват бўлса-да, олдинлари футбол билан эмас, бошқа спорт турлари билан шуғулланган. Доим ҳимояда ўйнарди, уни алдаб ўтиш жуда қийин эди, чунки алдамчи ҳаракатларимизга парво қилмасди. Шуниси қизиқки, кўзойнагини ечмасдан ўйнарди. Ўзи ниҳоятда камтарин, камсўз, маданиятли инсон бўлиб, ҳамиша кулиб турарди. Бир гап сўрасангиз қисқача жавоб қиларди, бўлмаса индамасди.

Бир куни биз у билан бирга Янгиер шаҳрига бордик. Шунда дўстларимиз бизни Баландчақир деган




ажойиб табиатли, манзараси чиройли баланд тоғ бағрига олиб боришди. Ўша ерда зиёфат – меҳмондорчилик бўлди. Бу ердаги табиат манзараларини кўриб, Сергей Петрович жуда хурсанд бўлди, Ўзбекистоннинг гўзаллигини, инсонларининг меҳнаткашлигини, меҳмондўстлигини ва ўзи шу ерда яшаганидан ғурурланишини айтди. Мен ўшанда бу кишини ўзимга кашф қилгандим.

Кейинчалик у ўз сўзида туриб, айтганлари тўғрисида ўз асарларида ажойиб образларни яратди. Мен айтмоқчи бўлган сўзларим – жамоада ўзбеклар, тожиклар, руслар, украинлар, греклар, корейслар, қозоқлар, уйғурлар, татарлар, еврейлар ва бошқа миллат вакиллари тўп суришарди. Лекин ҳаммани бирбири билан боғлаб турган нарса футбол эди.

С.Татур сингари «Тонг» жамоасини ўз китобларида А.Имомхўжаев, Э.Абдураимов, Б.Иброҳимов, Р.Мўминов эслаганлар. Газеталарда бўлса, М.Назаров, В.Иванов, К.Қаюмов ва бошқалар кўп ёзишган.

С.Татур кўзга кўринган ижодкор бўлиб, юртимиз, унинг меҳнаткаш инсонлари ҳақида кўплаб катта-кичик бадиий асарлар муаллифи эди. Бир куни ўйиндан кейин майдонда ўзининг янги бир асарини тақдим этди. Очиб қарасак, ушбу китобда «Тонг» жамоасига бағишланган юқорида эслаганимиз «Қизиллар» ва «кўклар» деган ҳикоя ҳам бор экан. Бу ҳикоя нозик юмор тилида ёзилган ва ўша

даврдаги жамоа аъзоларига ўхшатиб баҳо берилган эди. Уни маза қилиб, кулиб-кулиб ўқийсан киши. Шу ҳикоя орқали ундаги катта кузатувчанлик хислатини кўрдик. Майдонда бу инсонга ҳеч ким қўполлик қилмасди, ҳамма бирдек ҳурмат қиларди. Бу айтилганларга ўзингиз шоҳид бўлишингиз учун қуйида С.Татурнинг «Красные» и «синие» номли ҳикоясини аслича, ҳеч бир ўзгаришларсиз эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

## «КРАСНЫЕ» И «СИНИЕ»



Когда я вошел в раздевалку, Тулкун уже хозяйничал там: самовар посапывал-почмокивал, и в сауне негромко вибрировали тэны.

– Приветствую вас! – сказал я Тулкуну, успевшему раздеться.

И он так же церемонно приветствовал меня. У него была мягкая, открытая улыбка, за которой, однако, не крылись ни чрезмерная стеснительность, ни застенчивость.

Вошли Акбар-доктор, или просто Доктор, и Рахим, бывший профессионал, который получил недавно травму (неделикатно сыграл с ним Хабибулла-стоппер) и пока выполнял обязанности судьи. Доктор представлял команду «синих». Рыхлотелый, похожий на колобок, Доктор был еще достаточно проворен, но погоды на поле не делал.

Мы громко приветствовали друг друга, и Тулкун сказал:

– Пора!

– Пора, – согласился Доктор, понимая «пора» Тулкуна не как приглашение начать разминку, а как



2–3877

обязательство выиграть у «красных». – Сколько можно просаживать? Садык будет? Бахром будет? Ходжиевич?

Названные Доктором игроки составляли таранную силу «синих». Мне очень нравился Ходжиевич, бывший пахтакоровец. Сейчас он тренировал эту команду, очень далекую, по многим причинам, от былой славы. Ходжиевич играл остро и точно, но отличался редкой среди футболистов деликатностью. Грубость на поле почти физически угнетала и подавляла его. Он отказывался понимать, как это можно бить соперника по ногам, толкать и сбивать его, позволять себе недозволенное. Он играл культурно, и за глаза его называли Ходжиевич-аристократ. Заметьте, баем его не называли никогда, только аристократом. Шавкат тоже был большой мастер хитросплетений, по части футбольного слалома его мало кто мог переплюнуть. Но быстро раздражался, если игра не шла. Садык - «синий», очень подвижный, выполнял на поле колоссальный объем работы, но до дирижера-виртуоза все-таки не дотягивал. Зато ничто не выводило его из равновесия. Столкнувшись с кем-нибудь, он всегда извинялся, хотя часто не был виноват. Бахром, стремительный, длинноногий взрывной, лучше подходил для роли дирижера, но злоупотреблял индивидуальной игрой.

– Ох, уж эти звезды! Чем больше рассчитываешь на них, тем хуже результат, – Тулкун выразительно пожал плечами и стал облачаться в спортивную форму. «Синие» проиграли «красным» несколько игр подряд и жаждали реванша.

Пришли Петрович и Валера-боксер. Они дружили, но их майки были разного цвета. Петрович был на острие нападения «красных», а Валера-боксер защищал ворота «синих». На верховые мячи он реаги-

ровал прекрасно, пуская» в ход свои увесистые кулаки и отваживаясь на прыжки акробатической сложности, на низовые часто не успевал реагировать.

– О, мальчики для битья уже в сборе! – приветствовал «синих» Петрович, широко улыбаясь. – Никого я так не уважаю, как мальчиков для битья. Я вам вратаря-дыру привёл. Он сведет на нет все ваши усилия. Я его подговорил. Я ему за это пива поставлю.

Петрович был само благодушие. Выходил из себя он только на поле. И чужим, и своим перепадало от него основательно, и многие забывали обиды далеко не так быстро, как он остывал.

– Сегодня «красные» – мальчики для битья, – назидательно сказал Тулкун и поднял вверх указательный палец.

Петрович раскатисто рассмеялся и обнял Тулкуна: фантазируй, фантазер! Валера-боксер дипломатично промолчал. Иногда, если к «синим» приходил классный вратарь, он защищал ворота «красных». Ему была интересна сама игра, а не результат. Еще реже ему выпадала роль защитника. Это было забавнее всего. В защите Валера-боксер стоял старательно, но уж очень неуклюже. Только я играл хуже его, но меня терпели, как терпят неизбежное, неустранимое.

Неслышно ступая, вошел Тохтамурад. Стройный, молодой, красивый.

– О, Тохтулечка! – крикнул Петрович, обнял форварда «красных», часто очень удачливого. – Надеюсь, ты сегодня не у стены спал? Ты выполняешь указание не ложиться у стены перед играми?

Тохтамурад улыбнулся и дипломатично промолчал.

– Если бы случилось то, на что вы намекаете, Тохтамурад опоздал бы, – сказал Тулкун.

Дверь широко распахнулась, и ввалилась веселая ватага, «красные» с «синими» вперемешку. Приш-

ли Садык-«синий» и Садык-«красный», оба высокотехничные, выдающиеся форварды. Не меньшей известностью пользовались Виссарион, по прозвищу Чимкентский Шлагбаум, Вадик, награжденный после филиппинского чемпионата прозвищем Токомато, а после мексиканского – Марадона, Касым, Мухталь, Карим-таксист, Виктор-медвежатник (не путать со взломщиком сейфов), вратарь «красных» Маннап, очень импульсивный, Хабибулла по прозвищу стоппер-костоправ, Шавкат. Пришел и долгожданный Ходжиевич.

– О! О! Мы вам – наш физкультпривет душевный! «Синие» таки потратились на телеграммы, весь цвет свой собрали. Держись, ребятишечки!

– Ага! Ага! Испугались! Тут-то мы вас и приструним! – торжествовал Тулкун.

– Ну, рассмешил! – осадил его Петрович. – Да мы вас... Фору хотите? Сначала в пас играть научитесь. Индивидуалисты вы отпетые, и это вас губит. Учу я вас, учу: в пас играйте. Вот Хабибулла получит мяч и напролом к нашим воротам. Аж зажмуривается от удовольствия. Не видит, не слышит никого. А зачем зажмуриваться? Хабибулла, ты когда в последний раз гол вколотнул? В прошлом году? И то в свои ворота срезал?

– Ну, вы скажете! – возмутился Хабибулла-стоппер.

– А может быть, продуем, а? – издевался Петрович, смакуя последние яркие победы. – Отдадим игру, а? У них же никакого интереса. Ладно, мы вам сегодня поддадимся. Устали мы побеждать, Тулкунишка-хвастунишка. Скучно нам уже побеждать вас постоянно. Нет, вы мобилизуйтесь и накажите нас, ладно? Беседу проведите, вообще будьте посерьёзнее. Вы ведь взрослые люди!

Он привычно взвинчивал «синих», привычно подкеросинивал их до желтого каления, которое, не скоро выветриваясь на поле, мешало им вести игру расчетливо и умно.

Вошел Ядгарыч, поддерживая под локоть Батыра и всем его демонстрируя: вот кто сегодня будет в рядах «красных»! Получив повышение, Батыр теперь редко вырывался на футбольное поле. Очень техничный, расчетливый и целеустремленный, он был незаменим в средней линии и почти неудержим в атаке. «Синие» то и дело обжигались об его горячую напористость. Сам Ядгарыч прекрасно цементировал защиту «красных». Он отличался точным глазомером и мгновенной реакцией, и волны нападающих разбивались об него, как о незыблемый утес.

– Теперь «синим» хана! – комментировал их появление Петрович. – Хотя если попросите...



Эркин, Бахтиер и Бахрам вошли вместе, а последним, как всегда, пришел Шухрат. Первые трое прежде были профессиональными футболистами и достигли высокого класса, особенно Эркин, одно время входивший в сборную страны. Он и сейчас приятно радовал «красных» и неприятно озадачивал «синих» голами редкой красоты, за которыми следовали могучие возгласы: «Абдураимов! Абдураимов!» Шухрат, низкорослый и широкий, на поле был удивительно напорист, и опекать его было совсем не просто.

Из раздевалки выбегали по одному, делали круг или два по упруго-мягкому черному тартану, разминая не первой свежести мускулы и суставы, – и на поле, постучать по воротам. У «красных» снова оказалось на одного игрока больше. Петрович уже строго возражал оппонентам:

– Если мы вам отдадим своего лишнего, у вас появится ваш лишний. Не бывать этому!

Вдруг прошелестело:

– Жуков, Жуков!

Это был не человек, а глыба человеческая. Его клиновидная голова, небольшая для широких и мясистых плеч, легко и непринужденно отыскивала мяч в полете и отбивала его подальше от ворот. Он, конечно, был не подарок для нападающих в красных майках. Даже рослому и прыгучему Батыру не доставались верховые мячи, если его опекал Жуков. Причем мяч он отбирал корректно и добронравно, не устрашая и не подавляя соперника крепким своим телом, а оказываясь почему-то чуть ближе к мячу. Но проворный Вадик-Токомато-Марадона, бывало, обходил его. При большей подвижности и маневренности цены бы не было Жукову. Когда-то, наверное, и было, было такое славное время, что не было Жукову цены и как защитнику, и как парню, надежному во всех отношениях.

– Как жизнь, Петрович? – осведомился Жуков, улыбаясь. Черты его лица, крупные и тяжелые, тоже говорили о прочности и надежности этого человека.–Ты после какого гола назначишь пенальти в наши ворота?

– После какого надо, – ответил на эту подначку Петрович, поджал одну ногу и, петушась, толкнулся всем телом в глыбообразный корпус Жукова, и отскочил, как от могучей скалы, и снова толкнулся, сильнее, и снова отскочил.

– Ай, молодец! – воскликнул Жуков. – Знаю, в форме ты. Но и я в форме! Все мы в порядке, спасибо зарядке. Новости есть?

– Будут, – пообещал Петрович, – Какие хочешь, такие и будут тебе новости. Организуем согласно вашему, товарищ маршал, спецзаказу.

– Ваше нам почтение, значит.

– Иди, иди, вставай на свое место. И не брыкайся! Опять, гляжу, пузо отрастил.

– Как будто ты прилетаешь из командировки без пуза. Вот возьму, обряжусь в красную футболочку, тебе и пузо мое понравится сразу.

– В красной маечке-футболочке комсомолочка идет! – пропел Петрович.

– Идет, идет комсомолочка! – сказал Жуков и почмокал полными губами.

– Хитрый ты, Жуков. Как химик хитрый. Только я тебя сегодня обведу и гол свой впну.

– Впни и возрадуйся! Только сумей сначала.

Они попрекались еще, толкаясь и пыхтя.

– Начали! – крикнул Тулкун. – Рахим, командуй. Чур, свистеть не по принципу: «Красные» всегда правы!»

Рахим приложил руку к груди и церемонно поклонился.

Всходило солнце. Оно лилось-процеживалось – золотом и серебром – радужными бликами сквозь черные кроны дубов и кленов, густо посаженных еще в начале века вдоль берега Анхора. Ярко становилось, светло, хорошо: лето! Три или четыре помятые личности примостились у кромки поля. Этим людям было интересно, и они никуда не торопились. «Красные» считали их своими болельщиками, «синие» – своими.

Мяч покатился, направляемый хлесткими ударами. «Синие» обрушили на ворота «красных» первую свою атаку. Шавкат, пофинтив, отвлек на себя троих защитников и отдал пас Тулкуну. Я поплясал перед ним, мешая пройти, и он передал мяч Садыку-«синему», Садык – Бахрому, Бахром – Ходжиевичу. Маэстро, выискав щель в обороне «красных», пробил издали. Мяч пробуравил воздух рядом со штангой. Шавкат поморщился, он ожидал ответного паса.

– Я принесу! – крикнул Батыр. Но он и не подумал бежать за мячом, он лишь подчеркнул бесплодность атаки.

Мальчишки уже несли мяч. Маннап, подразнив Тулкуна мячом, установил его, и Ядгарович, разбежавшись, сильным ударом послал мяч далеко в поле. Садык-«красный» принял его на грудь, мгновенно прогнувшись, и, заслоняя мяч корпусом от набегавшего Хабибуллы, передал Эркину. Эркин, хладнокровно дождавшись выпада Виктора – медвежатника, отвел мяч назад и, описав им полукруг у Витиных ног, обвел Карима-таксиста и понесся вперед, а перед Жуковым отдал мяч Касыму. Касым поманерничал, порезвился немного и дал пас Вадику. Длинноногий Батыр успел пересечь поле по диагонали, включаясь в атаку, но Вадик-Токомато-Марадона



дал пас не ему, а Петровичу. Жуков поднялся перед форвардом всем громоздким своим телом и не позволил себя обойти. Но «красные» перехватили отбитый мяч и возобновили атаку. Валера-боксер взял один мяч, вытащил из девятки второй – этот его бросок был замечен и оценен. Под третий, пушечной скорости мяч, посланный Эркином, жертвенно бросился Карим-таксист. Больно стало ему, но он вытерпел и улыбнулся. Хабибулла-стоппер остро сыграл против Батыра, и тот упал и перекувырнулся через голову.

– Хабибулла, опять за старое? – насел на стоппера Петрович. – Мы что, сюда убиваться приходим? Мы играть приходим. Ты оставь свои повадки.

– Он сам упал! – крикнул Хабибулла, а от следующей тирады отмахнулся.

Садык-«красный» пробил штрафной. Пожалуй, он был самым продуктивным у «красных», неутомимо поставляя мячи на сверкающее острие атаки. Батыр высоко выпрыгнул и ударил по мячу лбом. Валера отразил коварный удар, но упал. Набежал Вадик и сделал свое дело.

– Ура Токомате-Марадоне! – крикнул Касым.

– У нас Вадик есть, а у вас кто? – обратился к «синим» Петрович. – У вас грубиян Хабибулла и костоправ Витя. Два сапога пара.

– Я-то при чем? – удивился Виктор. Он еще никого не оттер от мяча, не толкнул, не снес, не зацепил даже.

– Ты всегда при чем, – сказал ему Петрович. – Не нарушил, так не переживай.

– Ну, пошел базар! – огорчился Тулкун. – Этот Петрович...

Валера-боксер рукой направил мяч Садыку-«синему». Тот, пройдя вперед и не решаясь на обводку, подключил в атаку Ходжиевича. Но пас Доктору был ошибкой: он не заметил открывшегося Шавката. Шавкат в сердцах взрыл землю ногой, словно конь ретивый. И в эту же секунду мяч, посланный Доктором Шухрату, перехватил стремительный Ядгарович. Словно праща выбросила его, так быстр был его рывок. Шавкат вскинул руки к небу.

– Ходжиевич сегодня наш игрок! – подначил Петрович.

Мяч прилип к ноге Эркина, и маэстро блеснул обводкой. Еще... еще один позади. Ни Карим, ни Виктор не устояли. Но Жуков прыгнул неуклюже, да высоко и снял мяч почти с головы Батыра. Витя-медвежатник подхватил его и пошел вперед как таран, кроша и сокрушая. Виссарион, он же Чимкентский Шлагбаум, пресек его рейд «красивым», почти профессиональным подкатом.

– Передержка, Виктор! – упрекнул Ходжиевич.

– Ура Виссариону! – крикнул Петрович. – У вас есть свой Виссарион? – обратился он к «синим». – Воспитайте!

– У нас Жуков есть! – крикнул Бахром.

Заговорив «синим» зубы, «красные» выманили их защитников на середину поля, Эркин дал пас Петровичу, тот – Батыру, Батыр – Касыму. Касым мог пробить сам, но раздумал и вернул мяч Батыру, обманув вратаря, кинувшегося ему в ноги. Батыр спокойно вкатил мяч в пустые ворота.

– Аргентина! – возликовал Касым. – Икки – нуль. Ай да «красные!» Ай да мы!

– Защита! Персоналочку! – приказал Ходжиевич.– Валера, ты как пацан.

– Что я вам! – обиделся Валера.

– Что, что! Рот не разевай.

Три ответные атаки «синих» были остры, но не привели к взятию ворот. Все-таки Бахтиер, Ядгарович и Батыр знали свое дело. Касым ни на шаг не отходил от Ходжиевича, Виссарион – от Бахрома. «Красные» же, контратакуя, отлично использовали две открывшиеся им возможности. Сначала Садык, заметив, что Валера-боксер выдвинулся далеко вперед, перебросил мяч через него несильным ц точным ударом издали, и тот вприпрыжку влетел в ворота. Затем сильно и точно пробил Эркин. Посланный им мяч был из тех, что не берутся.

– «Синие»! Создадим перелом! – подстегнул своих Ходжиевич.

Он очень не. любил проигрывать. Пожалуй, он не любил проигрывать больше всех, даже больше Шавката, яростно переживавшего каждое поражение. Не любя проигрывать, Ходжиевич находил силы для отпора и возрождал дух команды. Какое-то время игра, выравнявшись, обрушивала быстрые свои волны то на ворота Валеры-боксера, то на ворота Маннапа, энергично подбадривавшего своих. Чуть было не отличился Тохтамурад, но замешкался, и Виктор-

медвежатник лишил его мяча. Тохтамурад тотчас получил от Батыра ценный совет проснуться и протереть глаза. И еще раз он мог отличиться, но Валера-боксер парировал его коварный удар на угловой. То, как он вытащил этот тяжелый, низом посланный мяч, было удачей, почти искусством, и Батыр только всплеснул руками с нескрываемой, незлой досадой. Батыр играл очень эмоционально, как и Петрович, и Шавкат, и наблюдать за ним было интересно.

Шавкат, эффектно приняв мяч на грудь, прикрыл его корпусом от набегавшего Ядгаровича, метнулся влево, потом вправо, увернулся от Виссариона, проскользнувшего по инерции далеко вперед, и, ощутив перед собой простор – а какой форвард не жаждет оперативного простора! – двинулся вперед, набирая скорость и закусив удила. Он не отпускал от себя мяч далеко. Маннап сжался, съежился от его стремительного надвижения. Он смотрел на Шавката страдальчески: лучше тихо пробей в угол, чем сильно – в меня. Ядгарович семимильными шагами настигал нападающего. Обожженный горячим дыханием защитника, Шавкат пробил резко и хлестко, не жалея ни ворот, ни Маннапа. Мяч со стоном рассек воздух, ударился в левую штангу, метнулся строго по линии ворот к правой, ударился об нее и... усмиренный, выкатился в поле. Ядгарович тотчас же отправил его дальше. Гул изумления повис над полем. Помятые личности у бровки повскакали, взволновались. Такого никто не помнил. Такого еще не было за все шесть лет противоборства «красных» и «синих», за все полторы тысячи горячих бескомпромиссных матчей. Забито было десять тысяч голов, и были среди них голы удивительные, но такого... Шавкат, однако, схватился за голову. Он жаждал гола, а этот редкост-

ный зигзаг мяча гола не заменял, хотя и был красивее самого красивого гола.

– Теперь дело пойдет! – крикнул Ходжиевич. – Взялись! Поехали!

Действительно, «синие» легко перехватили мяч. Сделал это Садык-«синий», обезоруживший Виссариона. Хорошо открылся Ходжиевич. Взломав оборону «красных», он обычно давал пас Доктору, Шавкату, Шухрату или Тулкуну. Но большой разрыв в счете злил его и, обойдя Ядгаровича, он пробил по воротам сам, сильно и точно. Мяч скользнул по кончикам пальцев Маннапа и летел потом еще долго.

– Ты как балерина! – упрекнул голкипера Батыр.

– А зачем вы бить позволяете? – обиделся вратарь.

И тотчас же гол забил Тулкун. Притупив мою бдительность, он встал рядом с Маннапом (офсайд во внимание мы не принимали), дождался отскока после пушечного удара Шавката и артистично так, манерно подставил ногу. Нате, мол, вам! Радость залила его лицо. Это было выше и лучше, чем похвала начальника. Это было приятнее, чем нежданное повышение в должности.

– Маннап, ты почему подарки делаешь?

– Так подстраховывайте! – Маннап горячо переживал неудачу.

Подарки! – возмутился Тулкун. Он очень картинно возмущался. Что-то артистическое просыпалось в нем тогда, и это всех умиляло.

– Тебя обидишь! – шпарил Петрович;

«Синим» продолжало везти (один Ходжиевич называл это умением). Четырехходовка Шавкат – Ходжиевич – Бахром замкнулась на Шухрате, который много двигался, играл напористо и то и дело уходил

от опеки защитников. Маннап устремился к нему, но ретивый Шухрат обвел его. Маннап схватил его за трусы и немного приспустил их, но такой мелочью Шухрата было не смутить. Он вбежал-вкатился в ворота вместе с мячом.

– Давим дальше! – наставлял «синих» Ходжиевич.

И тут же отличился Доктор. Никем особенно не опекаемый, не быстрый, но цепко державший мяч, он приблизился почти вплотную, пробил из острого угла, и мяч от ноги Маннапа отскочил в ворота.

– Какой позор! – воскликнул Петрович. – Кому проигрываем! Пора просить пенальти. Я давно не бил пенальти.

– Фигушку вам, а не пенальти, – отмахнулся Виктор-медвежатник.

Но случилось именно то, чего так ждал Петрович. Батыр не стал обводить Жукова, а пробил, целясь в ворота, и мяч скользнув то ли по локтю Жукова, то ли по плечу, ушел за пределы поля.

– Рука! – загорелся Петрович. – Рука в штрафной! Судья, пенальти! Я пробью.

Он сам побежал за мячом.

– Какая вам рука! Ну, вы даете! Отсебятина это, а не рука, – защищался Хабибулла.

– Не было руки, – подтвердил Жуков.

– Я пробью, – повторил Петрович, неся мяч на одиннадцатиметровую отметку и пропуская замечания соперников мимо ушей. Неужели за полторы тысячи игр они не усвоили, что репликами и несогласием его с пути истинного не собьешь?

– Судья! Подтверди, что была рука.

– Была! – заявил Рахим и дал свисток. Когда он судил, он очень старался быть объективным, и иногда это ему удавалось.

– Хлюзда ты, Петрович, – сказал Жуков. – Ну, чего тебе это пенальти? Ты так выиграй.

– Апеллируй к судье! – засмеялся Петрович и нацелился на мяч.

– Ты всех тут заколебал. Не было руки! Опять выиграть хочешь?

– Хочу, товарищ маршал.

Он разбежался и, зыркнув глазами в левый угол, что есть силы пнул по мячу. Валера метнулся, но не успел.

– Не будешь останавливать мяч рукой, – сказал Петрович Жукову.

– Да я и не трогал его! Нужен он мне!

– Не переживай, – сказал Петрович, очень довольный, – Пять – четыре. Право, мы устали побеждать.

– Они по-другому не умеют выигрывать, – сказал Тулкун. – Они из ничего пенальти делают.

– А вам кто мешает?

Побазарили еще, облегчили душу. На скулах Шавката играли желчные желваки. Он показывал на себя пальцем до тех пор, пока Валера-боксер не кинул ему



мяч. Тогда он, высвобождая пружину, сидевшую в нем и туго сжатую, обвел Касыма, прикрыл мяч телом от Садыка-«красного», ушел изящным финтом от Виссариона, Чимкентского Шлагбаума, и ринулся к воротам. Разрывая защиту, на ударные позиции выходили Ходжиевич, Бахрам, Шухрат. Я кинулся наперерез Шавкату. Я знал, что он резко метнется вправо и пробьет левой. И он метнулся вправо, но так резко, так стремительно и одержимо, что я не успел подставить под удар ногу. Его проход был великолепен, удар – неотразим. Маннап даже не шелохнулся.

– Такие не берутся! – крикнул Ходжиевич и зааплодировал.

– Шавкат, еще один такой сольный проход, и мы будем коллективно рекомендовать вас в основной состав «Пахтакора», – заявил Петрович, – Еще не поздно. Видите, мы отдаем вам должное. А из вас ни один не поздравил меня с красивым голом, забитым с пенальти.

Шавкат, премного довольный, переминался с ноги на ногу. Тулкун кивнул Рахиму, показывая на высокое уже солнце. Долгий свисток был пронзительно резок.

– Ничья: пять – пять! – объявил Рахим. – Игроки жмут друг другу руки, обнимаются и целуются!

Я бежал в раздевалку, довольный. Легко-то как было! Легко, свободно и замечательно. Ради этого ощущения н и приходил сюда. Я приходил сюда, несмотря на то что играл хуже всех и если и забивал голы, так в свои ворота. Тридцать лет назад, в школе, мне даже за команду нашего класса не разрешали выступать.

Мужчины дружно вошли в саунное сухое тепло, в маленькую Сахару. Расселись на полках, словно птичья стая на проводах.

– Пожалели мы вас, правда, Эркин? – сказал Петрович и стал массировать спину Жукову. – Вот кто рукой сыграл, вот кто дал мне право пробить пенальти и показать себя.

– Так ведь не было руки! – засмеялся Жуков.

– Жалуйся знаешь куда? В ООН!

– Еще пять минут, и мы бы выиграли, – сказал Тулкун на полной серьезности. – Как мы давили!

– Давили! Не смеши меня, – сказал Батыр.

– А Шавкат как отличился! Штанга! Вторая штанга! Ну, Шавкат!

– Мы Шавката в «красные» берем, – сказал Петрович. – Он созрел уже играть за «красных».

– А за «Пахтакор»?

– Там ему завидовать будут. А мы не завидуем, мы радуемся за него. И пас даем прямо в ноги.

Я вбирал в себя сухой саунный зной, и споры, и громкие выкрики недавних соперников, которые снова были друзьями, которые уже не могли друг без друга. «Паца-ны! – думал я. – Какие они пацаны, и какой я пацан – с ними вместе!» А было этим пацанам и по пятьдесят, и за пятьдесят, как Петровичу, и около пятидесяти. И только самым молодым из нас, Ядгаровичу, и Вите-медвежатнику, и Тохтамураду, и Кариму-таксисту, было за тридцать. Когда-то они мечтали о футболе, о классных командах. Но жизнь рассудила иначе. А они не были в обиде на жизнь, на нее вообще нельзя обижаться. И только я один никогда не мечтал о большом футболе и не играл в футбол в детстве. Я и теперь попадал по мячу через раз. Но эти люди умели быть великодушными.

Час пробил. Мужчины чинно, один за другим выскользнули из сауны, поплескались под тугими струями душа, повязали галстуки, надели на белые со-

рочки чиновничьи пиджаки и вновь стали теми, кем давно уже были, – людьми с положением и весом. Они пошли-поехали в свои кабинеты, директорские, секретарские, министерские и неминистерские, но мало в чем им уступающие, в телефонный перезвон, в гущу жизни. Один Карим-таксист никуда не торопился. Он брал в понедельник выходной.

Возвращение в детство было кратким-кратким.

– До среды!

– До среды, пацаны!

И каждый знал, что, если он почему-то не явится сюда в среду, пульс жизни сразу перестанет быть полным.

– Почему?

* * *

Ҳозирга келиб юқорида номлари тилга олинган дўстларимизнинг баъзилари орамизда йўқ. Шу ўринда уларни исм-шарифларини ўқирканмиз, бу ажойиб инсонларни кўз ўнгимиздан ўтказиб, яна бир бор эслаб, руҳларига дуолар қилиб қоламиз.

«Тонг» ҳаваскор футбол жамоасида мен билан бирга тўп сурган жамоадошларим ҳам ҳозирда ўша кунларни марoқ билан, ажиб бир сурур билан эслашади. Спортнинг энг оммавий тури бўлган футбол ўз ҳаётларида қандай эзгуликларга сабаб бўлганини ҳам ёдга олишади. Футбол орқали қанча-қанча дўстлар орттирганларини ва кейинчалик оилавий борди-келди қилганларини, ҳатто қуда-анда бўлиб, қариндошга айланганларини кўп гапиришади. Ҳаваскор жамоада республикамиздаги катта футбол оламида юлдузга айланган футболчилар билан ҳамнафас бўлиб тўп сурганларидан фахрланишади.



## *ИККИНЧИ БЎЛИМ*

# «ТОНГЧИ»ЛАРНИНГ «ТОНГ» ҲАҚИДАГИ ХОТИРАЛАРИ



# ФУТБОЛДАГИ ЮКСАК ДИДЛИ, НОЗИКТАЪБ ИНСОНЛАР



***Маҳмуд АБДУРАИМОВ.***

***1939 йилнинг 10 январида Сирдарё вилояти Гулистон туманида таваллуд топган. 45-ўрта мактабда ўқиган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тугатган.***

***Меҳнат фаолиятини 1955 йили Гулистон туман газетасида мухбирликдан бошлаган. Кейинчалик турли матбуот нашрларида, нуфузли идораларда ишлаб, 1996 йилда нафақага чиққан. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони соҳиби.***

## *АВВАЛО ФУТБОЛНИНГ ЎЗИ ҲАҚИДА*

Ҳозирда футбол «касали»га чалинмаган одам кам топилади. «Футбол қироли» деб жаҳонда шуҳрат қозонган Пеле спортнинг бу турини «ажойиб ўйин» деб оддийгина таърифлаган экан. Ахир бир ярим соат давомида куч-ғайратга тўлган 22 кишининг 6500–7000 квадрат метрдан иборат майдонда битта тўпни талашуви ҳақиқатан ҳам ажойиб-да.

Ўйиннинг қизиқлиги, сеҳри ва дилтортарлиги футболчиларнинг ўйин бошидан токи охиригача аниқ ва бетўхтов ҳаракатлари, ақл бовар қилмайдиган даражадаги маҳоратларию ғайрат-шижоатларидамикан,

деб ўйлаб қоламан. Айтишларича, бутун жаҳон бўйича 50 миллиондан зиёд футболчи расмий мусобақаларда иштирок этар экан.

Футбол XIX асрда вужудга келганидан то ҳозирга қадар барча қитъаларда оммалашиб, ўз ривожи билан ишқибозларга ҳис-ҳаяжон, завқ-шавқ билан бирга тушкунликнинг чексиз онларини бахшида этиб келмоқда.

Футболнинг жозибали томони шундаки, уни турли ёшдаги, турли иқтидор ва қобилиятга эга кишилар ўйнай олади. Яна бир жозибаси – мазмун-моҳияти билан спортнинг оддий тури бўлган футболни ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ўйнаш мумкин. Яна шуниси қизиқки, кимнинг иштиёқи бўлса, уни деярли ҳамма жойда: далада, қирда, чўлда, саҳрода, тоғ ён бағирларида, кўл бўйида, дарё ва океан соҳилларида ҳам ўйнайверасиз.

ФИФА маълумотларига кўра, ҳозирда мунтазам футбол ўйновчилар сони 240 миллиондан ошиб кетган экан. Айниқса, у ақлий меҳнат билан банд бўлган кишилар учун кони фойда.

## *«ТОНГ» ВА МЕН*

Шавкат Тўлаганов ишга келди-ю кўпчиликнинг дилидан тилига чиқа олмай турган орзуси ушаладиган бўлди. Шавкат Тўраевич футбол жамоасини тузишга бош-қош бўлди. Ҳамкасбларимиздан Ҳ.Каримжонов, Т.Қорабоевлар ҳам унга кўмаклашди. Унинг бу ишига раҳбарларимиз ҳам рози бўлишди. Натижада «Тонг» ҳаваскор футбол жамоаси ташкил этилди. Шу ўринда «Пахтакор» стадиони маъмуриятидан ҳам чексиз миннатдорман. Очиғи, мен ҳам «Тонг» ҳаваскор футбол жамоасини ташкилотчилари орасида аралашиб юрганман. Жамоага кўпларни таклиф қилганман. Ва бу ишларимни ҳамиша хурсанд бўлиб эслаб юраман.

Асли болаликдан футболни ёқтираман. Қишлоқда ўсганимиз учун шўрхоқ бўз ерлар кўп эди, бу эса бизга қўл келган ва биз ўша пайтларда тўп йўқлигидан латта-путталардан коптоқ тикиб, уни тепиб, тупроқнинг чангини осмону фалакка чиқарар эдик. Ҳар бир қишлоқнинг, қолаверса, ҳар бир маҳалланинг ўз жамоаси бўларди. Кейинчалик ўзим ишлаган Сирдарё вилояти ёшлар ташкилотида ҳаваскор футбол жамоасини ҳам тузганман ва бу борада туманлараро мусобақалар уюштирганман.

«Тонг» жамоасидаги эрталабки бир-бир ярим соат ўйиндан сўнг ўзимизни қушдек енгил сезар эдик. Ишга келгач эса ҳар қандай масъулиятли вазифани хуш кайфиятда югуриб-елиб бажарардик. Жамоадаги ўйинларимни мен ўзим учун жисмоний тарбия бўйича машқдек кўрардим.

Ўзбекистоннинг таниқли футболчиси Баҳодир Иброҳимовнинг бизга беминнат мураббийлик қилганидан ҳам бениҳоя хурсандман. Баҳодиржон билимдон, зукко мураббий эди. Бир куни ҳаваскор жамоаларнинг шаҳар биринчилиги мусобақаси бўлаётган эди. У менинг ўрнимга бошқа ўйинчини туширди. «Сиз дам олинг, нафас олишингиз оғирроқ», деди.



Ҳозир 76 ёшдаман, баъзан салгина нафас олишдан қийналиб қолсам, устознинг мени аяганликлари ёдимга тушади.

Спортчилар, айниқса, футбол юлдузлари эрка, муомалада дадил, баъзида салгина дағалроқ бўлишади. Аммо Баҳодир Хожиевич ўзбек футболи юлдузларидан бири бўла туриб, мутлақо бошқа инсон эди. Уларда одоб кучли, интеллект юқори эди. Суҳбатига тўймасдик. Ҳамиша қулфи-дили очиқ, юзида табассум. «Одамларнинг бирор кунига ярай, оғирини енгил қилай», деган ниятда яшарди. Уларни эсласам, хаёлимга шу фикрлар келаверади. «Юртимизда Баҳодир Иброҳимовга ўхшаган инсонлар кўпаяверсин», дейман ичимда.

## *БУНИСИЯМ «ТОНГ» БИЛАН БОҒЛИҚ*

Бир куни Биродар Абдураимов билан учрашиб қолдим. Футболдаги фаолиятини тўхтатгандан сўнг у аввалги машқ ва ўйинлар юки енгиллашганиданми, кўзимга салгина семириб, тоши оғирдай бўлиб кўринди. Шунда унга «Тонг» ҳаваскор жамоамиздан сўз очдим. Шундан кейин у ҳам ўйинга кела бошлади. Биз ундан, унинг шижоатли ўйинларидан кўп нарсаларни ўргандик. Тепган тўпининг аниқлиги, зарбасининг кучлилигини айтмайсизми? Ёнингизга тепса, тўп биқинингизни тешгудай!

Эндиликда ҳаваскор футболчи сафдошларимни кўп ва хўп соғинаман: уларни ўйлаганимда дастлаб истараси иссиқ Анваржон Маҳмудовнинг доим кулиб турадиган фариштали чеҳраси кўз ўнгимда чақнайди. Тўй-маъракаларда кўришиб қолсак, бир-биримизни бағримизга босиб, ўнг оёқларимизни уриштириб, худди «подкат» қилмоқчидай бўламиз. Бу одатимизнинг гашти ҳам ўзича тотли-да! Буям «Тонг»даги ўйинларимизни эслашга бир ишора...

Футбол бир восита бўлиб, ҳар бири бир олам-у бир жаҳон бўлган инсонлар билан танишиб, дўстлаш-

ганимизни айтмайсизми? Абдуваҳоб ака Йўлдошев, Пўлатжон Носиров, Наимжон Ражабов, Ботиржон Абдувосиқовлар шулар жумласидандир. Уларнинг охиратлари обод бўлсин, бебаҳо инсонлар эди.

Шуни алоҳида таъкидлагим келади, ҳаваскор футбол жамоасида биз билан тўп сурган инсонлар турли соҳанинг вакиллари бўлсалар-да, беистисно, ўзаро аҳил, меҳрибон, файзли, баракали, тилидан бол томадиган ўта маданиятли, маърифатли, маънан покиза инсонлар бўлишган. Мана шундай юксак дидли, нозик табиатли инсонлар даврасида тўп суриш, улар билан дўстлашиш мен учун катта бир ҳаёт мактаби бўлди ва мен бундан ҳамиша бахтиёрман.

## *ЖАМОАДОШЛАРИМ: КИМ ҚАНДАЙ ЎЙНАГАН?*

Энг аввало, хизматда ким қандай лавозимни эгалламасин, майдонда ҳамма бир хил мавқедаги жамоа ўйинчиси эди.

**Анвар Маҳмудов.** Анваржоннинг юзидан нур ёғилиб, ҳамиша табассумда юришининг ўзи бир дунё! Ҳар қандай баҳсли вазиятни ҳам ўзига хос кулгиси билан юмшатиб юборарди.

Унинг бисоти янги, теша тегмаган латифаларга бой эди. У бу латифаларни ўзига хос юмор ва кулгу билан айтишга жуда уста эди. Ҳеч ким унга ўхшатиб қойилмақом қилиб айтолмасди.

Ҳозир тўй-томошаларда тез-тез учрашиб қоламиз. Шунда ўша бетакрор даврларни эслагандек бўлиб, ўзимизча оёқларимизни уриштириб тўп талашгандек бўламиз.

**Тўлқин Қозоқбоев.** У дарвозага тўп уришга ишқибоз эди. Ҳамиша пешқадам бўлишга интиларди. Бу иши билан ўз жамоасининг барча ҳаракатини чиппакка чиқарган онлари ҳам кўп бўлган. Шу сабаб, Шавкатжон у ҳақида гапирганда, ҳазил қилиб «Раз-



рушитчик» – «чиппакка чиқарувчи» деб айтиши менга мойдек ёқарди.

Аммо Тўлқинжон гол урган ўйинлар ҳам кўп бўлган. Ҳужум ва ҳимояда ўйнаш учун «чиппакка чиқарувчи»нинг кучи етмаслиги аниқ эди. Бу ёғини олиб қарасангиз, ўзимнинг тайёргарлигим ҳам уникидан аъло эмас эди.

**Ҳабибулла Раҳимов.** Ҳабибуллажоннинг югуриши зўр эди. Кўпинча чап қанот ҳимоячиси ўрнида ўйнар эди. Мен эса майдон ўртасида ўралашиб юришни ёқтирар эдим. Вазият тақозо этиб, уни алдаб ўтишим керак бўлса, у томонга бутун вужудим билан учгандек бўлардим, у мен қўйган «тузоқ»қа илиниб, оёғимдаги тўпга ўқдек ташланиб улгуриб-улгурмасдан дарҳол коптокни ўнга ёки сўлга олар эдим. Шундай пайтларда Ҳабибуллажон кўрсаткич бармоғи билан менга пўписа қилгандай:

– Ёмонсиз! – дер эди. Ўйиндаги бунақа мақтов кимга ҳам ёқмайди дейсиз...

Футболнинг кишиларни бирлаштирувчи мўъжизакор кучи бор. Буни футбол ўйнаган киши, ҳақиқий футбол ишқибози яхши билади. Ҳозирда футбол ўйнамасак-да, узоқ учрашмай қолсак, бир-биримизни соғинамиз. Кўришгач, бағримиз тўлади, кўнглимиз қувонади. Бундай самимий дўстона туйғуларнинг барчаси ҳам футбол орқасидан... Ва шунинг учун футболга раҳмат!

# ЎТГАНЛАР ЁДИ УНУТИЛМАЙДИ

## *Ҳабибулла АБДУВАЛИЕВ*



1980 йилда «Пахтакор» ўйингоҳида футбол фахрийларидан «Тонг» жамоаси ташкил топган эди. Жамоани ташкил топишида Шавкат Тўлаганов, Баҳодир Иброҳимовлар ўз ҳиссаларини қўшганини биламан.

Ўйинларимиз ҳафтасига уч марта қишин-ёзин бўлар эди. Очиқ ҳавода тўп тепишнинг гашти ҳам бўлакча-да.

«Тонг» жамоасида дастлаб 25 та футболчи бор эди. Жамоада ўйнаган барча футболчилар бир-бирларини ҳурмат қилишарди, айниқса, катта ёшдаги футболчилар жуда иззат қилинарди. Афсуски, биз билан биргаликда тўп тепган баъзи дўстларимиз ўтиб кетишди.

Жамоанинг гоҳ дарвозабони, гоҳ марказий ҳимоячиси бўлиб Ҳабибулла укам ўйнарди. У жуда яхши инсон эди. Дарвозада ҳам яхши турарди, ҳимояда ҳам ишончли ҳаракат қиларди.

Баҳодир Иброҳимов «Пахтакор»да ўйнагани каби ҳар доим жамоанинг асосий ҳужумчиси бўлиш билан бирга жамоанинг устози ҳам эди. Вафот этганларида роса қайғурганмиз. Лекин устознинг номини фарзандлари, шогирдлари, биз «Тонг»да ўйнаган дўстлари ҳамиша ҳурмат билан тилга оламиз, эслаймиз, соғинамиз... Баҳодир ака ажойиб инсон эди. У билан қанча йил таниш бўлган бўлсам, шу нарсани кузатдимки, у киши ҳар қандай ҳолатда ҳам бировга товушини кўтариб гапирмасди. Шуларни ўйларканман, биз ҳам бир-биримиздан ҳамиша ширин сўзимизни

аямайлик. Ахир эскилар «Буғдой нонинг бўлмаса ҳам буғдой сўзинг бўлсин!» деб бекорга айтишмаган. Менинг назаримда Баҳодир Иброҳимов туғма футболчи эди. Одамлардан ширин сўзини аямасди.

Янги авлод «тонгчи»лари ушбу жамоанинг шаклланишига замин яратган футболчиларни эслаб юришса янада яхши бўларди.

## ФУТБОЛНИ ЧИН ЮРАКДАН СЕВАМАН

***Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ (Тўлқин Муҳиддин).***



***1940 йилнинг 28 ноябрида Тошкентда туғилган.***

***Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ва Аграр университет (ҳозирги Қишлоқ хўжалик академияси)ни тамомлаган.***

***2000 йилдан буён Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида доцент, «Журналистика асослари», «Муҳаррирлик маҳорати» фанларидан бакалавр ва магистрларга дарс беради.***

***«Тонг» футбол жамоасининг ташкилотчиларидан бири. Жамоа сардори ҳам бўлган.***

Футболни халқ севган ўйин дейишади. Тўп сурмаган болани топиш қийин. Чунки ҳамма болалар, ўсмирлар, ҳатто катта ёшдагилар ҳам футбол ўйнашни ёқтиришади. Биз ҳам 1980 йилларда асосий ишимиздан ажралмаган ҳолда футбол жамоаси тузишга бел боғладик. Бу ишга мен, Маҳмуд Абдураимов, Шавкат Тўлаганов, Қосимжон Шодиевлар

ташаббускор бўлишди. Натижада «Тонг» жамоаси юзага келди. Тез орада у довруқ топиб, сафимиз ҳам кенгайиб борди.

Биз «Пахтакор» ўйингоҳининг кичик майдонида тўп сурардик. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам кунора ўйинга йиғилардик. Баҳодир ва Раҳимжон, кейинчалик Рустам Акрамов, Ахбор Имомхўжаев ва бошқа футбол жонкуярлари билан биргаликда ўзимизга режа тузиб олдик. Мен жамоанинг сардори ҳам бўлганман. Бизга ўзбек футболи фахрийлари ёрдамга келишди. Жамоадошлар тез орада бир-биримизга ўрганиб қолдик. Ўйинда ҳар бир ўйинчи рақибини ҳурмат қилиши, интизомга бўйсуниши, тадбирда фаол иштирок этишга одатланди. Секин-аста бир-биримизга меҳримиз оша бошлади. Баъзан ўйин пайтларида бақир-чақирлар ҳам бўлиб турарди, тўпни вақтида узатмаганларни сўкардик ҳам. Аммо ўйин тугаши билан гиналар ҳам унутиларди. Кейинчалик ўйиндагина дўст бўлиб қолмай, таваллуд кунларимизни ҳам биргаликда нишонлардик, фарзанд кўрган дўстларимизнинг қувончига шерик бўлардик, ким бетоб бўлса, биргалашиб бориб кўрардик. Бир-биримизга қўполлик қилиш, хафалашиб қолиш, кек сақлаш деган нарсалар орамизда бўлмаган.

«Кўклар» жамоасининг ҳужумчиси бўлган мен ва «қизиллар» жамоаси ҳужумчиси Шуҳрат Жалилов иккимиз ўртамизда доимо ҳазил, аския бўларди. Мен гол уриб, «бопладимми», деб мақтансам, Шуҳрат қўқонча лаҳжада «Қалай, ҳолингга маймунлар ҳам йиғлаяптими», деб кулар ва ўзи урган гол билан шу тариқа мақтанишни хуш кўрарди. Баланд бўйли чайир йигит Ботир Абдувосиқов ўйинга шу даражада берилиб кетиб, ҳар бир хато учун ёки унга ўз вақтида тўп узатилмаганда ҳаммадан кўра баланд овозда бақирарди. «Қизиллар» жамоасининг энг бақироғи у,

«кўклар»дан эса мен эдим. Шуҳрат бу борада учинчиси эди...



Бу бақир-чақирлар футболга бўлган меҳримиз туфайли содир бўларди. Ўйин пайтида баҳслар кўп бўлгани учун гоҳида Ахбор Имомхўжаевни ҳакам қилиб олардик ва шундан сўнг ўйинимизда анчайин сокинлик юзага келарди. Улар чиқарган қарор биз учун қонун эди, баҳслар шу ондаёқ ўз ечимини топарди. Ахбор ака ҳақиқий ҳакам бўлгани боис, мулойимлик ва ҳурмат билан, аммо қатъий ҳукм чиқарарди. Баҳром, Маҳмуд ака, Содиқ Сафоев, Виссарион анча босиқ, Вадик Югай, Тўхтамурод Қорабоев, Ҳаким Каримжоновлар ўз норозиликларини минғирлаб айтиб қўйишарди. Ахир, ҳар бир футболчининг ўз феъл-атвори бўладида. Шунинг учун биз бунга ўрганиб қолгандик. Жамоадошимиз раҳматли Наимжон Ражабов бақувват, курашчи спортчи эди. Оғирлиги юз килодан ортиқ бўлганидан у билан тўқнашишдан кўп ўйинчилар чўчишарди. Ўзи ювош, ширинтабиатли йигит эди. Эркин Абдураимов каби катта футболчиларни ҳам ўз тартибимизга ўргатиб олдик.

Эндиликда биз «тонгчи»ларнинг анъанасини укаларимиз, фарзандларимиз давом эттирмоқда. Ҳозир ҳам жавлон уриб майдонга футбол формасида чиқаётган дўстларимга, укаларимга, жамоа оқсоқоли сифатида шуни тиламоқчиман: азизлар, бир-бирингизга ҳамиша ҳурматли-иззатли бўлинг, ҳеч қачон беҳурматлик қилманг. Шунда ўйинингизни кўргани кўп ишқибозлар келишади. Туғилган кун-

ларингизда, байрамларда бир-бирларингизни табриклаш эсингиздан чиқмасин. Бир оғиз ширин сўзингизни дўстингиздан аяманг, меҳрибонлар.

Жамоамиз 1980 йилларда жуда иноқ, ўйинчилар бир-бирларига меҳрли, оқибатли бўлишган. Туғилган кунлар ҳамжиҳатликда нишонланган, тўй ва маъракаларга биргаликда борилган, орамиздаги дўстлик иплари мустаҳкам бўлган.

Бизларга соғлик-саломатлик ва дўстлик-биродарлик ришталарини боғлашга замин бўлган «Тонг» жамоасига умрбоқийлик истаб қоламан.

Футбол ҳар қандай одамни сеҳрлаб қўйишини уни ўйнаган, унга ишқибозлик қилган одам яхши билади. Мен шу футбол ўйинидек жозибали бошқа спорт турини билмайман. Эндиликда у билан шуғулланмаётган, ўйнамаётган бўлсам-да, барибир ҳамма ишимни йиғиштириб қўйиб томоша қиламан. Ўзимча ўйинга ўз муносабатимни билдириб ўтираман. Буларнинг бари футболнинг гўзаллигию жозибаси, албатта. Севган жамоам ғолиб бўлса кайфиятим чоғ бўлади, мағлуб бўлса, ўзимни кимдир роса савалагандек ҳис қиламан, бирор ишга қўлим бормай қолади. Тўғри, бу вақтинчалик ҳолат, лекин шунақа бўлади-да, нима қилай. Бу ҳам футболнинг кучи, сир-асрори, жозибаси, гўзаллиги эмасми?!

Агар адашмасам 1989 йил эди. «Пахтакор» жамоаси фахрийлари билан «Тонг» жамоаси ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлган эди. Мен бир тайм ўйнадим, ёшим 49 да эди ўшанда. Афсуски гол уриш имкониятини топа олмадим. Ўшанда жуда ачинган ва уялган эдим. Чунки ўзимизнинг ўйинда гол урмай майдондан чиққан кунларим кам бўларди-да.

«Тонг» жамоаси борлигидан ҳамиша қувониб юраман. Чунки биз билан тўп сурган ва футбол оламида донг таратган Баҳодир Иброҳимов, Эркин Абдураимов, Рустам Акрамов, Бахром Ғафуров, Ахбор

Имомхўжаевлар билан дўстлашганимдан ғоятда хурсандман.

Мен ҳозир ҳам жисмоний тарбия билан шуғулланаман. Эрталаб ва кечқурун «тез юриш» машқини бажараман. Буни ҳам «Тонг»нинг шарофатидан деб биламан.

## БОЛАЛИКДАН «ТОНГ»ГА ҚАДАР



***Баҳром ҒАФУРОВ.***

***1952 йилнинг 30 августида Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Нурсух қишлоғида туғилган.***

***1974 йилда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг педагогика факультетини тамомлаган.***

***Дастлаб Фарғона вилояти Бешариқ туманида болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббийлик қилган. Ҳарбий хизматдан сўнг «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятида бош мураббий, бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. Кейин «Пахтакор» футбол мактаби директори, «Пахтакор» жамияти Тошкент вилояти кенгаши раиси ўринбосари, Тошкент вилояти Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси лавозимларида фаолият юритган. 2004 йилдан буён Тошкент вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармасига қарашли Болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби директори бўлиб ишлаб келмоқда.***

Мен футболни болалигимдан жуда-жуда севардим. 1959 йилда 1-синфга борганимдаёқ мени яхши ўйнашимни билган юқори синф болалари (3–4-синфлар) ўзларига қўшиб олишар эди. Лекин футболга

минг қизиққаним билан футбол бўйича спорт мактаби ва мураббий кўрмаганим барибир ўз таъсирини кўрсатди, юқори малакали футболчи бўлишдек болалик ва ўсмирлик орзуларимга етиша олмадим. Аммо 1970 йилда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига киришга муваффақ бўлдим. Ўша даврда олийгоҳнинг бешта футбол жамоаси бўлар эди. Мен бешинчи жамоада ўйнай бошладим. Тўртинчи курсдалигимда «СКИФ-1» жамоасида футбол профессори Элдор Кўшбахтиев қўлида ўйнашга муяссар бўлдим. 1974 – 1976 йиллари Бешариқнинг «Пахтакор» жамоаси сафида ўйнаб, Республика чемпионатида қатнашишга эришдим.

1977 йилда Ахбор Имомхўжаев ташкил этган оилавий мусобақада укаларим Бурҳон, Илҳом, Икром, Адҳамлар билан пахтакорчи Ислом Аҳмедов оиласини 5:3 ҳисобда енгдик. Бу ўйин республика телевидениесида кўрсатилган эди. Ўйинни республика тоифасидаги ҳакам Нурали Аҳмедов бошқариб борганди.

1984 йилда тақдир яна бир бор кулиб боқди ва менинг футболчиларга яқин бўлиш орзуим амалга ошди: мени «Пахтакор» футбол мактабига директор этиб тайинлашди. Шу йили «Пахтакор» ўйингоҳининг захира майдонида тўп сурадиган «Тонг» жамоаси футболчилари сафига қўшилдим. Бунга Шавкат Тўлаганов ва Тўлқин Қозоқбоев сабабчи бўлишди.

Шундан буён «тонгчи»лар сафидаман. Эзгу ниятим – «Пахтакор»нинг машҳур ўйинчилари сафида асосий чемпионатда ўйнаш насиб этмаган бўлсада, «Пахтакор» фахрийлари Бифодар Абдураимов, Баҳодир Иброҳимов, Вячеслав Солохо, Шамил Яфаров, Аҳмад Убайдуллаев, Тўра Шоймардонов, Раҳим Мўминовлар билан бирга футбол ўйнаш ҳамда халқаро турнирларда қатнашиш насиб этди. Бу ҳам бўлса «Тонг» жамоасининг шарофати эди.



«Тонг» жамоаси таркиби жуда катта бўлиб, унда ўйнаганлар турли характердаги инсонлар эди. Ҳозиргача бу жамоада 300 нафардан ортиқ ўйинчилар тўп суришди. Лекин бу ҳаёт, орамизда бу дунёни тарк этганлар ҳам бор. Шулар орасида раҳматли Ҳабибулла ака Раҳимовни кўп эслайман. У киши жуда содда, ақлли инсон эди. Жисмонан полвонсифат бу инсон қанот ҳимоячиси вазифасини бажарарди. У билан бир марта тўқнашган одам бошқа тўқнаш келмасликка ҳаракат қиларди, чунки бундай тўқнашувда жароҳат олиб қолиш ҳам ҳеч гап эмасди. Ҳабибулла ака дарвозабонлар келмаган пайтда дарвозага ҳам тураверарди.

Бир куни бизнинг «қизиллар» жамоамиз сардори Ботир ака Абдувосиқов майдон марказидан тепилган тўпни кузатиб туриб, дарвозага яқин қолганда кўзига қуёш тушиб, «кўрмаяпман», деди-ю муҳим голни қўйиб юборди...

Яна бир воқеа эсимда: икки жамоа бир тўпни дар-



3–3877

возага кирди-кирмади деб тортишиб турганимизда дарвозабон Ҳабибулла ака: «Гол бўлмади», деб туриб олди. Ўйиндан сўнг олдиларига бориб: «Ҳабибулла ака, тўғрисўз инсонсиз, ўйин тугади, энди тўғрисини айтинг, нима бўлган эди?» деб сўрадик. У киши: «Тўғрисини айтсам кулмайсизлар, тўп дарвоза чизиғидан 15 сантиметр ичкарига кирганди», деб жавоб қилди. На кулишни биламиз, на бошқани... Афсус, Ҳабибулла ака оғир касал бўлиб қолди. Бир куни мен Баҳодир ака Иброҳимов, Ҳабибулла ака Абдувалиев, Шавкат ака Тўлагановлар билан уларни кўргани ҳовлиларига бордик. У бизларни келганимизни кўриб роса хурсанд бўлиб кетди. Келишимизни билиб, дид билан дастурхон тузаттирибди. Узоқ гаплашиб ўтирдик. Яна гап футбол мавзусига бурилди. У киши хурсандлигидан ўзларини қаерга қўйишларини билмасди. Кетганимиздан кейин барча оила аъзоларини, ҳатто набираларигача йиғиб, биз тўғримизда, дўстлигимиз ҳақида гапириб берибдилар. Афсус, ўша куни ажойиб акамиз ва дўстимизни охирги кўришимиз бўлган экан...

Ҳозирда жамоамизнинг энг ёши улуғи Ҳаби ака Абдувалиев. У киши 82 ёшда. Ҳалиям ўйингоҳга келишни тарк этмайди. Жамоада ҳакамлар кексаларни жуда ҳурмат қилишади, хайрихоҳлик қилишади. Чунки уларнинг ўйингоҳга келишининг ўзи бир байрам.

Мен 2012 йили нафақага чиқдим. Лекин ҳалиҳануз тетикман ва «Тонг» футболчилари сафидаман. Бу эса футболнинг менга қилган энг азиз совғаси деб биламан.

# ВОСПОМИНАНИЯ СОГРЕВАЮТ ДУШУ

***Рустам АКРАМОВ,***
***заслуженный тренер Узбекистана,***
***профессор, советник ФИФА***



Только в Узбекистане рождается такие необыкновенно добрые, отзывчивые и всегда улыбающиеся люди. А в солнечном и добром Ташкенте, зеленном с журчащими арыками, с полноводными Анхором и Саларом посреди города, с улицами, название которых ласкают слух: Абрикосовая, Гранатовая, Яблочная… с благоухающим многоцветьем бульваров хочется жить долго и будет вернее сказано – вечно…

Радость переполняет душу, особенно если тебе чуть более тридцати и ты могуч здоровьем, налит мужской силой, строен и красив своей молодостью.

Вот в такие-то молодые годы, когда кому-то было чуть более тридцати, а кому-то уже за сорок и создавалась наша футбольная общность любящих и уважающих футбол людей.

Не могу припомнить точно, но случилось все это как-то естественно. Наш, в бывшем, великий центрофорвард «Пахтакора» Бахадыр Хаджиевич Ибрагимов, работая директором футбольной школы, потихонечку создавал нам условия для футбольных встреч и баталий. А там, как бы начала складывается и наша компания молодых и здоровых парней в организованную группу, которая собиралась трижды в неделю поиграть в футбол. Вот эта группа стала превра-

щаться постепенно в футбольную команду со своей иерархией и традициями. Все мои воспоминания связаны с той теплой и доброжелательной обстановкой, когда я с удовольствием бежал на «Пахтакор», чтобы встретиться с родными мне людьми, с друзьями – сверстниками.

Талантливые люди, очевидно, талантливы во многом. Многие из тех моих друзей уже, в свои 30-35 лет, были руководителями государственных структур, работали в Госплане, в Кабмине, в республиканских общественных организациях страны. Среди футболистов нашей команды, ветеранов «Тонг», были даже мастера спорта по боксу, вольной борьбе, теннису. Среди них: Касым Шодиев, Наим Раджабов, Серафим Лебедев, Анвар Махмудов, Абдурахман Мансуров, Садык Касымов, Шавкат Туляганов, Бахадир Ибрагимов, Тулкин Казакбаев, Анвар Турсунов, Махмуд Абдураимов, Абдувахоб Юлдашев и другие.

Меня лично, как специалиста (а я в то время уже был заведующим кафедрой футбола института физкультуры) удивляло тонкое футбольное мастерство некоторых из моих друзей. Например, среди нас Садык Собирович Касымов был самый одаренный в двигательном и техническом плане, ловкий, надежный в действиях, легко, даже в самой неожиданной игровой ситуации мог обыграть несколько игроков противника. Если мышление было устроено так, что он на поле, в игровых комбинациях, просчитывал несколько вариантов сразу, и сам же находя самое оригинальное из них восхищал и удивлял окружающих. Невероятное предвидение на два, три хода вперед, его удивительная устойчивость на ногах и ловкость позволяла, когда требовалось и легко отбирать мяч у противника. Ученый по призванию, ученый (он бо-




лее двадцати лет был ректором университета связи) весьма талантлив и в футболе. Можно только сожалеть, что он выбрал в своей жизни не футбол, иначе Узбекистан в своей футбольной истории имел бы еще одно легендарное имя.

Перед глазами еще один чародей филигранных финтов – форвард Шавкат Тураевич Туляганов. Обязан, сказать и о нем как талантливом человеке. Руководитель, организатор от бога, был центральным нападающим в нашей команде. Мягкая техника владения мячом и обыгрыш на «тоненького». Он двигался с мячом к воротам противника ритмично, раскачивая встречающего его защитника и резко уходил под его опорную ногу. Удивляло меня одно, при таком высоком росте, он все эти ложные финты делал находясь не на согнутых ногах, не прижимаясь к полю для устойчивости, а в прямой стойке. Это выглядело кра-

сиво и складывалось впечетление парящего орла над полем.

Никогда не пропускал наши тренировки мой учитель и друг Ахбор Рустамович Имамходжаев, дай бог ему долгих лет жизни. Они вместе с Бахадыр Хаджиевичем Ибрагимовым, были сердцем и душой нашей футбольной кампании.

Признаться и сейчас с свои 60–70 лет мы трижды в неделю встречаемся на поле. Продолжаем радоваться что все еще любим и взаимно любимы.

Сейчас у нас, у ветеранов, новый лидер – Абдувахидов Абдужаббор Абдусаттарович. Он в бывшем хороший, техничный футболист, великолепный человек. Его знают и уважают все тренера и футболисты в республике. Спасибо ему за умение сплачивать наш коллектив и быть его душой на поле. Конечно же, бывает и огорчаемся когда кто-то поддался коварству времени и сильно болеет или, того хуже, ушел из жизни. Вот недавно мы потеряли всеми нами любимого, героя нации – Бахадыра Хаджиевича Ибрагимова. Горе и печаль, время для раздумий, размышления о смысле жизни, забота о внуках и правнуках всё это присутствует, сопровождая нас. Но жизнь продолжается, надо уметь управлять собой, двигаться, радоваться солнцу, вновь выстроенному красавцу вечнозеленому и теплому Ташкенту, чудесным людям встречающимся на улице, восхищаться красотой наших девушек и парней. Воспоминания согревают душу и хочется жить еще и еще…

# КЕКСАЛИКДА ФУТБОЛ ЎЙНАШНИНГ ҲАМ ГАШТИ БОР



***Ҳабибулла РАҲИМОВ.* 1942 йилнинг 24 августида Тошкентда туғилган. Шаҳардаги 8-ўрта мактабда ўқиган. Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент техника университети)нинг қурилиш факультетини битирган (1967 йилда). Шунингдек, 1971 йилда Рус тили ва адабиёти институтини тугаллаган.**

1980 йилдан буён «Тонг» жамоаси сафида ҳафтада уч кун эрта тонгда футбол ўйнаймиз. Жамоа тузилган вақтда унинг кўпчилик ўйинчилари турли соҳа ходимларидан иборат эди. Дастлабки пайтларданоқ жамоа аъзолари бир-бирлари билан тез киришиб кетишди, бир-бирларига жудаям меҳр-оқибатли эдилар. Ҳар бир ўйинчининг туғилган кунида уни барча жамоа аъзолари жам бўлиб эрта тонгдан табриклардик. Бундан ташқари, барча жамоадошлар ҳар биримизнинг яхши-ёмон кунларимизда бирга бўлардик. «Тонг» жамоасининг мана шундай ибрат олса арзигулик ижобий томонлари бисёр эди. Менга футбол баҳонасида орамизда шаклланган мана шу ўзбекона меҳр, оқибат жуда ёқарди.

Кўпчилик жамоага келиб қўшилганида қорин солган, айримларнинг эса ёш бўлишига қарамай ҳаракатларида сусткашлик сезилиб турарди. Менда ҳам дурустгина ортиқча вазн бор эди. Жамоада ўйнай бошлаганимдан кейин бу муаммо ўз-ўзидан барҳам топди.

Футболга қатнай бошлаганимдан сўнг соғлигим кескин яхшиланди, унча-мунчага шамоллайвермайдиган ва ўзимни ҳамиша тетик ва бардам сезадиган бўлдим. Спортнинг фойдаси ҳақида кўп гапларни эшитамиз, телевизорда кўрамиз, радиода тинглаймиз, газеталарда ўқиймиз. Лекин салгина ёш ўтгач, аксариятимиз бу эшитганларимизга, кўрганларимизга, ўқиганларимизга амал қилмай қўямиз. Биз эса амал қилиб кам бўлмадик.

Жамоамиздаги бизнинг ёшимизда футбол билан шуғулланаётган ва фаол ҳаёт кечираётган инсонларни кўриб кўзим қувонарди. Ўзим ҳам улар қаторида бўлганимдан ҳамиша хурсанд бўлганман.

Биз учун ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ўйингоҳга келиб футбол ўйнашнинг ўзи катта бахт эди. Мен бунга умрни узайтириш омили деб қарайман. Мен тенгиларнинг кўпчилиги қариб қолишган. Мен эса футбол туфайли ўзимни тетик ва бардам ҳис қилиб келмоқдаман.



Шуларни хаёлимдан ўтказар эканман, «Тонг» жамоасини ташкил этишда жонбозлик кўрсатган дўстларимга, укаларимга раҳмат айтаман. Жамоанинг келгусида ҳам узоқ йиллар фаолият юритишига тилакдошман.

## ФУТБОЛ – МАРДЛАР ЎЙИНИ

### *Қаҳрамон АСОМХЎЖАЕВ*

Мен ҳам «Тонг» жамоасида тўп сурган даврларимни мароқ билан эслаб юраман. Ўша пайтлари кўп қатори мен ҳам ҳужумда ўйнашни жуда ёқтирар эдим. Тўп узатилган пайтда уни қабул қилиб олиб дарвозага тепишни яхши кўрардим, аммо зарбам кучли чиқмасди. Бир куни Эркин Абдураимов (мендан бир ёш катта бўлсалар-да, бир-биримизни сизлаб, ҳурмат билан гаплашар эдик, ҳозир ҳам шундай) олдимга келдилар-да: «Қаҳрамон ака, сиз ҳужумда эмас, ҳимояда ўйнасангиз янада яхшироқ бўларди», деб маслаҳат бериб қолди. Ахир шундай катта футболчининг тавсиясига қулоқ солмай бўладими? Шундан кейин ўнг тараф ҳимоячиси бўлиб ўйнай бошладим. Барибир ўйин пайтларида вазиятга қараб ҳужумга ҳам ўтиб турардим.

Бир ўйинда биз, яъни «қизиллар» «кўклар» билан ўйнаётган эдик. «Кўклар» дарвозаси томон бурчакдан тўп тепадиган бўлдик. Дарвоза устуни олдига уларнинг ҳимоячиси Абдураҳмон Мансуров туриб олди. Мен ҳам ўша ерга келдим. Копток тўғри дарвоза устуни олдига узатилди. Абдураҳмон ҳимоячи, мен эса ҳужумчи бўлиб тўпга сакрадик. Биз билан бирга дарвозабон ҳам тўпга отилди. Тўп менинг бошимга тегиб, дарвоза тўрига тушди. Бундай қарасам



Абдураҳмон юзини чангаллаганча ерда ётибди. Кимнинг айби билан билмайман. Унинг кўзини тагида жароҳат пайдо бўлибди. Гол эса ҳисобга олинди. Ўшанда олган жароҳати туфайли Абдураҳмон анча вақт футбол ўйнай олмаган эди. Лекин бир-биримизга бўлган муносабатимиз заррача ўзгармаган, ҳазил-ҳузулимизни бир-биримиздан хафа бўлмасдан давом эттираверганмиз.

Бундай ҳолатлар футболда бўлиб туради-да. Ахир, футбол ҳақиқий мардлар ўйини-ку!

# КЎПЛАБ ДЎСТЛАР ОРТТИРДИМ

*Содиқжон ҚОСИМОВ*



1981 йилнинг ёз кунларидан бирида дўстим Абдураҳимхўжа Набиев мени «Тонг» жамоасига таклиф қилиб қолди. Футболни жону дилимдан севганим учун бу таклифга жон-жон деб рози бўлдим. Шундан кейин «Пахтакор» ўйингоҳидаги эрталаб бўладиган ўйинларга қатнай бошладим. Секин-аста футбол ўйнайдиган йигитлар билан танишдим.

Ёшлигимдан футболга қизиқардим. Мактабда, мактабдан келгач эса маҳаллада кўчаларни чангитиб, ундан кейинроқ маҳалламизда қурилган стадионда тенгдошларим билан футбол ўйнардик.

Хуллас, футболга бўлган қизиқишим қайтадан авж олиб, 1981 йилдан 2003 йилгача «тонгчи»лар сафида ўйнаб юрдим. Шу йиллар давомида кўплаб тенгдошларим, ўзимдан ёши каттароқ, ёши кичикроқ йигитлар билан танишиб, қалинлашиб, дўстлашиб кетдим. Улар ажойиб инсонлар эди. Машғулотларимиз эса



саломатлигимиз учун фойдали бўлди. Ўйинчилар сафида собиқ пахтакорчиларнинг бўлиши ўйинимизни янада қизиқарли ўтишига сабаб бўларди ва биз улар билан бирга ўйнаётганимиздан фахрланардик.

Кейинчалик Чиғатойда ҳафтада икки марта «тонгчи»лар Рустам Акрамов, Абдужаббор Абдувоҳитов, Шуҳрат Ғафуровлар билан ҳам тўп сурганман. Айниқса, Шуҳрат спортсеварлиги билан ёдимда қолган. У теннисни яхши ўйнарди.

Кейинчалик Тошкент политехника институтида талаба ёшлар футбол жамоасини туздик. Бу жамоани 1996 йилда ўша вақтдаги институт ректори Тўлқин ака Миркомилов ва мен – ўқув ишлари бўйича проректор ҳамда Акмал ака Азизхўжаев ташкил этган эдик. Бу жамоа Тошкент шаҳар биринчилигида иштирок этган.

Мен футбол орқали топган барча дўстларимга соғлик-саломатлик, оилавий бахт, ҳамма вақт ҳаракатда бўлишларини тилаб қоламан.

## ЎЗАРО ҲУРМАТ – БИРИНЧИ НАВБАТДА

***Азамат ДЎСТБОБОЕВ***

Ҳақиқатан ҳам футбол ўйинини миллионлар ўйини деб бекорга айтишмаган. Кўплар қатори бу ўйинга мен ҳам ёшлигимдан қизиқаман. Ҳозир эсласам, шу ўйинни деб халқимизнинг қандай донгдор, забардаст спортчилари – Г.Красницкий, В.Штерн, В.Суюнов, В.Қаҳҳоров, Ю.Госпадарчук, Н.Казаков, Т.Исоқов, В.Солохо, Н.Любарцев ва бошқалар билан танишишга, нафақат танишиш, балки улар билан 1978 йилдан бошлаб Қорақамиш мавзесидаги Чиғатой спорт базасида бирга тўп суриш шарафига муяссар бўлганим менга олам-олам қувонч бахш этиб келади.

1988 йилнинг сўлим баҳор фаслида «Тонг» жа-



моасига қабул қилинганимда ўзимни худди институтга ўқишга киргандек ҳис этдим. Чунки бу жамоада салоҳиятли устозлар, элга машҳур спортчилар – А.Имомхўжаев, Б.Иброҳимов, Э.Абдураимов, А.Убайдуллаев, Раҳим Мўминовлар билан бир қаторда Ҳ.Абдувалиев, Ш.Тўлаганов, Асқар ака Ортиқов, Ҳабибулла ака Раҳимов, Шуҳрат Ғафуров, Н.Жўраев, Д.Иброҳимов, К.Қаюмов, Б.Ғафуров, О.Ашуров, С.Қосимов, Ш.Аъзамхўжаев, М.Абдуғаниев каби турли соҳаларнинг етук мутахассислари иштирокида ўйинлар ўтказилар эдида.

Гарчанд жамоа аъзолари ўртасидаги футбол ўйинлари чемпионлик ўринлари учун эмас, балки ўзимизни чиниқтириш мақсадида ўтказилаётганлигига қарамасдан, машғулотлар давомида тартиб-қоидаларга риоя қилиниши қаттиқ назоратга олинар, бу эса, ўз навбатида, жамоадошларимиз ўртасида бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлишга, яъни пировард натижада меҳр-оқибатли бўлишга ундар эди. Қоида бузувчиларга нисбатан улар ким бўлишидан қатъи назар, устозимиз – севимли ва ҳурматли реферимиз Ахбор ака Имомхўжаев ҳар доим ҳам «бешафқат» бўлиб, уларни ҳар хил рангдаги карточкалар билан «сийлар» эдилар. Бу эса ўйинларимизга янада завқ бағишларди, ўйинчиларнинг қизиқишларини кучайтирар эди. Шу орқали мен ўзимга кўп дўстлар орттирганман.

# ИГРАЛИ ЛЮДИ РАЗНЫХ ПРОФЕССИЙ

## *Вячеслав СОЛОХО*

Очередная встреча с моим другом по жизни и «Пахтакору» Бахадыром Ибрагимовым вылилась в приятное событие в моей жизни. «Ходжиевич», так любовно называли друзья работал директором детско-юношеской школы «Пахтакор». В один из летних дней, около 8 утра я пришел проведать его на работе. Смотрю на запасном поле играют две команды. Азарт, крики, столкновения и среди них в синей форме, как всегда блистает Бахадыр со свистком в руке. Многих играющих я не знал, сразу видно, что они не профессионалы, но некоторые играют достаточно прилично, притом возраст их составлял примерно от 30 до 60 лет. После игры я спросил у Баходыра: что это за люди на поле. Он мне сказал, что это группа здоровья, а команда называется «Тонг» что означает рассвет. Я уже как ветеран, видя с каким энтузиазмом они играют в футбол, решил тоже





приобщиться к ним и до сих пор не жалею об этом, так как познакомился поистине с замечательными людьми. Меня приняли очень тепло и приветливо, с уважением, тем более, здесь оказались мои знакомые и друзья – это уважаемый Ахбор Рустамович Имамходжаев, Акмаль ака Азизходжаев и другие.

Не поверите, мне, профессионалу, я так увлёкся, что уже при возможности не пропускал ни один день. Более того, за короткий срок я подружился с этим замечательным коллективом. Было удивительное сочетание профессионалов (Н. Любарцев, Ахрол Иноятов, Ахмад Убайдуллавев, Рустам Мирсадыков, Рустам Акрамов, Гелий Согонов, ну и сам мэтр, легенда узбекского футбола – Берадор Абдураимов и просто любители-фанаты футбола. Играли очень старательно, бескомпромиссно, «красные» против «синих». Все были остры на язычок, но в то же время все равны. Иногда доходило до конфликтов и небольших стычек. Однако, наш уважаемый судья Ахбор ака был всегда строг, принципиален и не редко раздавал «желтые и красные карточки». А иногда и дисквалификации на несколько игр. После игры выигравшая команда радовалась как дети.

Мне запомнился случай с Садыком Сафаевым. Он удивительно ловко владеет мячом, понимает толк в футболе, с ним приятно играть. Однажды в борьбе с вратарем получил травму, которая оказалась достаточно серьёзной, о которой мы узнали спустя три

дня. Но каково было моё удивление, что на следующей игре он как ни в чём не бывало появился на поле. Могу сказать, что с такой травмой даже профессионалам временно запрещали играть. Он поразил нас всех своим бойцовским характером.

Шавкат Туляганов отличался азартом, напористостью, но всегда был спокоен и интеллигентен. Не могу не отметить скоростную игру Равшана Даминова, мягкое обращение с мячом доктора медицины Улугбека Маджидова, дружных и хорошо играющих братьев Шавката и Алишера Агзамходжаевых, техничного Дильмурода Ибрагимова, Гарринчу узбекского футбола – Алыма Акилова, а каков Крук Тимур Петрович. Все мы его уважительно называем «Петрович», в своё время он играл за дубль Санкт-Петербургского «Зенита» и в Хабаровском «Луче». Ему сейчас больше 70 лет, а как играет на воротах, какие совершает прыжки и сейфы, как умело командует защитой. В жизни обаятельнейший человек, добрый и отзывчивый – душа команды. Да просто про всех не скажешь. Все они дружные и отличные ребята, преданные и любящие узбекский футбол.

Игроки «Тонг» задействованы в различных ветерански сборны и клубны командах, участвует во многих соревнованиях. Мы выигрывали у алмаатинского «Кайрата», одесского «Черноморца», занимали второе место среди команд СНГ. В значительной степени нам поддерживать физическую форму помогали постоянные тренировки в этом дружном коллективе, где играли люди разных профессий – медики, пожарники, агрономы, педагоги, юристы, экономисты, водители, артисты, ученые и другие. Во истину футбол объединял нас всех. Я счастлив и горжусь что и сегодня нахожусь в одной команде с такими мудрыми, культурными и скромными людьми. Я желаю всем им добра, крепкого здоровья, долгих лет жизни, семейного счастья и благополучия.

## ҲАЛИ-ҲАНУЗ СОҒИНАМАН

### *Ҳакимжон КАРИМЖОНОВ*



«Тонг» жамоасида 1980–1990 йилларда футбол ўйнаганман. Мен жамоада «кўклар» сафида ўнг қанотда ҳужумкор ҳимоячи бўлиб ўйнар эдим. Ўйин пайтларида эсда қоладиган кулгили ҳолатлар ҳам кўп бўлган. Мана, орадан шунча йиллар ўтса ҳамки, ўша пайтларни мароқ билан эслаб юраман. Айниқса, жамоада футбол туфайли орттирган дўстларимни бот-бот эслайман ва уларнинг кўплари билан ҳамон кўришиб тураман.

...Бир гал ўша «Пахтакор» ўйингоҳининг ўнг томонида Анҳор бўйидаги майдонда ўйнаётгандик. Шу куни ўйинчилар кўпайиб кетиб, ҳар бир жамоада 12 нафардан бўлиб ўйнай бошладик. Шу куни ўйин жуда жиддий тус олди ва ҳисоб 2:1 бўлиб, биз «кўклар»нинг фойдасига ҳал бўлди. Жамоамизнинг иккала голига ҳам мен муаллиф бўлгандим. Ҳимоядан ҳужумга ўтиб гол ургандим. Ҳамон ҳозиргидек эсимда, биринчи голни жарима майдонида тўпни қабул қилиб олиб, айланиб туриб тўғри дарвозага йўллагандим. Иккинчисини эса, ўнг қанотдан олдинга бориб, дарвоза томонга тўпни юқоридан ташлаб берсам, тўп дарвозанинг юқори тўсинига тегиб гол бўлса бўладими. Хурсандчилигимнинг чеки йўқ эди ўша кун...

Кўпинча ҳимояда Эркин ака Абдураимовга қарши ўйнар эдим. Бир ўйинда Эркин ака ўрнига Наим ака Ражабовга қарши ўйнаб қолдим. Нима бўлдию тўпга оёқ қўйишим билан Наим ака: «Вой оёғим», деб ўтириб қолди. У киши мендан гавда бўйича ҳам



катта, вазн бўйича эса икки ҳисса оғир одам эди. Ўшандан кейин у икки ҳафтагача оқсоқланиб юрди, ҳар учрашганимизда ҳазил аралаш қўлини пахса қилиб: «Эй Ҳакимжон, чатоқ иш қилдинг-да», деб қуруқ пўписа қилиб қўярдилар. Худо раҳмат қилсин.

Ўша пайтлари Михаил Джалолкаганов, Валентин Петрович Емельянцев, ака-ука Учқун ва Ҳасан Қурбоновлар, Саша Моспанов, Сергай Петрович Татур, Виссарион Васильевич Пак, Виктор Ратушняк, Аҳрол Тўраев, Дилшод Камолов, Баҳодир Азимов, Алишер Аминов, Ёрихон Ҳасановлар билан бирга ишлардик ва футбол ўйнагани ҳам бирга борардик.

Энди ўша даврларни эсласам беихтиёр юрагим тўлқинланиб кетади. Бу инсонларнинг кўпчилиги улуғ мақсад ва ниятлар билан яшайди, ўз ҳаётларини фақат яхшиликка, эл-юртига ҳалол хизмат қилишга бағишлайди. Шунинг учун ҳам улар ҳамиша ҳурмат ва эътиборга сазовор.

Мен «Тонг» жамоасида биргаликда тўп сурган дўстларимга чин дилдан узоқ умр, бахтли ҳаёт кечиришларини, фарзандларининг роҳатини кўриб юришларини тилаб қоламан.

# «ТОНГ»ГА ТАСОДИФИЙ ТАШРИФИМ

***Ҳабибулла МИРЗАХОНОВ.***

***1950 йилнинг 15 январида Наманган шаҳрида туғилган.***

***1997 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган.***

Мен «Тонг» жамоасига тасодифан қабул қилинганман десам тўғри бўлар. Спортга, айниқса, футболга болалигимдан қизиқиб юрардим. Бир куни «Пахтакор» ўйингоҳининг захира майдонига копток ўйнаш



учун боргандим, шунда майдонга бирин-кетин ўзим қатори ва ўзимдан катта ёшдаги спорт кийимидаги футболчилар келиб машқ қила бошлашди. Шунда улар орасида «Тонг» жамоаси фаол футболчиларидан бири, жамоанинг жонкуяр фидойиси ва жамоадаги интизомни назорат қилувчи Ҳабибулла ака Абдувалиевни кўриб қолдим. Ҳабибулла ака мени университетда ўқитган устозларимдан бири эди. Кўришдик. Кейин у ушбу жамоа ҳақида гапириб, мени ҳам унда ўйнашга таклиф этди. Хурсанд бўлдим. «Тонг» жамоасига таклиф қилганлари учун у кишидан ҳозиргача миннатдорман.

Жамоада ҳар бир ўйинда қизиқарли ҳолатлар кўп бўларди, ҳануз эслаб юраман.

Мен футбол орқали кўп дўстлар орттирдим. Булар ичида Мансур Абдуғаниев, Азамат Дўстбобоев, ҳурматли Ахбор Имомхўжаевлар бор.

Барча жамоадошларимга ҳамиша соғ-саломатлик ва улкан бахт тилаб қоламан.

## АНЪАНАЛАР БАРДАВОМ БЎЛСИН

***Козим ҚАЮМОВ***




Ҳаётда ҳар соҳада ҳар нарсанинг ўрни бор. Санъат санъаткордан жуда кўп вақт талаб қилади. Лекин шунга қарамай мен ёшлигимдан спортнинг бир қанча турларини севаман ва ўзим ҳам теннис, югуриш, сузиш ва футбол билан мунтазам шуғулланиб келаман. Мана шу – спорт билан шуғулланишим натижасида

катта саҳнада ҳам ўзимни тетик, бардам ҳис қиламан. Аслида ёшлигимдан «Пахтакор»нинг мухлисиман.

«Тонг» фахрий футбол жамоаси машғулотларига қатнашиб, «Пахтакор» ўйингоҳида футбол ўйнаган даврларим сира ёдимдан чиқмайди. Мен жамоага 1995 йилда келиб қўшилгандим. Бу шундай бўлганди. Бир куни қайсидир бир тадбирда Шавкат Тўлагановни кўриб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашгач, у: «Козимжон, мен сизни футболга ишқибозлигингизни биламан. Биз «Пахтакор» майдонида ҳафтада уч марта машғулотлар ўтказяпмиз, келинг, бирга тўп тепамиз», деб қолдилар. Миннатдорлик билдириб хайрлашдим. Уч-тўрт кундан кейин кўчада Биродар Абдураимовни учратиб қолдим.

– Козим, – дея сўради у гап орасида, – футбол ўйнаб турасанми?

– Ҳа, эски ТошМИ майдонида оғайнилар билан ҳафтада икки марта йиғилиб ўйнаймиз.

– Унда «Пахтакор»га кел, у ерда бизнинг фахрийлар футбол жамоамиз бор, бирга ўйнаймиз, – деб таклиф қилиб қолдилар. Шундай ҳурматли одамлар, катта футболчи таклиф қилса-ю, мен йўқ дейманми. Бордим. Биринчи куни «тонгчи»лар ўйинини томоша қилиб ўтирдим. Кейин эса аста-секин жамоага қўшилиб кетдим.

Жамоамизда ҳар хил касб эгалари бор эди. Агар буни сал бошқачасига айтсам, жамоанинг ярими профессионал футболчилардан, ярими эса биз каби ҳаваскор ўйинчилардан иборат эди. Профессионал ўйинчиларни, асосан, собиқ пахтакорчилар ташкил этарди. Булар – машҳур футболчилар Б.Абдураимов, Б.Иброҳимов, Р.Мўминов, А.Убайдуллаев, шарҳловчиларнинг устози, футбол мухлисларига ўз овози билан яхши таниш машҳур Ахбор Имомхўжаев, шунингдек, турли корхоналар ва вазирликларда ишловчи ходимлар, ҳокимлар, институт ректорлари,



тадбиркорлар, шифокорлар, ҳуқуқшунослар, хуллас, футболнинг ашаддий ишқибозлари йиғилган эди. Ҳафтадаги ўйин бўладиган кунни орзиқиб кутардик.

Гоҳида санъат соҳасида босиб ўтган йўлларимни хотирлаганимдек, «Тонг» жамоасида сафида ўйнаган йилларни ҳам мароқ билан эслаб юраман.

Бу жамоада кўп йиллар ичида шаклланган ўзига хос анъаналар бор эди. Туғилган кунлар, фарзандлари ёки набиралар туғилса, албатта, жамоа буни қувонч билан нишонларди. Бундай йиғилишларимиз жуда чиройли ўтарди, дилдан суҳбатлар бўларди, ичакузди ҳангомалар айтиларди, шахмат ўйналарди. Шундай кунларда мендан ҳам қўшиқ айтиб беришимни сўрашарди, мен бажонидил мумтоз қўшиқларимиздан айтиб берардим ва олқишлар олардим.

Шу жамоада жуда яхши инсонлар билан танишдим, ошна-оғайни, ака-ука бўлдик. Биз турли касб эгалари бўлсак-да, ҳаммамизни футболга бўлган муҳаббатимиз бирлаштириб турарди. Шундай машҳур футболчилар, шундай юраги пок, дили тоза инсонлар билан ёнма-ён тўп суриш мен учун фахр эди. Афсуски, кўплари энди орамизда йўқ. (Охиратлари обод бўлсин!)

Мен жамоани янги-янги ўйинчилар тўлдираётганидан, улар бизнинг анъаналарни давом эттираётганларидан хурсандман, Гоҳи пайтлари эрта тонгда туриб, атайин «тонгчи»ларнинг ўйинларини томоша қилгани ўйингоҳга бораман.

Мен бу анъаналарнинг узоқ давом этишини, улар ўзларининг чиройли ўйинлари билан барчани хурсанд қилиб юришларини истаб қоламан. Фурсатдан фойдаланиб, мени шу жамоага таклиф қилган инсонларга ўз миннатдорлигимни билдираман. Айниқса, ушбу китоб муаллифи Шавкат Тўлагановга алоҳида раҳмат айтаман.

«Тонг» жамоасининг келажагига омад тилайман!

## «ТОНГ» ЯШНАЙВЕРСИН

***Раҳматжон НУРМАТОВ***



Мен қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат қилувчи оилада таваллуд топганман. Отам бу соҳанинг катта бир мутахассиси эди.

Болалигимдан спортни, айниқса, футбол ўйнашни яхши кўрардим. Дарсдан кейин мактабда қолиб стадионда тўп тепиб кунни кеч қилганларим

ҳамон эсимда. Кейинчалик ҳам қаерда бўлмайин ҳамиша футбол билан биргаман. Ўз юртимиз жамоаларининг ишқибозиман.

Менимча, футболни севган одам ҳар ишда ишчан, билимдон, камтарин бўларкан, бошқалардан ажралиб тураркан. Мен ўз меҳнат фаолиятимни «Автотеххизмат» корхонасида бошлаганман ва ҳозирда ҳам шу жамоада ишлаб келмоқдаман.

«Тонг» жамоасига бир корхонада бирга ишлайдиган дўстларим Мурод Акперов ва Собит Собирхўжаев билан бирга қатнаймиз. Бизни жамоага Эркин ака Абдураимов ва Набижон Жўраевлар таклиф этишган эди. Мана Худога шукурки, дўстларим билан жамоада ҳозиргача фаол қатнашиб, тўп суриб келмоқдаман. Бу эса ҳамиша соғлом бўлиб юришимизда катта омил бўлмоқда.

«Тонг» жамоасига келиб қўшилганимдан кейин жамоадошлар билан жуда тез тил топишиб кетдим. Ҳимоя чизиғида жуда ишончли ўйин кўрсата бошладим. Аммо баъзан ҳужумга ўтиб кетган пайтларим, голлар урган пайтларим ҳам кўп бўлган. Гоҳида қизишиб кетиб, ҳакамлар билан баҳслашиб қоламан, аммо тезда вазиятни тўғри баҳолай бошлайман ва ўз ҳолимга қайтаман.

Мен ҳаётда жуда қувноқман. Гоҳида «тонгчи»лар даврасида бўлганимда улар мендан қизиқ-қизиқ ҳангомалар, латифалар айтиб беришимни сўрашади. Айтаман ва ҳаммани кулдириб юраман. Ахир хурсандчиликка нима етсин!

Жамоанинг барча ишларида фаол қатнашиб, даврани тўлдириб юрганимдан доим хурсанд бўламан. Ахир бекорга «Кенгга кенг дунё...» дейишмайди-ку!

«Тонг»даги бирга тўп сурган дўстларимга соғлик-саломатлик тилаган ҳолда жамоа ўйинларини келгусида ҳам муқим давом этишига тилакдошман!

# «ТОНГ»ДАН БОШЛАНГАН САМИМИЙ ДЎСТЛИК

*Аҳрор АҲМЕДОВ,*
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.*



Футбол жону дилим. Усиз ҳаётимни тасаввур қила олмайман. Шунданми, мактабни битириб, Тошкентга келганда, вокзалдан трамвайга ўтириб «Пахтакор стадионига ҳайданг», деб роса кулгига қолганман. Журналистика факультетига ҳужжат топширибоқ «Пахтакор» стадионига чопганман. Ўйин йўқ кунлари ўйингоҳни роса маза қилиб айланганман. Ёғоч ўриндиқларда секторма-сектор ўтириш энг катта бахт бўлган. Кейин-кейин севимли жамоамизнинг бирорта ўйинини қолдирмасдим, 35-сектор доимий жойимга айланди. Вақт ўтиб, бир йиллик абонемент сотиб олдим, марказий секторларда ҳам ўтирдим.

Тез орада ўқишни битирдик, ёшлар газетасида шиддат билан ишлардик, аксари ёшлар, деярли ҳамма футбол шинавандалари, тўп тепган болалар. Келишиб жамоа туздик, буни эшитиб бошқа газета-журналлар ҳам ҳаракатга тушиб қолишди. Ўзаро мусобақалар, чемпионатлар ташкил қилдик. Деярли бизнинг жамоа биринчи бўларди. Кейинроқ бизда нашрларнинг энг яхши ўйинчиларини йиғиб, битта жамоа тузиш фикри пайдо бўлди. Номи ҳам ўз-ўзидан табиий тарзда туғилди: «Ижодкорлар». Газетамизнинг вилоятлар, туманлардаги учрашувларига жамоамизни ҳам қўшиб олиб борардик. Кўкдала, Иштихон, Боғот, Чуст, Чинобод, Сирдарё туманларидаги шеърият-қўшиқ-футбол байрамини ҳали-ҳануз эслайман.

«Иштаҳа овқат пайти келади», дегандек, анча тажриба орттириб, кўзга кўриниб, қулоққа чалиниб қолдик. Фикрдан фикр чиқиб, «Пахтакор»нинг фахрийлари билан ўйнаш нияти пайдо бўлди. Югур-югур, чоп-чоплардан кейин МҲСК стадионида футбол шоусини ташкил қилдик. Эркин Абдураимов, Баҳодир Иброҳимов билан ўша кезларда дўстлашиб қолгандим. Бизнинг жамоада Ҳуршид Дўстмуҳаммад, Тўлқин Қозоқбоев, Козим Қаюмов, Соат Шарипов, Сафар Остонов каби ижодкорлар майдонга тушишган. Ўйинга Ахбор Имомхўжаев ҳакамлик, Обид Асомов шарҳловчилик қилган. Ўйин олдидан: «Биринчи навбатда чарчаганларни, иккинчи навбатда ёмон ўйнаганларни дарҳол алмаштираман, хафа бўлиш йўқ, минглаб одамларнинг олдида шармандa бўлмайлик», деб «установка» бердим. Ҳамма маъқуллади. Негадир Соат Шариповнинг ўйини қовушавермади, 15-дақиқада майдон четига чақириб, «чиқинг», дедим. «Илтимос, бир таймни тугатайлик», деди, ноилож рози бўлдим. Танаффусда Тўлқин акани алмаштирдим, «хўп», деб четга чиқди. Лекин Соат ака: «Урсангиз ҳам, сўксангиз ҳам чиқмайман, мана кўрасиз, иккинчи таймда гол ураман», деб ерга ётиб олди. Ҳаммамиз кулиб юбордик. Хуллас, Соат ака ўйиннинг охиригача ўйнади, тўғри, гол уролмади, лекин мухлисларни роса кулдирди. Ўйиндан кейин машҳур санъаткорлар ижросида катта концерт бўлди.

Ўша кезлари «Тонг» жамоаси оғизга тушганди. Асосан масъул ходимлар, собиқ пахтакорчилардан иборат жамоа ҳафтада уч маротаба шуғулланарди. Улар билан айнан «Пахтакор»нинг ўзида, бош майдонда ўйин қилдик. Тўғри, тажрибали жамоага ютқаздик, лекин аслида ютдик – биз ажойиб дўстлар, акалар, устозлар топдик.

Шу-шу фурсат топсам баъзан «Тонг»нинг ўйинларини томоша қилиш учун стадионга келаман. «Кўклар» ва «қизиллар»га бўлинган бу жамоаларнинг

ҳар галги учрашуви ҳақиқий жанг, баъзан даҳанаки тарзда ҳам борарди. Шавкат Аъзамхўжаев, Шавкат Тўлаганов, Дилмурод Иброҳимов, Баҳром Ғафуров, Алишер Мадраҳимов, Мурод Турсунбоев, қадрдон Эркин ака, Баҳодир акалар билан суҳбатлар энди ўйласам тотли дамларим экан.

Бир қизиқ воқеа эсимда қолган. Машқ ўтқазиладиган майдоннинг дарвозалари ўйиндан кейин йиғиб қўйиларди. Кейин ҳар бир жамоа ўзига мос қилиб кўтариб келиб ўрнатиб оларди. Бир куни яна «тонгчи»лар ўйинини томоша қилмоқчи бўлдим. Иккала жамоадан ҳам тўрт-беш ўйинчи дарвозаларни четдан кўтариб келиб ўрнатишга чоғланишди. Шунда катта раҳбарлик лавозимида ишлайдиган Содиқ ака Сафоев ҳам ҳамма қатори темир дарвозанинг бир томонини кўтариб, хотиржам ўйинга тушиб кетди...

Баъзан шанба кунларидаги ўйиндан сўнг, дам олиш куни бўлганиданми, бемалолроқ бўлишарди, майдон четидаги шийпончада тамадди ҳам қилинарди. Ким сомса, ким хоним, ким қази-қарта ёки норин кўтариб келган, термосда чой...

Ҳозир ҳам «тонг»чиларни кўча-кўйда кўрсам, салом-алик қиламиз, ҳол-аҳвол сўрашамиз. Ўтганларни хотирлаймиз.

Уларнинг кўпларини номма-ном билмайман. Лекин юз таниш, ном шарт эмас. «Тонг» дейилса бўлди, ҳамманинг дили ёришиб кетади. Шунда баногоҳ ўйлаб қоламан – дўст-қадрдон топишнинг ҳам ўрни-жойининг аҳамияти бор шекилли. Зеро, «Тонг»да топган дўстлик, яқинлик, биродарлик тонгдай абадий, мусаффо, самимий бўларкан...

# МЕН БАХТЛИ ИНСОНМАН

## *Алишер МАДРАҲИМОВ*

Тошкент шаҳрида туғилганман (1965 йил 16 октябрь). Ёшлигимдан футболга қизиқишим жуда катта бўлган. Лекин тақдир мени бошқа йўлга етаклади, яъни телевидение йўналиши бўйича ишлаб кетдим. Аммо шунга қарамасдан футбол менинг ҳаётимни бир бўлаги бўлиб қолган, чунки футбол орқали, яъни «Тонг» деб номланган футбол жамоасида тўп сурган пайтларимда қанча-қанча ажойиб инсонлар билан танишдим ва улар билан дўстлашиб кетдим.

Менинг «Тонг» жамоасига келиб қўшилишимга асосий сабабчи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Козим Қаюмов бўлади. Мен Козим ака билан иш юзасидан тез-тез учрашиб турар эдим. У мени яхшигина футбол ўйнашимни биларди. Ҳали-ҳали эсимда, биринчи кун борганимда, ўшанда 1998 йилнинг ёз ойлари эди, у ерда тўп сураётган инсонларни кўриб ҳайратланиб қолганман. Бираодар Абдураимов, Баҳодир Иброҳимов, Ахбор Имомхўжаев, Шавкат Тўлаганов, Содиқ Сафоев, Содиқ Қосимов... бу рўйхатни яна давом эттиришим мумкин. Футбол туфайли мана шу инсонлар билан бир неча йиллар-



дан буён ҳам майдонда, ҳам унинг ташқарисида ака-ука бўлиб юриш менга насиб этганидан хурсандман. Уларнинг барчалари ўзига хос, ажойиб фазилатга эга инсонлардир. Улардан ўзим учун кўп нарса олганман ва буларни ўз ҳаётимда татбиқ этиб келмоқдаман, улар худди оиламнинг бир бўлагидек бўлиб қолган. Уларнинг бирортаси ҳам менга ва менинг касбимга бефарқ бўлишмаган. Дунёнинг бир қанча давлатларига иш юзасидан бориб келганларим, у ерда кўрганларим, суҳбатлашган одамларим ҳақида улар билан ўртоқлашар эдим. Қизиғи шундаки, уларнинг бирортаси ҳам санъатга бефарқ эмас эдилар, чунки менинг режиссёрлик фаолиятим айнан санъаткорлар билан боғлиқ.

Айниқса, Databaseродар Абдураимов, Раҳим Мўминов, Баҳодир Иброҳимовлар буюк инсонлар, мен бу инсонлар билан бир майдонда тўп сурганимдан ҳамиша фахрланиб юраман.

Инсон ҳаётда неча йил умр кўргани билан эмас, мазмунли ўтган умри билан хурсанд бўлиши керак экан. Мен ўзимни бахтли инсонлар қаторига бемалол қўшаман. Бунинг учун Яратганга беҳисоб шукур қиламан.

## УНУТИЛМАС ВОҚЕАЛАР КЎП БЎЛГАН

***Тоҳир ТЎРАЕВ.***

**1952 йилнинг 15 апрелида туғилган.**

**Титов номли Республика махсус спорт мактаб-интернатини 1969 йилда битирган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тугаллаган. «Ёдгорлик – бойлик» фирмасида фоторепортёр бўлиб ишлайди.**

Мен ҳам ўзим тенгқур барча болалар сингари ёшлигимдан футболга қизиқардим. 1970–1972 йил-



ларда «Пахтакор» жамоасининг ўринбосарлар таркибида ўйнаганман. Собиқ Итифоқнинг ёшлар терма жамоаси таркибида халқаро мусобақаларда ҳам қатнашганман. Ўшанда донгдор футболчилар Олег Блохин, Леонид Буряк, Владимир Гуцаев, Зуев, Даминлар билан ўйнаганман.

2000 йилларда Раҳим ака Мўминов билан Тошкентдаги Тўқимачилик стадионида тасодифан учрашиб қолдим ва у менга «Тонг» жамоаси ҳақида шундай ажойиб гапларни айтиб, мени ҳам жамоага таклиф қилиб қолдилар. Унинг гапларига қизиқишим ортиб, эртасигаёқ тонгчиларнинг ўйинига бордим, улар мени илқ кутиб олишди. Шундан бери ушбу жамоада ўйнаб келмоқдаман.

Жамоанинг бир ўйинини эслаб завқланиб кетаман. Бу воқеа шундай бўлган эди: ҳафта энди бошланган душанба куни тонгида жамоа аъзолари ҳар галгидек «Пахтакор» ўйингоҳида йиғилишдик ва икки гуруҳга бўлиниб ўйнайдиган бўлдик. Мен ўйнаётган гуруҳ, асосан, ёши улуғ инсонлардан ташкил топганди, рақиб гуруҳида эса анчайин ёш таркиб йиғилганди. Ўйин жуда қизиқарли бўлди. Гуруҳимиздаги ўйинчилар бир-биримизни тушуниб, ўйинни тактик жиҳатидан тўғри йўлга қўйганимиз сабабли ёш рақибларимизни 5:0 ҳисобида ютиб чиқдик. Шу ўйиндан кейин ёш гуруҳнинг баъзи ўйинчилари уялиб, кейинги икки-уч машғулотимизда қатнашмади. Орадан икки ой ўтгандан кейин эса ўзлари ўша ўйиннинг турли ҳолатларини эслашиб, биз кексаларга тасаннолар айтишди. Мана сизга футбол! Футболни ҳам фақат ёш эмас, бош ҳал қиладиган жойлари бор, билсангиз.

Истардимки, жамоа аъзоларимиз билан юзага келган орамиздаги дўстлигимиз, аҳиллигимиз, бир-биримизга бўлган ҳурмат-эътибор ҳеч қачон йўқолмасин. Ва аксинча, ҳамиша кучайиб борсин. Бу йўлда эса барча «тонгчи» жамоадошларимга, энг аввало, соғлик-саломатлик тилайман!

## УЛАР ДОИМ ЁРДАМГА ШАЙ



***Йўлдош РАҲМОНОВ.***

**1952 йил 10 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилган.**

**Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги Лаъл Баҳодир Шастри номидаги 24-ўрта мактабни тугатган.**

**1978 йилда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаган. Учтепа туманидаги 245-ўрта мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси, кейин спорт мураббийи бўлиб ишлаган.**

«Тонг» жамоасига мени Биродар Абдураимов таклиф қилган эди. Асли ўзим 40 йилдан буён футбол ўйнаб келаман. Ўз соғлигимга жиддий эътибор бераман. Шунинг учун футболдан ташқари спортнинг бодибилдинг, бадминтон, велоспорт, сузиш турлари билан ҳам мунтазам шуғулланиб келаман.

«Тонг» жамоаси аъзоларининг аҳиллиги, бу инсонлар ўз ҳаётларидаги яхши-ёмон кунларини биргаликда, бир-бирларига елкадош бўлиб ўтказишлари менга ёқади.

Бизга устозлик қилган машҳур футболчилар – Биродар Абдураимов, Баҳодир Иброҳимов, Вячес-

лав Солохолардан ўйин жараёнида кўп нарсаларни ўргандик. Бунинг учун улардан миннатдорман.

«Тонг» жамоасига яна кўп йиллар ҳозиргидек футбол ўйнаш насиб этсин. Бу ишни биздан кейинги авлодлар ҳам муваффақият билан давом эттираверишсин!

## Я – СЧАСТЛИВЫЙ ЧЕЛОВЕК

***Тимур Петрович КРУК***

«Что наша жизнь – игра».
*(А.С.Пушкин. «Пиковая дама»)*



Этими словами из арии Германа в опере Чайковского «Пиковая дама» я бы хотел начать повествование о своей жизни в футболе. В 18 лет начал играть в первенстве Магаданской области, где тогда я жил. В 20 лет я попал в «СКА» Хабаровск, по амплуа я вратарь. После демобилизации в 1964 году я уехал учиться в Ленинград (нынешний Санкт-Петербург) в Политехнический институт. Здесь я играл за вузовскую команду. Так в жизни случилось, что я был знаком с Андреем Петровичем Старостиным и его авторскую книгу с надписью храню как зеницу ока. Будучи по делам в Ленинграде, он пришел на игру институтских команд. Помню мы играли с командой лесотехнической академии и я был неслыханно рад тому, что сама легенда советского футбола наблюдал за моей игрой и с волнением вспоминаю об этом. После игры мы пошли ужи-

нать и вдруг Андрей Петрович, обращаясь ко мне, сказал а почему бы тебе не попробовать поиграть в футбол в «Зените». Я очень сильно разволновался и стал отнекиваться, сказав, что это помешает моей учебе. В ответ на это он сказал, что одно другому не помешает. Естественно после этого я с радостью согласился на это предложение. Так по его рекомендации я оказался в дублирующем составе «Зенита», который в то время тренировал Александр Иванович Зябликов. Захватив форму, приехал на тренировочную базу в Удельный парк. Я так спешил, что приехал на два часа раньше. В дублирующем составе в то время играли не менее известные Лисичкин, Чирва, Наумов, Марков, Горбунов и др. Меня больше всего поразила игра вратаря Ильяса Галимова. Несмотря на свой невысокий рост, он обладал уникальной прыгучестью и отменной реакцией, работал до изнеможения. Однако, стать основным вратарем ему не позволила дедовщина, царившая в то время в «Зените». Уже позже, играя за Николаевский «Судостроитель», он восхищал своих болельщиков долгие годы.

Еще большое волнение я испытал, увидев на поле легендарных мастеров зрелого возраста Завидонова, Васильева, Савейко, Рязанова и легендарного вратаря Владимира Востроилова. С ними же тренировались молодые, но не менее известные Алам, Непомилуев, Спиридонов, Данилов, Бурчалкин, ну и Павел Садырин, многое сделавший для «Зенита». В те годы игра «Зенита» была не выразительной и я помню в ходу у болельщиков была кричалка «А теперь игра в «Зените» не игра, а извините».

Сезон 1965 года я заслуженно сидел на скамье и все таки мне наконец-то посчастливилось. Мне стали больше доверять играть за дублирующий состав. Особенно запомнилась мне игра со «СКА» Ростов, где наша команда выиграла со счетом 3:0, в чем была



4–3877

и моя заслуга. К сожалению, моя удачная эпопея в команде «Зенит« закончилась внезапно. В конце года мои родители, узнав что их чадо, забросив учебу, серьезно увлекся футболом, срочно заставили меня приехать в Москву и перевестись в другой институт. Наше поколение было воспитано на уважении к родителям и их слово было для нас законом. При этом родители считали, что в Москве меня будет легче контролировать, так как здесь жил и работал мой любимый старший брат Игорь. Он успешный, целеустремленный человек в жизни, в свои 77 лет энергичен и бодр, активно занимается физической культурой и спортом. Занимаясь дайвингом, со своими друзьями он объездил много стран и морей. Его стремление не просто доживать жизнь, а активно участвовать в ней и получать полноценную радость и счастье в жизни поражает воображение. Многое это, благодаря ему, передалось и мне. Я не представляю себя без движения и без дела, всегда стараюсь быть с друзьями, читать, веселиться, быть в гуще интересных событий.

Я счастлив, что уже в зрелом возрасте, защитив диссертацию, проработав преподавателем, попал в прекрасный и для меня сейчас родной город Ташкент. Целью было одно – развитие текстильной промышленности в Узбекистане.

Приехав в Ташкент, я не порвал с футболом и, будучи человеком общительным, очень скоро познакомился с замечательными людьми, в том числе, с легендами узбекского футбола. Скажу прямо, в Узбекистане как нигде ветеранское футбольное движение развито очень хорошо. Бывшие ветераны «Пахтакора», объединившись, выступают в первенствах города, в розыгрыше кубка республики, различных международных соревнованиях. Я счастлив, что в этих соревнованиях принимаю активное участие. На



играх разворачиваются настоящие баталии, идет бескомпромиссная игра с травмами, фолами, нарушениями и красивейшими комбинациями и голами. Вот эта часть ветеранского футбола и является, на мой взгляд, самым главным в моей заметке об игре миллионов.

К сожалению, в последнее время в футболе присутствует агрессивность, враждебность. Это переходит иногда и на фанатов, болельщиков. А вот в случае с ветеранами, это встречи старых друзей и настоящих любителей спорта. Уверяю вас, что после окончания матча, в отношениях соперников царит дружба, улыбки и радушие, иначе говоря, настоящий праздник. Вот, например, три раза в неделю рано утром, мы в составе команды «Тонг», условно разделившись на «красных» и «синих», играем на искусственном поле стадиона «Пахтакор». Игры, я вам скажу, проходят очень бескомпромиссно. В наших рядах очень много известных футболистов «Пахтакора» и конечно безвременно ушедший Боходир Ибрагимов или как мы называли его Рустик. Вот уж действительно природа одарила его талантом игрока,

тренера и огромным талантом быть другом и умением дружить. На поле Боходир ака никогда никого не ругал, понимал, что многие из игроков любители, иногда лишь с укоризной подсказывал, как играть в той или иной ситуации. Он как настоящий друг всегда спрашивал практически каждого из пришедших на игру о состоянии здоровья, о семье и это были не просто дежурные вопросы, а настоящее участие в возникших проблемах того или иного человека.

В команде до настоящего времени играют люди моего возраста и старше, ну естественно в щадящем режиме. Мне очень приятно общаться с известным юристом, любителем Хаби ака Абдувалиевым, выдающимся человеком, всеми любимым комментатором, Ахбором Рустамовичем Имамходжаевым, им уже почти по 80 лет, с легендой узбекского и советского футбола Эркином Хасановичем Абдураимовым, моим одногодком, да и многими другими. Люди разных профессий, собираемся рано утром, а бывает, иногда, и за столом в чайхане, в гостях друг у друга, делимся удачами в жизни, рассказываем свои новости. Со стороны наших более молодых товарищей мы всегда чувствуем уважение и поддержку.

Футбол является частью моей жизни. Во-первых, он позволяет чувствовать себя если не молодым, то точно не стариком, не даёт застояться уму, придаёт уверенность и закаляет волю, во-вторых эта интересная игра позволяет быть в гуще интересных событий.

Поэтому я – счастливый человек.

Желаю всем моим друзьям, ветеранам футбола долгих лет жизни, доброго, крепкого здоровья.

# ИНТЕРЕСНО И ПОЧЕТНО

***Мавзурхон УМАРХОДЖАЕВ,***
***ветеран футбола***

Я родился 9 декабря 1952 года. С детства увлекся футболом и это привело меня в ДСШ-2 Шайхантахурского района г. Ташкента. С 1968 по 1971 год играл в футбольной школе молодежи «Пахтакора», вхо-



дил в состав сборной Узбекистана. С 1971 по 1975 г., играл за «Пахтакор». Мастер спорта. С 1992 по 2009 годы тренер команды «Диёнат», молодежной сборной, тренер, начальник команды «Заравшон» Навои, главный тренер «Курувчи – Бунёдкор». Особенно я горжусь, что в качестве тренера национальной сборной команды инвалидов-ампутантов стали трехкратными чемпионами мира. Награжден орденом Дружбы. С 1993 года по сегодняшний день я играю в команде «Тонг» и с тех пор верен ей. Меня пригласил мой уважаемый Баходир ака Ибрагимов, человек с большой буквы. Я никогда не забуду это. В команде наряду с известными мастерами футбола играют люди различных профессий, с которыми я очень подружился.

Честно говоря, на поле бывают такие моменты, идет такая борьба, что диву даешься и, конечно, не без нарушений правил. Не скрою, иногда в азарте и я был грешен, за что получал от Ахбор ака Имамходжаева желтые и даже красные карточки. Он очень честный и справедливый судья и у него ни одно нарушение безнаказанно не проходит. Мне доставляет удовольствие играть как с профессионалами, так и с любителями, моими друзьями Нишанбаем, Султан ака, Отабеком Хамраевым, Лутфула Убаевым, Нодирбек Азимовым, Шерзодом Мусаджановым, да и всеми остальными, кого не перечислил из любимой команды. В команде много пожилых, которые подают нам во всем пример, делятся своим опытом, знаниями. Они всегда добры и внимательны ко всем. Всех нас поражает как они регулярно и активно в таком возрасте занимаются спортом. Общаться с этими людьми интересно и в тоже время почетно. Желаю всем крепкого здоровья.

# ПОЛУЧАЮ ОГРОМНОЕ УДОВОЛЬСТВИЕ

## *Шерзод МУСАДЖАНОВ*




Родился 14 сентября 1960 г. в Ташкенте. Играл в футбол на любительском уровне и с середины 2000-х начал играть за ветеранов команд «Тонг» и «Бунёдкор».

Где-то летом 2011 г. мы с ребятами из команды «Бунёдкор» отмечали день рождения одного из наших игроков. Среди приглашенных гостей был и Берадор Абдураимов, на игры которого мы вместе с папой специально ходили и восхищались его игрой. Я воспользовался случаем, чтобы сфотографироваться с легендой нашего футбола и рассказать о своей любви к этой игре. Когда мы прощались, некоторые из моих друзей сказали, что они играют вместе с со многими, известными в прошлом, футболистами по утрам на стадионе «Пахтакор», на что я высказал желание тоже играть с ними. Они тут же попросили Берадор ака разрешить мне участвовать. Он согласился, но с условием, что сначала я поиграю два-три матча, а затем решение о моем приеме будет приниматься коллегиально, так называемым «советом» клуба «Тонг». После просмотра моей игры, «совет» принял решение о моем зачислении в клуб, за что я до сих пор им признателен. Благодаря этому я познакомился со многими замечательными людьми и до сих пор получаю огромное удовольствие от общения с ними. Вот, вкратце, такова история моего появления в этом клубе.

# БЛАГОДАРЮ СУДЬБУ

## *Нурали АХМЕДОВ*

В 1987 году в составе команды »Узгарыш» мне посчастливилось играть с командой »Тонг». Наша команда была создана в 1984 году и, начиная с 1985 года, участвовала и первенстве Ташкентской области от Зангиатинского района. Мы играли успешно и становилась пятикратными чемпионами. Большинство футболистов были с нашей школы, где работал Ахбор Рустамович Имамходжаев и я. С 1985 года наши футболисты играли за команды мастеров города Карши, »Халкабад» и »Пятилетие Узбекистана». Один из игроков этой команды, Ленур Еремеев, в настоящее



время работает тренером юных футболистов »Пахтакор».

Никогда не забуду день, когда мы впервые сыграли с командой »Тонг», где наряду с известными футболистами, было много любителей. Мне запомнились Мансур Абдуганиев, Батыр Абдувасиков, Пулат Носиров, Наим Ражабов, Косим Шодиев, пожилые Хаби ака и Акбар ака, фамилии не помню, которые буквально сражались за каждый мяч и играли с большим азартом.

Первая игра на поле у шахматного клуба закончилась вничью, а вторую через месяц мы играли на центральном стадионе «Пахтакор». Мы, к великому счастью, с трудом выиграли со счетом 2:1, матч судил Ахбор ака, игра проходила бескомпромиссно, порой жестко. За нашу команду играли три брата Гафуровых – Бахром, Ильхом и Атхам. Так как они выходцы с Узгарыша, помню как после игры ребята его шутя называли предателем и говорили Ахбор Рустамовичу, что его надо было удалить как подставного игрока. После игры мы пожали друг другу руки и нас пригласили на дружеский обед, за столом шла приятная беседа, много шутили, было очень весело, эти встречи оставили у нас неизгладимое впечатление. Хочу сказать, что в школе, где я учился и работал в свое время учителем, работал мой наставник Ахбор ака, во главе с ним, мы на основе хашара построили спорткомплекс с двумя футбольными полями и стадион. С 1995 по1998 год я работал директором стадиона, а затем директором клуба «Сергели-Узгарыш».

Выйдя на пенсию, меня пригласили на работу директором спорткомплекса «Лочин» Сергелийского района. Я счастлив, что судьба свела меня с замечательным человеком, Джамолидином Шамсудиновичем Бабахановым, Председателем федерации стрель-

бы из лука Узбекистана. За короткий срок он сумел на заброшенной местности, заваленной мусором, построить два футбольных стадиона с искусственным покрытием и прекрасный лукодром. Я горжусь, что в этом деле принял активное участие.

Хочу сказать, что мне понравился этот олимпийский вид спорта – стрельба из лука. Видя, как молодежь, члены сборной команды, тренируются, соревнуются, душа радуется. Слава богу, сегодня, как никогда, создаются все условия нашим детям для занятия физической культурой и спортом.

Благодаря судьбе, я до настоящего времени встречаюсь с ребятами из команды «Тонг», иногда наблюдаю за их бескомпромиссными играми. Каждое общение с друзьями доставляет мне огромную радость, всем желаю доброго здоровья и семейного благополучия.

## ЭНГ ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМ

***Абдурашид НАБИЕВ***



Мен 1955 йилнинг 17 июнида туғилганман. 1972–1977 йилларда Тошкент фармацевтика институтини тугатганман. Ўқишдан кейин Ўзбекистон ФАнинг Ўсимлик моддалари кимёси институтида илмий ходим бўлиб ишладим ва 1984 йилда кимё фанлари номзоди бўлдим. Кейин Тошкент вилоятидаги «Ўсимликлар меристемаси биотехнологияси» лабораториясига узоқ йиллар раҳбарлик қилдим.

2003 йилда «Тонг» жамоаси ҳақида эшитиб, унга аъзо бўлдим ва ҳар

ҳафтада уч маҳал «Пахтакор» ўйингоҳига қатнай бошладим. Бу клуб аъзоларининг кўпчилиги ўша пайтларда турли идораларда ишловчи йигитлардан ташкил топганди. 2008–2013 йилларда фахрийлар ўртасида ўтказилган турнирларда қатнашиб келдим.

Футбол сабаб «тонгчи»лар сафида бўлиб, ажойиб дўстона муҳитда тўп тепиб, жуда яхши инсонлар, оқсоқоллардан кўп нарсани ўргандим ва уларнинг барчасини чуқур ҳурмат қиламан. «Тонгчи»ларнинг барчасига ўз миннатдорлигимни билдириб, уларга барча яхши тилакларни тилаб қоламан.

## ФУТБОЛНИ ЮРАКДАН СЕВИБ ЎЙНАШ КЕРАК

***Баҳром БЎРОНОВ.***

***Сирдарё вилоятида туғилган. 1978 йилда 14-ўрта мактабни битирган.***

***1978 йилда Тошкент ҳисоб-бухгалтерия билим юртини имтиёзли диплом билан тугатган. 1988–1993 йилларда Тошкент Молия институтида ишдан ажралмаган ҳолда ўқиган.***

Мен Молия вазирлигида ишлаб юрган кезларим «Тонг» футбол жамоасига аъзо бўлганман. Ўша пайтлари ўйин бўладиган кунлари ҳар тонгда севимли футбол майдонига шошардим, ўйингоҳга тушиб биринчи тўп тепишим биланоқ руҳий толиқишдан халос бўлардим. Ахир, катта майдонда тўп суришнинг гашти бўлакча-да!

Аввалига «Тонг-2» жамоасида ўйнардим ва ҳар ҳафтанинг тоқ кунлари «Тонг-1» жамоаси ўйинларини завқ билан томоша қилардим. Қиш кунларининг бирида «Тонг-1» жамоасида ўйнаб юрган ўзбек футболи фахрийларидан бири Бродар Абдураимов менга қуйидаги гапларни айтиб қолди:



– Баҳромжон, ўйинингизни кўриб қувондим. Яхши ўйнаркансиз. Шунинг учун бизга – «Тонг-1» жамоасига ўтиб ўйнамайсизми?

Қайси бир футбол ҳаваскори бунақа таклифни рад этади? Шундан кейин йигирманчи аср ўзбек футболининг таниқли шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев, футболимиз юлдузлари бўлган Биродар Абдураимов, Баҳодир Иброҳимов, шунингдек, футболимиз жонкуярлари Шавкат Тўлаганов, Баҳром Ғафуровлар билан кўксим ғururга тўлганча биргаликда тўп сура бошладим. Ахир менга спорт мактабини кўрмаган бўлсамда, мамлакатимизнинг энг катта футбол майдонида ўйнаш насиб этганди-да.

Кейинчалик ҳар бир вилоятдаги футбол ўйинларини ҳам бориб кўрардик. Футболга меҳрим баланд бўлганидан Россиянинг Москва шаҳрида бўлганимда «Динамо» ва «Лужники» ўйингоҳларига ҳам бориб ўйин томоша қилганман, шу ўйинлар баҳонасида стадионни ҳам мириқиб томоша қилганман. Шу каби Австрия, Франция, Япония давлатларида бўлганимда ҳам, албатта, ўша ердаги машҳур стадионларга тушганман.

Мана шулар туфайли ҳозирда кексалик гаштини суриш баробарида ўзим каби футболни севадиган дўстларимга, маҳалла болаларига, қишлоғим болаларига ўз таассуротларимни, футболга шайдо бўлиб ўтган онларни, «Тонг»даги қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлаб бераман.

Оиламизда бўлган тўй оқшомларининг бирида «Тонг» футбол жамоасида бирга тўп сурган дўстларим – Бахтиёр Азизов, Тўлаган Исоқов, Козим Қаюмов, Раҳмиддин Зикриёев, Тоҳир Усмонов, Абдуллажон Холиқулов (раҳматли), Илҳомжон Айтуганов (дарвозабон)ларнинг тўйхонага кириб келишлари зўр ҳаяжонларимга сабаб бўлганди. Кўпчилик бу меҳмонларнинг ташрифига ишонишмай, уларни янада яқинроқ бориб кўришга интилишарди.

Биз турли лавозимларда ишласак-да, спорт таъсирида оддий ва самимийликни ҳеч қачон йўқотмаганмиз. Шунинг учун футбол ўйнаган инсонларда ижобий фазилатлар бўртиб туради, ҳаммани бирдек кўради. Ахир майдонга тушган одамнинг ҳаммаси тенг, ҳамма баробар-да. Спорт мансабни эмас, эпчилликни хушлайди. Ғалабага эришиш учун югуришинг, тезроқ югуришинг ва сира тўхтамай югуришинг керак бўлади. Хавфли ҳужумларни бартараф эта олган ҳимоячи ҳам, чиройли «гол»ларнинг соҳиби бўлганлар ҳам, албатта, таҳсин-у рағбатга лойиқ. Бу



таҳсин-у рағбатлар ишқибозларнинг олқишлари ва қарсакларида мужассам... Шунинг учун спорт билан шуғулланган кексалар гоҳида ўн саккиз ёшлилар каби ҳаракат қилишади, кўринишларида ҳам чарчоқ бўлмайди, юзларида, кўзларида ҳаёт завқи, яшаш завқи ёниб туради.

Мен Сирдарёда ишлаб юрганимда биз ҳам «Тонг» жамоасига ҳавас қилиб, унинг сингари ҳаваскор футбол жамоаси тузгандик. Бу ҳам ўз самарасини берган.

Ҳозир ҳам Тошкентга бориб қолсам, албатта, «Тонг» жамоаси аъзоларини бир йўқлашни канда қилмайман. Улар билан қўшилиб футбол ўйнашнинг гашти ўзгача-да.

Футболни суйган одам уни ўйнаб чарчамайди. Аксинча, тетик, бардам сезади ўзини.

Ҳар куни тонг отади. Келажакда яна кўп тонглар отади. Биз ўйнаган «Тонг» жамоаси сафига эса янги-янги йигитлар, ёши улуғроқларимиз қўшилаверади. Чунки тонг чоғи «Тонг»да тўп суришнинг гашти ўзгача. Шуниси аниққи, миллионлар ўйини – футболни севган инсонлар, тонгда учрашиб, «Тонг»да бўладиган ўйинни интиқлик билан кутадилар ва тонгни ширин бир кайфият билан олқишлайдилар. Чунки бу тонг ҳам «Тонг»дагиларнинг ўйини бор...

## ҲАМИША ФУТБОЛ БИЛАН ЁНМА-ЁН

***Муродбек ТУРСУНБОЕВ***

Мен 1957 йилнинг 17 июлида Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидаги Бешкубур қишлоғида туғилганман.

Кўп йиллар Тошкентдаги «MERKVRY INVESTMENT» масъулияти чекланган жамиятда бош директор лавозимида ишлаганман.

«Тонг» жамоасига 2001 йилда биз билан бирга



тўп сурган Дилмурод Иброҳимов таклифи билан келиб қўшилганман.

Очиғи, ёшлигимдан мактабда кўп спорт турлари билан шуғулланганман. Булар – футбол, баскетбол, узоқ масофага югуриш ва бокс. Одам ўз олдига бирор мақсад қўйса, албатта, унга эришишга ҳаракат қилади ва амалда бунга эришади ҳам.

Шу боисдан бўлса керак, мен футболда спорт усталигига номзод бўлдим, баскетбол ва енгил атлетика бўйича биринчи катталар разрядини олдим, шунингдек, боксда ҳам ўзига хос ютуқларга эришдим, иккинчи катталар разрядим бор.

Мен профессионал футболчи сифатида 1975–1977 йилларда Қозоғистонда Чимкентнинг «Металлург» футбол жамоасида тўп сурганман.

1977–1979 йиллари ҳарбий хизматни ўтадим. Кейинчалик Тошкентга қайтиб, ўқишга кирдим ва 1983 йилда Тошкент политехника институти (ҳозирги Техника университети)ни тамомладим ва иссиқлик энергетикаси саноати муҳандиси мутахассислигига эга бўлдим.

Меҳнат фаолиятим давомида Сирдарё вилоятида турли раҳбарлик лавозимларида ишладим. Кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академиясида, Республика кўчмас мулк биржасида ва яна турли ташкилотларда меҳнат қилдим.

Аммо қаерда ишламайин ҳамиша футбол билан ёнма-ён бўлардим, жамоалар тузиб, ёшларни футбол ўйнашларига даъват қилардим ва бу ишларда ўзим бош-қош бўлардим.

«Тонг»да кўпинча дарвозада турардим, ҳужумчиларнинг шиддат билан тепган тўпларини моҳирона

қайтаришга ёки ушлаб қолишга ҳаракат қилганларим ҳамон ёдимда. Жамоанинг абжир дарвозабони бўлса, кўпинча ўша жамоа ғолиб келади. Бизда ҳам бундай ҳол кўп бўлган.

## БУ ЖАМОАДА БЎЛИШ – ФАХР

***Собир НАЗАРОВ***



Менинг «Тонг» жамоасига келишимга Шавкат Тўлаганов сабабчи бўлган. Жамоада ўйнаб, кўп ажойиб инсонлар билан танишдим. Ахир ким ўйлабди дейсиз мени Биродар Абдураимов, Баҳодир Иброҳимов, Тўлаган Исоқов, Ахбор Имомхўжаев каби машҳур инсонлар билан бирга тўп суради деб.

Мен шахмат ўйнашни ҳам жуда яхши кўрардим. Вақт топганимда жамоадошларим Баҳром ака, Сайфиддин ака, Умид акалар билан шахмат ўйнардим. Яна юқорида номлари санаб ўтилган акалар улоқни яхши кўришгани учун мен ҳам бора-бора бу спорт турига қизиқиб қолиб, улар билан кўплаб бу тоифадаги мусобақаларни томоша қилгани борардик.

Фурсатдан фойдаланиб, «Тонг» жамоасида бирга тўп сурган барча акаларимга, уларнинг оила аъзоларига соғлик-саломатлик тилаб қоламан.



*УЧИНЧИ БЎЛИМ*

# «ТОНГ»ДАГИ ДЎСТЛАРИМ ВА ЖАМОАДОШЛАРИМ ПОРТРЕТЛАРИГА ЧИЗГИЛАР






Албатта, республикамиз футболи, қолаверса, «Тонг» жамоаси ҳақида гапирар эканмиз Биродар Абдураимов ҳақида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. У XX аср ўзбек футболининг энг ёрқин юлдузи.

Эркин Абдураимовнинг футбол оламидаги довруғини ҳамма билади. У ўйинларда 100 дан ортиқ тўп киритиб, республикамиздан биринчилардан бўлиб «Федотов клуби»га аъзо бўлганлардан. Унинг ўғли Азамат Абдураимов ҳам машҳур футболчи бўлиб етишди ва у ҳам узоқ йиллар отаси тўп сурган севимли «Пахтакор» жамоаси сафида, миллий терма жамоамиз сафида чиройли ўйинлар кўрсатиб, рақиб дарвозаларига кўплаб эсда қоларли тўплар киритган. Эндиликда мураббийлик қилиб келяпти.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Абдураимовлар спортчилар оиласи ҳамдир: ота ва ўғиллари Азамат, Жасур, Баҳодир – бир оиладан тўртта футболчи. Набираси Нигина Абдураимова катта теннисдаги номдор спортчиларимиздан. Эркин ака кўплаб мукофотларга сазовор бўлган. Булар ичида энг қадрлиси «Ўзбекистон ифтихори» унвонидир. Ҳақиқатан ҳам Эркин ака эл олдида катта ҳурматга сазовор бўлган инсонлардандир.

Мана шу инсон 1985 йилда Баҳодир Иброҳимов чет элга ишлашга кетганда «Пахтакор» футбол мактабини бошқарди, шунингдек, биз «тонгчи»ларнинг машқлари ва ўйинлари мана шу машҳур спорт-

чи раҳбарлигида ва шахсан ўзининг иштирокида ўтди. Ёшларига қарамасдан ўйинда шунақа финтлар қиларди, кучли зарбалар берарди, ажойиб ўйинлар кўрсатарди, буни кўриб ҳайрон қолардик.

Мураббийлик фаолиятида ҳам у катта муваффақиятларга эришди. 1992 йили «Навбаҳор» жамоаси Ўзбекистон кубогини қўлга киритди. Миллий терма жамоамиз, Фарғонанинг «Нефтчи», Голландиянинг «Витес» ҳамда «Нак» жамоалари иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро турнирда бош жамоамизнинг «Мустақиллик кубоги»ни қўлга киритишида ҳам, 1994 йилда миллий терма жамоамиз Осиё ўйинлари ғолиби бўлишида ҳам унинг хизматлари катта бўлди.

Албатта, биз «тонгчи»ларнинг ҳар биримиз мана шундай буюк ўзбек футболчи билан бир жамоада ўйнаганимиздан фахрланардик, буни билганлар, эшитганлар бизга ҳавас қилишарди.

Хуллас, қачон қараманг, Эркин аканинг атрофида спортчилар, артистлар, олимлар, тиббиёт ходимлари, оддий халқ вакиллари – ишчилар бўлишга ҳаракат қилишган. Эркин ака мана шундай халқ муҳаббатини қозонган инсондир. У ҳеч қачон бировнинг амалига, лавозимига, бойлигига қараб дўстлашмаган. Фақат футболни, ўзбек футболини чин дилдан севганлари учун, ҳақиқий футбол ишқибозлари бўлганлари учун улар билан дўст тутинган. Ва ана шу хислати орқали эл-юрт муҳаббатига сазовор бўлган. Халқимиз айнан мана шунақа мард, самимий юлдузларни севади. Биз «тонгчи»лар ҳам у кишини ҳамиша ҳурмат қилиб, олқишлаб келганмиз. У ҳозирда ҳам «Тонг» жамоасининг энг ҳурматли инсонларидан бири саналади.

Эркин аканинг характерлари оғирроқ, ҳозир ҳам ёшларникига ўхшайди. Ҳаттоки ўйин пайтларида қизишиб кетган пайтларимиз бўларди. Лекин кўнгли тоза, тез кечирувчан.

Ўзбекистон Футбол федерацияси президенти Мираброр Усмонов айтганидек: «Биз Абдураимов талантининг ишқибозлари, унинг футбол орқали миллионлаб ишқибозларни хурсанд қилиб келганидан фахрланамиз!»

## *Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ*



Мен бир футбол ишқибози сифатида Ахбор акани 1960 йиллардан буён биламан. Олдин радиода, кейинчалик телевидениеда футбол шарҳловчиси бўлиб хизмат қилган. Айниқса, биз – футбол ишқибозлари «Пахтакор» сафарга чиққанда унинг Москва, Киев, Тбилиси, Ереван ва бошқа шаҳарлардан олиб бериладиган репортажларини минг ҳаяжонда кутардик ва уларнинг овозларидаги кайфиятдан ким ютганлигини билмоқчи бўлардик.

Ахбор аканинг шарҳловчилик талантига машҳур шарҳловчилар Николай Озеров, Котэ Махарадзелар тан беришган. Менимча, бу овоз, репортажларни аниқ ва лўнда қилиб етказиб беришда ўз пайтида ҳам, ҳозир ҳам ягона ва бетакрор десам янглишмайман.

Ахбор ака тўлиқ маънода умрини спортга бағишлаган инсон. У – мураббий, педагог, журналист, республика тоифасидаги ҳакам, ҳамма вақт спорт ҳаётида фаол қатнашувчан. Уни барча жойда яхши кўришади, шунинг учун Ахбор ака Ўзбекистонимизнинг ҳар бир вилоятида энг азиз ва ҳурматли, суюкли меҳмон.

«Тонг» жамоасини Ахбор акасиз тасаввур қилиб бўлмайди. У ёшига қарамасдан югуриб-елиб бизнинг ўйинларимизга ҳакамлик қилардилар.

Қоидабузарларга жуда қаттиққўл эди, бундайларни олдин огоҳлантирарди, керак бўлса «сариқ», «қизил» карточкалар билан жазоларди, ўйиндан чиқариб юборишдан ҳам тоймасдилар. Бу борада кимнинг кимлигига қарамасди, ҳатто машҳур ўйинчилар ҳам бирдек жазоланарди. Чунки орамиздаги Ҳайдар Тўқсонов, Мавзур Умархўжаев, Алишер Аминов, Маъмур Назаров, Раҳим Набиев, В.Пегай қизиққон ўйинчилар эди-да.

Ахбор ака ўйинимизда ҳар доим тўғри ҳакамлик қилганлари учун ҳеч ким унга гап қайтармасди. Биз у киши билан доимо ғурурланамиз.

Ахбор акани спорт соҳасида, айниқса, футбол соҳасида қилган ишлари учун уни муболағасиз Ўзбекистон спорти афсоналаридан деса бўлади, Айниқса, бетакрор хушовоз билан футбол ўйинларидан олиб борган 40 йиллик репортажларини айтмайсизми...

Ахбор ака ёшлар тарбиясига ҳамиша катта эътибор билан қараб келмоқда. У қаерда бўлмасин – мактабдами, олий ўқув юртидами, меҳнат жамоаларидами, вилоятлардами, телевидение ва радиодами, уларнинг суҳбатларини орзиқиб кутишарди. Бунга



мен ўзим неча марта гувоҳ бўлганман. Масалан, Республика олимпия захиралари коллежига тез-тез келиб, қизиқарли суҳбатлар ўтказиб турарди. Айниқса, улар «Футбол – қувончим, дардим, фахрим» китоби тақдимотини ўтказганда тантаналар залига одам сиғмай кетганди.

У спортга, футболга оид тўққизта китоб ёзган. Ҳозирда эса жисмоний тарбия ва спортга бағишланган навбатдаги китоби нашрдан чиқиш арафасида. От изини той босар, деганларидек Ахбор аканинг ўғиллари Аброр, Зафар, набираси Диёр ҳам спорт журналистлари қаторига қўшилдилар. Бундай инсонларни пиру бадавлат дейдилар.

Ахбор акага ҳамиша соғлик-саломатлик, бахт, хотиржамлик, ишларида янги зафарлар тилаб қоламан. Ўзбекистонимиз спорти соҳасидаги хизматлардан ҳеч қачон чарчаманг!

## *Қосим ШОДИЕВ*



Ажойиб инсон, ўта хушчақчақ бу дўстим билан университетда ўқиб юрганимда танишганман. У шарқшунослик факультетида ўқир ва ҳинд ҳамда инглиз тилларини мукаммал биларди. Суҳбатлашганингизда билимдонлиги, серқирралиги билиниб турарди. У ҳам биз каби футболнинг ашаддий ишқибози эди. Бир вақтлар спорт соҳасига мутасадди эди. Айниқса, ўша пайтлардаги пахтакорчиларнинг муваффақиятли ўйинларида унинг ҳам ҳиссаси бўлган. У «Пахтакор»да ўйнайдиган барча ўйинчиларни яхши биларди. Футболга алоқаси

бор одам уни жуда ҳурмат қиларди. Унинг энг яқин дўстлари Э.Абдураимов, Б.Иброҳимов, А.Иноятовлар эди.

Юқорида айтганимиздек, «Тонг» жамоасини ташкил этилишида ҳам унинг ҳиссаси катта бўлган. Ўзи ҳам ҳужумда яхши ўйнарди, жамоамизнинг етакчи ўйинчиларидан эди.

Ўйинимизда унинг акаси Ҳакимжон, укалари Муталжон ва Рауфжонлар ҳам қатнашарди. Ҳазилкаш, қувноқ йигитлар эди. Энг қизиғи, Қосимжон «қизиллар»да ўйнаса, унинг ака-укалари Ҳаким ака, Муталжон ва Рауфжон «кўклар»да ўйнашарди. Майдонда «ака-укачилик» кетмас эди. Бир муддат улар бир-бирларини танимас эдилар. Қосимжоннинг шундай одати бор эди: Агар гол уриб қолса кўзларини катта очиб пирпиратганча: «Қойил, бопладимми? Қани сизлар ҳам шундай қила оласизларми?» деган маънода жамоадошларига ғурурланиб қараб қўярди.

Мен эса кўпинча Баҳодир ака билан «кўклар»да ўйнардим. Ўйин энг авжига чиққанда ҳимоячилар кўполлик қилса, мен Баҳодир Хожиевичга ҳуштак чалинг («свисточек») десам, у ҳуштак чалар ва шунда Қосимжон ўз жамоаси билан ҳакамнинг қарорига қарши туриб оларди. Шундан Баҳодир акага кейинчалик ҳам кўпгина дўстларимиз «Хожиевич – свисточек», деб ҳазил қилиб юришарди.

Ўйин бўлмаган кунлари онда-сонда йиғилиб қолганимизда ҳам Қосимжон ўзининг ҳазиллари, ўткир латифалари билан ҳаммани роса кулдиради. Ўзбек адабиётини, шеъриятини яхши билади. Ўзбек мумтоз ашулаларини мириқиб эшитишни хуш кўради. Унинг фазилатларидан яна бири – жуда ҳам меҳмондўст, оқибатли инсон. Дўстларига, устозларига қўлидан келадиган ёрдамини аямайди.

Биз бу дўстимиз билан ҳамон фахрланиб юрамиз.

Я рад, что судьба свела меня с этим замечательным человеком. Играя за «синих» в команде «Тонг», он поражал всех нас своей тактичностью и интеллигентностью. Будучи профессионалом, он никогда не делал замечаний, наоборот, всегда подбадривал. Элегантный, подтянутый, с ним было приятно общаться. Мы все, члены команды, знаем в каких тяжелейших условиях он, вместе с Э.Абдураимовым, сплотили сборную Узбекистана, которая с триумфом победила на Азиатских Играх в Хиросиме.

Рустам Акрамов – это несомненно явление, свежее веяние в узбекском футболе, основой которого являются глубокие теоретические и практические знания. Играя в «Политотделе», ташкентском «СКА» (кстати он является обладателем Кубка Узбекистана), тренировав сборную студенческую команду Узбекистана, детскую команду «ЦСКА» (Москва), сборную



Узбекистана, он накопил богатейший опыт. В свое время блестяще закончив институт физкультуры, аспирантуру в Москве, защитил докторскую диссертацию и возглавил кафедру футбола в институте. Им опубликованы десятки научных публикаций и книг в этой области.

Хочу вспомнить один из эпизодов, связанный с Рустамом Акрамовичем. Перед очередной игрой на стадионе, разминаясь вместе, он поделился со мной тем, что хочет подать в отставку с должности главного тренера сборной, объясняя это тем, что после трёх лет пребывания на этом посту, а это большой срок, неизбежно наступит спад результатов. Сейчас в сборной все налажено и надо дать возможность поработать другим. Казалось бы, другой человек, достигший такого феноменального результата, никогда на такое бы не решился. Но в этом весь Рустам Акрамов, один из тех кто работал не ради славы и зарплаты, а на совесть. Его талант с новой силой раскрылся на поприще советника Азиатской федерации и ФИФА. Сегодня он возглавляет научно-координационный центр по подготовке национальных сборных Узбекистана. Родина по достоинству оценила его труд, присвоив ему звание заслуженного тренера Республики Узбекистан. Он также награжден Золотыми значками азиатской федерации футбола и ФИФА.

Несмотря на все это, он остаётся скромным и отзывчивым человеком. Как-то раз я набрал по телефону номер Ахбор ака, и на мой вопрос «Где вы?» он ответил, что отдыхает на даче у Рустама Акрамовича, а он сам на работе. Оказывается, ежегодно, Рустам Акрамович приглашает Ахбор ака погостить на даче, создав все условия для хорошего отдыха. Это говорит еще об одной черте характера – об уважительном отношении к старшему поколению. Таков наш дорогой Рустам Акрамов!

У Қозиробод маҳалласида туғилган бўлиб, ёшлигидан футболга қизиқарди. Унинг суйган ўйинчилари Эдуард Стрельцов, Лев Яшин, Геннадий Красницкийлар эди. У қаерда ишламасин жисмоний тарбия ва спортни севибгина қолмай, уларнинг ривожига ҳар томонлама ёрдам бериб келган. Баланд бўйли, хушмуомала, доим юзидан табассум аримасди.

«Тонг» жамоамизда у ҳужумчи бўлиб ўйнар ва кўп тўп урарди. Ўйинда ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямасди. Ҳатто бир ўйинда тўп учун курашиб миллий терма жамоамиз мураббийи Рустам Акрамовга жиддий жароҳат ҳам етказганди. Дўстим жамоага келиб тез обрў қозонди ва кейинчалик жўрабоши бўлди. Қаерда бўлмайлик у қизиқ-қизиқ суҳбатларни, ҳангомаларни қойиллатиб айтганча ҳаммани кулдириб юрарди. Яхшигина овози ҳам бор эди. Бир кайфияти келиб қолса шеърлар, ашулалар айтиб қоларди.



Айниқса, ўша юртларда ишлаганда ўрганган украин, белорус ва рус ашулаларини яхшигина ижро этади. Ажойиб оиласи бор: икки қиз, икки ўғил, тўрт набира.

## *Абдураҳмон МАНСУРОВ*



Абдураҳмон Ядгарович мақсадга ўта интилувчан ва ўта тўғрисўз инсон. Шунингдек, ўзини ҳар қандай вазиятда тута оладиган, хотиржам, иқтисод ва сиёсат соҳасида кенг қамровли билимга эга.

«Тонг» жамоасида у ҳимоячи бўлиб ўйнарди. У ҳам барча ҳимоячилар сингари жисмонан бақувват, чидамли, ўйинни берилиб ўйнарди. Ҳамиша ҳалол ўйнашга ҳаракат қиларди. Агар унга ҳакам ноўрин муомалада бўлса, у тортишиб қоларди, ҳатто ғижиллашиб қолишдан ҳам тоймасди. Аммо ўйиндан кейин ҳеч кимдан ўпка-гина қилиб ўтирмасди.

Дўстим ҳамиша одамларга ёрдам беришга ошиқади. Кўплаб «тонгчи» дўстлари буни яхши билишади. У футбол билан бир қаторда катта теннисни ҳам яхши ўйнайди, ҳатто бу борада турли мусобақаларда ҳам қатнашиб келган.

У ҳар қандай жиддий мавзуларда суҳбатлаша оладиган ва бу борада суҳбатдошини зериктириб қўймайдиган ажойиб инсон.

## *Пўлат НОСИРОВ*



Мен Пўлатжон дўстимни эсласам, ҳар вақт бир фикрга келаман – биз қандай даврда яшаганмиз ва яшаяпмиз. Айниқса, юртимиз мустақиллиги даврида у каби инсонларни Ўзбекистон иқтисодиётига, сиёсатига қўшган ҳиссаси, кучи, ғайрати, улуши катта бўлди. У ҳақиқатан ҳам инсонпарвар, юртпарвар инсон эди. Иқтисод фанлари доктори ва профессор сифатида Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига ўтишига катта ҳисса қўшди. Унинг бу борада кўплаб асарлари, шогирдлари бор.

У ЎзФА қошидаги Иқтисодиёт институтида, мен эса Фалсафа ва ҳуқуқ институтида ёнма-ён ишлардик ва шунда анчайин қалинлашиб қолгандик. Биноларимиз бир жойда – Академиклар шаҳарчасида эди. У инсон ўзининг камтарлиги, одамийлиги, мардлиги билан ажралиб турарди. Ҳар бир нарсани чуқур ўйлаб амалга оширар, суҳбати ширин, мақсад ва ниятлари ва амалий ишларининг барчаси Ўзбекистонимизнинг тараққиётига қаратилган бўларди. Шу билан бирга дўстлари ҳурматини ҳам жойига қўярди, виждонли, ҳатто ўзига зарари тегса ҳам ҳар бир масалани адолатли ҳал этарди. Мен бу инсон суҳбатларини мириқиб эшитардим ва улардан кўп нарсаларни англаб етардим.

Йигит кишининг бошига оғир кунлар ҳам тушиб туради, шундай кезларда ёнингда ҳамдард, ҳақиқий дўстинг бўлса қийинчиликларни енгиб ўтиш осонроқ бўлади. Футбол майдонида тўп тепиб юрагимизни анчайин енгиллатган кунларимиз ҳам бўлган. Мана шундай Пўлатжон учун оғир бўлган кунларнинг би-

рида Баҳодир Иброҳимов: «Юринг, дўстим, бир водийларни айланиб, сайр қилиб келайлик», деб уни водий сафарига олиб кетган. Шоҳимардонга бориб, ўша ердаги дўстлар билан учрашиб, анча кайфияти кўтарилиб келган. Шунинг учунми, Пўлатжон ҳамиша Баҳодир акадан хурсанд бўлиб гапириб юрарди.

Пўлатжон инсон ҳаётидаги барча муаммолар билан қизиқиши ва бу борада муттасил, тинимсиз изланишлари натижасида катта ҳурматга сазовор бўлган олимлардан бўлиб, у ҳозирги замон иқтисод фанига катта ҳисса қўшди. У ўзбек мумтоз адабиётини ҳам яхши биларди. Қўшиқлар эшитишни ва ўзи ҳам айтишни яхши кўрарди. Айниқса, давраларда дўстлар билан ўтирганда ўзбек миллий куйлари ва итальян қўшиқларини яхши кўриб айтарди. Тили жуда нозик, юморга бой эди.

Дўстимнинг ва меҳрибон турмуш ўртоғи Умидахоннинг ҳавас қилса арзийдиган Одилжон ва Иброҳимжон исмли ўғиллари, Ҳилолахон, Камолахон ва Азизахон исмли қизлари бор.



Пўлатжон оламдан ўтгандан кейин биз унинг олийжаноб укаси Бахтиёржонни даврамизга таклиф этдик. У киши ҳам акасининг йўлини олган катта олим – иқтисод фанлари номзоди. Биз билан тезда иноқлашиб кетди. Биз эса ҳар гал уни кўрганимизда Пўлатжонни қайта кўргандек бўламиз.

## *Аҳрор АҲМЕДОВ*

Бизнинг футболдаги ашаддий рақибимиз. Ўша даврларда биз вилоят маданият ходимлари касаба уюшмаси томонидан уюштириладиган турнирда қатнаша бошладик. Мақтаниш эмас, жамоамиз ушбу турнирда уч марта биринчи ўринни, бир марта иккинчи ўринни олди. Ўшанда Аҳроржон «Шарқ» нашриётида ишларди ва «Шарқ» жамоасининг бош мураббийи ҳамда ўйинчиси эди. Иккала жамоа финалда рўбарў келди. Ўйин шундай қизғин ва кескин ўтдики,



устунлик гоҳ бизда, гоҳ уларда эди. Ахири биз жанжал-тўполон билан ютдик. Шунда мен Аҳроржон билан яқиндан танишиб, дўст, ака-ука бўлиб кетдик. Ажойиб, камтарин инсон. Спорт журналистикаси соҳасида энг билимдонлардан бири. Гоҳида «Тонг» жамоаси машғулотларига келиб, ўйинларимизни кузатиб турарди. Ўйин тугагач эса яқин келиб, қадрдонларча сўрашарди. Менга «Ўйинларинг жуда бешафқат-а», деб ҳазиллашиб ҳам қўярди. Мен биламан, у спорт соҳаси журналистларига ва ёзувчиларига ношир сифатида ҳеч вакт ёрдамини аямайди. Спортга, айниқса, футболга оид турли китобларнинг кўплаб нашр этилишида Аҳроржоннинг хизматлари катта.

Бундай инсонлар билан суҳбатлашсангиз маза қиласиз. Аҳроржон Аҳмедов айнан шундайлардан биридир.

## *Абдуманноп ТОШПЎЛАТОВ*



Абдуманноп Тошкентнинг Қумлоқ маҳалласида туғилган. У мактабда, маҳаллада футбол ўйинига ишқибоз бўлган. Ҳаммасидан қизиғи шундаки, унинг дарвозабонлик қилишига Эркин Абдураимов сабабчи бўлган. Унинг айтишига қараганда, Эркин ака уларнинг маҳалласида яшайдиган опасиникига келганда уларнинг каттагина гаражлари эшигини очиб қўйиб, уни дарвозага турғазиб, ўзи унга тўп тепаркан.

Шуни ҳам айтиш керакки, трактор йиғиш заводи ўрнида кейинчалик ҳашар йўли билан футбол

майдони қурилган экан. Ана ўша майдонда Исаак Вольшанский (мураббий) ёш пахтакорчиларни машқ қилдирган. Айни шу жамоада Аҳрол Иноятов, Тоҳир Тўраев каби футболчилар (пахтакорчилар) футбол сирларини ўрганишган экан. Мана шу мураббий маҳалла ўйинчиларининг баъзиларини ажратиб олади. Бу болалар шаҳардаги 28-мактабда ўқишарди. Улар орасида Содиқжон Қосимов ва Абдуманноплар ҳам бўлишган. Мураббий ажратиб олган синф болаларини ўзи машғулот ўтказаётган жамоа таркибига киритади ва улар шаҳар биринчилигида қатнашади. Ҳатто ўша йиллари бу мусобақаларда биринчи, иккинчи ўринларни олишган.

Бир куни машҳур ўзбек футболчиси Акмал Азизхўжаевнинг укаси Аброр уларнинг жамоасини Олимпия захиралари интернати футболчилари билан ўйнатади. Ўша пайтларда интернат жамоаси таркибида Владимир Федоров, Михаил Ан каби ёш ва иқтидорли ўйинчилар бўлган. Қарангки, ўйин шартига кўра қайси жамоа ютқазса ютган жамоага тарвуз олиб беришлари керак бўлган. Ўшанда дўстимнинг жамоаси 4:1 ҳисоб билан ғолиб келганди. Ҳаммаёқда шов-шув бўлиб кетган. Шунда интернат директори муовини келиб: «Йигитлар бу тўғрида ҳеч кимга айтманглар, агар яна биз билан ўйнамоқчи бўлсаларинг мен сизларга автобус юбораман», деган экан.

«Тонг» жамоамизда Абдуманноп дарвозада жуда ҳам яхши турарди, ўзини аямасди, ўз жамоасининг ютқазишини ёмон кўрарди. Лекин дўстларига ҳамма вақт унинг ҳурмати баланд эди.

Ҳозирда унинг икки қизи, икки ўғли ва икки набираси бор. Ўзлари фермерлик қилади, 30 гектар боғи бор. Меваларини ҳаммамизга тарқатиб юради. Шуни айтса керак-да, яхшидан боғ қолади, деб...

## *Анвар ТУРСУНОВ*



Анваржонни ёшлигимдан танийман – бир маҳаллада туғилганмиз ва яшаганмиз. Кейинчалик машъум Тошкент зилзиласидан сўнг 1966 йилда бизга ҳозирги «Марказ–13»дан жой берганда ҳам бир уйда ёнма-ён йўлакда турганмиз. Ота-оналари жуда ҳурматли инсонлар эди. Қўшничилик, маҳалладаги тўйларда, йиғинларда, ҳашарларда тез-тез кўришиб турар эдик. Кейинчалик иккимиз ҳам оилали бўлиб, бир-биримиздан узоқда турсак-да, барибир тез-тез кўришиб турардик.

Бизнинг ёшлик пайтларимизда, асосан, икки хил спорт турига қизиқиш катта эди. Бири футбол бўлса, иккинчиси бокс эди. Маҳалламизда турадиган моҳир боксчилардан Ботир Усмонов, Мирсолиҳ Сагатов, Володя Шапар, Леонид Турбанов кабилар тилга тушганди. Анвар боксни танлаб, республика миқёсидаги, ҳатто халқаро мусобақаларда ҳам муваффақиятли қатнашган.

Замона зайли билан йиллар ўтиб, биз яна «Пахтакор» ўйингоҳида – тонгчилар сафида учрашдик. Ўша пайтга келиб, битта идорада ишлай бошлагандик. «Тонг» жамоасида ҳам битта жамоада ўйнардик.

У жисмонан бақувват, тез югура оладиган, майдонда тиним билмай, жуда куюнчаклик билан астойдил ҳаракат қиларди. Шунинг учун у ва у кабиларнинг ҳаракати билан кўпинча ютуқ бизда бўларди. У яна Бешёғочдаги физкультура диспансери футбол жамоасининг ҳам фаол қатнашчиси эди. Сергей Татур ўз китобини дастхати билан Анваржонга топшир-

ганда шундай сўзлар ёзган эди: «Дорогому Анвару Акрамовичу, наводящему шорох в рядах «красных» и цементирующему оборону «синих» с пожеланиями счастья и с любовью!»

Мана, орадан йиллар ўтса ҳам Анвар Акромович ҳеч ўзгармади, ҳамиша камтарин, хушчақчақ, ҳозиржавоб. Улфатлар ичида биронтамизнинг туғилган кунимиз бўладими, бошқа хурсандчилик тадбири бўладими, энг биринчилардан бўлиб хабар олади, табриклайди. Ён чўнтагида дафтарчаси бор, унда ҳар бир дўстининг туғилган санаси бор, ўзи ҳам жуда меҳмондўст одам.

Рафиқаси Азизахон ажойиб аёл эди. Худо ўз раҳматига олган бўлсин! Унинг фарзандлари, кўплаб набиралари бор. У ҳамма вақт онасига, отасига, опасингилларига жуда ҳам меҳрибон инсон.

## *Абдуманноп АБДУВОСИҚОВ*



Абдуманнопни биз Ботир деб ҳам атардик. Уни Анвар Содиқов «Тонг» жамоамизга олиб келганди. У асли самолётсозлик заводидан чиққан, муҳандис. Баланд бўйли, келишган, бақувват йигит эди. Лекин гаплашсангиз мулойим, ҳар вақт уялгандек қимтиниб турарди. У ҳам ёшлигидан футболнинг ашаддий ишқибозларидан бўлган экан. Майдонда серҳаракат эди, яхши ўйнарди. Аввалига жамоамизга сингиб кетиши қийин бўлди. Кейин яхши киришиб кетди. Хатони, ютқазишни ёмон кўрарди. У қаерда бўлса ҳам ўйинга барвақт етиб келарди. «Қизиллар» жамоасининг ашаддий ўйинчиларидан

эди. Кейинчалик жамоа етакчисига айланди. Гоҳида гол урганда (бундай ҳолатлар кўп бўларди) «Кто выше, тот капитан», деб «кўклар»ни мазах қиларди. Лекин у қаерда ва қайси лавозимда ишламасин, ҳеч қачон ўзини бошқалардан устун қўймасди. Оддий, хушмуомала, камтарин инсонлигича қолган эди. Қаерда ишламасин, умрининг охиригача ҳалол меҳнат қилди.

Ўша даврларда ёш бўлишига қарамасдан республика, шаҳар, туман ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишларди. Аммо ўзининг бу салмоқли меҳнатлари ҳақида ҳеч гапирмасди. Шунинг учун биз дўстлари унга ҳавас билан қарардик ва уни жуда қадрлардик.

У Ғазалкентда, Олмалиқда ишлаганида спортга жуда катта эътибор берган, айниқса, ўзи севган футболга. Унинг саъй-ҳаракатлари билан ўша ерлардаги футбол ўйингоҳлари янгиланди, вилоят, республика миқёсида «Ғазалкент» ва «Олмалиқ» жамоалари яхши натижаларга эришди. У ерларда ишлаган даврларида биз дўстларини – «тонгчи»ларни ўртоқлик учрашувларига таклиф этарди. Э.Абдураимов, Б.Иброҳимов, В.Солохо, Р.Акрамов, Н.Нортожиев ва бошқалар уни жуда ҳурмат қилишарди. У томондан ташкил этилган ўйинлар «футбол шоу»ларига айланиб кетарди, ўйинга минг-минглаб томошабинлар йиғиларди. Бу ўйинларнинг танаффус пайтларида Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров, республикада хизмат кўрсатган артист Козим Қаюмов ва бошқа санъаткорлар ўз чиқишлари билан мухлисларни янада хушнуд этишарди. Ана шундай пайтларда Ботиржон ўзини бахтли сезар, хурсандчилиги юзу кўзларидан билиниб турарди. Ҳатто Ботиржон гулдурос қарсаклар остида ўзи ҳам майдонга тушиб, маҳаллий футболчилар сафига қўшилиб кетарди.

Ҳозиргидек эсимда, бизни Чорвоқ денгизи бўйида меҳмон қилганлари. Ўзи эса бир зум ўтирмасдан хизмат қиларди. Унинг бу муруввватлари ҳанузгача

барча жамоадошларининг кўзи олдида. Афсуски инсон умри қисқа экан. Ёш, келажаги порлоқ Ботиржон эрта оламдан ўтди. У уч-тўрт кун бурун, узоқдан бўлса-да келиб, биз билан футбол ўйнаб, ҳатто иккиучта гол уриб, хурсанд бўлиб кетганди. Ким бундай бўлишини ўйлабди, дейсиз. Уч кундан кейин эски ТошМИга ётқизишган экан. Эшитиб, зудликда кўришга рафиқам Нафисахон билан бордик. Аммо шифокорлар бизни палатага қўйишмади, фақат турмуш ўртоғи Малоҳатхон билан гаплаша олдик, холос. Афсус, эртасига совуқ хабарни эшитдик...

Ботиржоннинг ажойиб рафиқаси, Алишер ва Зафар исмли ўғиллари, набиралари бор. Биз уларнинг тўй-ҳашамларида ҳамиша бирга бўламиз.

Шунда яна бир бор Ботиржонни эслаймиз. Ботиржоннинг ўзи бир олам эди. Дўстимизнинг жойлари жаннатда бўлсин!

## *Содиқжон ҚОСИМОВ*

Бу ажойиб дўстимиз ҳам «Тонг» жамоасига 1981 йилда келган эди. Уларнинг ҳовлилари Дегрез (асли Ҳастимом) маҳалласида жойлашган. У билан майдонда танишганмиз. У хушфеъл инсон, камтарин, катта олим эди. Уйларида, тўйларида кўп бўлганмиз. Оталари ҳурматли Собир домла халқ хўжалиги инс-



титутида ишларди. Абдуворис акамга ҳам у киши таълим берган. Домланинг шогирдлари кўп эди.

Содиқжон ўша пайти ҳамма болаларга ўхшаб маҳаллада футбол ўйнашни яхши кўрарди. У, ҳатто тракторсозлар заводи жамоасида Исаак Вольшанский мураббийлигида тўп сурган. У бизга қўшилгач, «Тонг» жамоаси аъзолари билан тез киришиб кетди. Биз унга қойил қолардик: майдонда қандай вазият бўлса ҳам у ўзини босиқ, тинч тутарди. Ўйинлари ҳам футбол мактабини кўргани учунми, техник жиҳатидан жуда яхши эди. Айниқса, унинг зарбаси кучли эди, шерикларига тўпни ҳар доим ўз вақтида ва аниқ узатар эди.

Кейинчалик биз дўстлашиб кетдик, тез-тез учрашиб турадиган бўлдик. Йиғинларимизда ҳам мавзу футболга келиб тақалаверарди. Дунё футболини, «Пахтакор» ўйинларини, охирида эса ўзимизнинг «Тонг» жамоаси ўйинларини муҳокама қилардик: ким кимни қандай қилиб ютди, қандай гол урилди, ким ғирромлик қилди... Ўйиндан кейин ютқазган жамоа тезда кийиниш хонасига кириб кетарди, ғолиблар майдонга ўтириб, ҳозиргина тугаган ўйиндан олган таассуротларимизни ўртоқлашардик. Сўнг ювиниб-тараниб, яхши кайфият билан ишга кетардик.

Орамизда бир-биримизга бўлган ҳурмат, дўстлик кучли эди, керагида бир-биримиздан маслаҳатлар олардик. Масалан, Содиқжон ўғлим Отабекка йўналиш танлашида ўзининг яхши маслаҳатларини, ёрдамларини берган. Ҳозир ўғлим Хитойда докторлик диссертациясини ёқлаш арафасида. Бунақа мисоллар жуда кўп.

Содиқжоннинг 4 та фарзанди – 2 ўғил, 2 қизи, 12 нафар набираси бор. Ўзбекларда бундай инсонни пиру бадавлат инсон дейишади. Содиқжон ҳозиргача тўп суради, от минишни ҳам яхши кўради, оиласи ва фарзандлари билан табиат бағрига чиқиб дам олишни хушлайди.



Футболчи сифатида тезкор ва шиддатли. Айниқса, боши билан чиройли голлар урадди. Мен у киши билан жуда дўстлашиб қолгандим, шунинг учун кўпинча битта жамоада ўйнардик, гоҳида бирбиримизга қарши тўп сурган пайтларимиз ҳам бўлган.

Ўғлим Отабек Жаҳон дипломатияси ва иқтисоди университети қошидаги гимназияда ўқиган йиллари Америка Қўшма Штатларига бир гуруҳ дўстлари билан борганларида ўша ердаги оилаларда яшаганлар.

Бир куни ўғлим қўнғироқ қилиб, дастурга кўра эртага Ўзбекистон элчихонасида учрашув бўлишини айтди. Шунда унга, у ерда Содиқжон аканг ишлайдилар, мендан унга салом айтгин, дедим. Тез орада саломимга жавоб келди. Болаларни элчихонада яхши кутиб олишибди, ҳатто биргалашиб суратга ҳам тушишибди.



Содиқ Сафоев маданиятли, билимдон ва камтарин инсон. Хизматлари тўғрисида ҳеч қачон гапирмасди. У ўзининг самимийлиги, одамийлиги, мардлиги билан дўстларининг ҳурматига сазовор бўлганди. Агар бирон кишининг бошига иш тушса, тезда унга ёрдам қўлини чўзарди. У мана шундай меҳрибон, яхши ниятли одамлар сирасига киради.

У футболни жон-дилидан севади. Унинг футбол ҳақидаги, футболнинг келажаги ҳақидаги фикрларини эшитиб ҳамиша қойил қолардик.

У ҳозир ҳам озгина вақт топса, «Тонг» жамоасидами, «Бунёдкор» жамоасидами ёки бошқа фахрийлар жамоасидами футбол ўйнашни сира канда қилмайди.

## *Абдужаббор АБДУВОХИТОВ*



Страстный любитель футбола, бывший футболист, может играть на любой позиции, часто идет в нападение. Но главное ампула – защитник, его очень трудно пройти. О нем очень хорошо написал один из лучших специалистов футбола профессор, доктор педагогических наук Рустам Акрамович Акрамов. В игре очень азартен, порой слишком, не любит проигрывать, часто спорит с судьями. Но в жизни милейший добрейший, спокойный человек.

Абдужаббор наш уважаемый друг, сосед по дружной махалле «Бўстон» по улице Ал-Хоразми. Готов всегда помочь соседям советом и делом, поддержать

добрым словом. У него прекрасная семья, двое сыновей и внуки.

Где бы он не работал уделяет большое внимании спорту, к примеру в Вестминистерском университете благодаря ему, культивируется много видов спорта: шахматы, баскетбол, волейбол, футбол и другие. По рассказом студентов он увлеченно и азартно по мере свободного времени играл с молодёжью в футбол, устраивал соревнования, они с большим уважением вспоминают эти годы.

Где бы он не находился он и сейчас постоянно играет в команде группы здоровья «Тонг», на Чигатае, в команде ветеранов «Бунёдкора». Выступая за эту команду он стал обладателем кубка города Ташкента. Вместе с ним в этот кубок завоевали его друзья по команде Тимур Крук, Бахтияр Азизов, Садик Сафаев, Рахмидин Зикрияев и др.

Среди футбольного сообщества пользуется большим уважением и они желают ему здоровья и успехов в работе.

## *Ўрозбой МУСАБОЕВ*

У жамоада ўзининг кескинлиги, шижоати билан ажралиб турарди. Ашаддий тўпурар ҳужумчи эди. Ютқазишни сира хуш кўрмасди. Спортнинг ашаддий ихлосманди бўлиб, Тошкент вилояти фахрий футболчилар жамоаси аъзоси эди. Майдонда шиддаткор бўлса-да, ҳаётда олийжаноб, хушмуомала эди.

Укам Бахтиёр Юнусободнинг «Отчопар» маҳалласига кўчиб келганда дарвозаси у кишиники билан рўпарама-рўпара келиб қолибди. Бу ҳақда йиғинга айтилган қўшнилар ичида кутилмаганда дўстим Ўрозбойни учратиб билдим. Уни кўриб роса хурсанд

бўлиб кетдим. Ўрозбой маҳаллада катта ҳурматга эга экан, кимникида тўйими, ҳашарми бўлса ҳеч қачон хизматини аямас экан.

Ҳозир Ўрозбой собиқ пахтакорчи Шамил Яфаров, Олим Оқилов (уни Гарринча дердик)лар билан «Геофизика» стадионида машқ қилишади.

Шу ўринда яна бир дўстимиз тўғрисида айтиб ўтай, бу – Искандар Рашидов, унинг отаси машҳур академик Турсунбой Рашидов бўлиб, у киши ҳам футболга ўта ишқибоз эди. Болаларига ҳам футболга ҳавас, муҳаббат улардан ўтган. Бир ўғли «Пахтакор» дарвозасини ҳимоя қилган Анвар Рашидов.

Искандар ўзига хос хулққа эга эди. Жуда чиройли ўйнайди, техникаси баланд. Ҳозирда катта фермер. Қибрай туманидаги хўжалигида буғдой, макка, арпа ва полиз маҳсулотлари етиштиради. Мен ўша томонларга борганимда учрашиб турамиз. Кўнгли очиқ, меҳмондўст йигит.





5–3877

У билан «Тонг» жамоасида танишганмиз. Ажойиб характерли инсон бўлиб, ўзининг ўта хушчақчақлиги билан ажралиб турарди, ўйинда жуда тез югурарди ва кўпинча чиройли голлар урарди. Бора-бора тез-тез кўришиб, дўстлашиб кетдик.

Шуни ҳам айтишим керакки, бўш вақтларимизда Анҳор бўйидаги «Моржлар клуби»да бўлардик. Йилнинг қайси фасли бўлмасин у ерда чўмилардик, бадминтон, шахмат ўйнардик. Бу ўйинда яна бир дўстимиз Сайфиддин Эшонов қатнашарди. У киши ҳам «Тонг» жамоаси аъзоси эди. Оғир қоматли, «кўк»ларнинг моҳир дарвозабони эди. Уларнинг шахмат ўйинини кўриб, роса маза қилардим. Иккаласи ҳам ютқазишни ёмон кўришарди. Шундай ҳолатлар бўлардики, ютқазганда Сайфиддин ака индамасдан шахмат тахтасини ағдарворарди. Азамат ютқазса, яна ўйнаймиз, деб ундайверарди. Мен улардан анча бўш ўйнардим, лекин ютиб қолсам бўлди, бошқа (улар талаб қилишса ҳам) ўйнамайман, дердим. Азаматнинг акаси Толмас ака «Ўзмахсусводренаж» трестининг



бош муҳандиси эди. «Пахтакор» стадионини реконструкция қилишда у кишининг катта ҳиссаси бор. Ўшанда мен бу инсон билан танишганман.

Биз Азамат, Сайфиддин ҳамда бошқа дўстларимиз билан тез-тез учрашиб турамиз. Азаматда тўрт қиз, бир ўғил, етти невара, Сайфиддинда эса бир ўғил, икки қиз, тўрт невара бор. Бахтимга дўстларим омон бўлсин. Улар самимий ва ажойиб инсонлардир.

## *Гелий СОГОНОВ*




Гелий уже в школьное годы в составе команды «Радуга» занял первое место среди детских команд на призы газеты «Пионер Востока». Он играл за юношескую команду »Динамо» за Гулистанский «Пахтачи», участвуя в соревнованиях на первенство города и республики среди молодежи, был избран капитаном команды. Энергичный, прекрасный организатор, профессионально разбирающийся во всех тонкостях футбола в 1980 году был избран председателем Федерации футбола республики. Особое внимание на этом поприще он уделял развитию детско-юношеского футбола. О нем и сейчас с большой теплотой вспоминают известные педагоги Гурам Дараселия, Юрий Госпадарчук и другие специалисты воспитавшие плеяду прекрасных футболистов. Г.Согонов особенно гордится,

что ему пришлось работать с заслуженным тренером Узбекистана Сергей Арутюновичем Арутюновым. Ему как председателю федерации было легко общаться как со специалистами так и кумирами футбола конца 60-х и начала 70-х годов.

В 1981–1985 годы успешно взаимодействовал с тренером команды «Пахтакор» Иштваном Секечем. Он всегда с теплотой вспоминает всех игроков «Пахтакора» и тренерский состав Галимзяна Хусаинова, Якова Арановича, Вячеслава Кольцова, начальника команды Добина Шегая, члена президиума Федерации заслуженного работника культуры Якова Якубова.

Большое внимание уделял поддержке ветеранов футбола и в частности команды «Пахтакор», который принимал участие в различных турнирах и матчевых встречах во всех регионах страна и за рубежом.

В августе 2000 года в Ташкенте прошел турнир команд ветеранов, посвященный памяти команды «Пахтакор», погибшей в авиакатастрофе в 1979 году.





В нём активно участие принял Г.Согонов. Его организатором и вдохновителем также была супруга погибшего тренера Идгая Борисовича Тазетдинова – Алла Сергеевна. Участники трехдневного турнира были команды ЦСКА (Москва), «Динамо» (Киев), «Кайрат» (Алма-Ата), «Пахтакор» (Ташкент). Болельщики трех городов – Ташкента, Алмалыка и Джизака смогли насладиться игрой известных футболистов, игроков известных футбольных клубов. Главный приз турнира завоевала команда «Пахтакор», победив в решающем матче команду ЦСКА со счетом 4:3. Это был настоящий праздник футбола.

Г.Согонов играл за ветеранские команды «Пахтакор», сборную, а также и в команде «Тонг». У него техничная и мягкая манера игры. Человек высокой культуры, душевного обаяния, обладает тонким юмором. Кстати, Гелий в команду привёл заслуженного мастера спорта по горнолыжному спорту Тягачева Леонида Васильевича. Тогда Лёня участвовал в строительстве горнолыжной трассы в урочище Чимган. Он играл за «красных» и отличался крепкими физическими кондициями и высокой скоростью.

Друзья по команде относились к нему с большим уважением. Л.Тягачев возглавлял федерацию горнолыжного спорта, Олимпийский комитет, в настоящее время является членом Совета Федерации России. Несмотря на то, что Гелий уехал в Москву, он не прерывает дружеских связей с Ташкентом, тем более, что здесь живут его родственники и многочисленные друзья. Свое 60-летие он провёл здесь. На юбилее было много гостей, конечно же, и друзья из «Тонга». Приехал из Москвы и Леонид Тягачев. Юбилей прошел очень хорошо и весело, в чем немаловажная роль принадлежит самому близкому другу Гелия Леонидовича – Абдулле Курбановичу Нугманову.

От имени всех друзей и близких, а также его родной команды «Тонг» желаем ему доброго здоровья, счастья и долгих лет жизни.



## *Раҳим МЎМИНОВ*



Бу инсон собиқ пахтакорчилар сафида ҳимояда ўйнаган, ҳақиқий профессионал футболчи бўлган. У «Тонг» сафида «фахрийлар» жамоасида фаол қатнашарди. «Қизиллар» томонида ўйнарди. Унинг ҳимоясини унчамунча футболчи ёриб ўтолмасди. Ўзи ҳам ўйин пайтида тез-тез ҳужумга ўтиб турарди, хавфли ҳолатлар яратарди, қолаверса, рақиб дарвозасига муҳим тўпларни урарди.

Ҳаммамизнинг у кишига ҳурматимиз баланд эди. Ёшлар, ўсмирлар терма жамоасига мураббийлик ҳам қилган. Уч ўғли, бир қизи бор.

Умуман, бу оилани футболчилар оиласи десак бўлаверади. Акалари Озод ака, укалари Илҳомжонни яхши танирдим. Уларнинг уйларида биз «тонгчи»лар кўп бўлганмиз. Турмуш ўртоғи Гулраънохон доимо бизни табассум билан кутиб оларди. Ўғли Алишер ҳозирда ЎзФФда фаолият кўрсатяпти.

Биласиз, ўйинда ҳар хил вазиятлар бўлади. Ахир ким ҳам ютқазишни ёқтиради? Бир куни мен ўйин пайтида Раҳим акага нисбатан қизишиб кетдим. Ўйиндан кейин кийиниш хонасида у кишига узримни айтиб, бўлиб ўтган гина-кудуратларни унутиб, яна қадрдонларча хайрлашдик. Бизнинг дўстлигимиз у кишининг умрини охиригача давом этди. Ушбу китобни тайёрлаш жараёнида бир нарса кўнглимдан ўтди, агар ўша пайтлари қизиққонлик қилиб, кимнидир дилини ранжитган бўлсам, яна бир бор узр сўрайман.

Ҳозир Раҳим ака орамизда йўқ. Жойлари жаннатда бўлсин!

## *Тўлаган ИСОҚОВ*



Тўлаган Исоқов билан 1968 йилда танишганмиз, бир маҳаллада турардик. Биз турган «Марказ-13»даги уйлар 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин қурилган эди. Уйларимиз қарама-қарши жойлашганди. Мен ўша даврларда «Пахтакор»нинг ашаддий мухлиси бўлиб, ҳар бир ўйинни маҳалладаги дўстларим билан биргалашиб ўйингоҳга бориб кўрардик. Тўлаган Исоқов билан маҳалладош бўлганим учун, айниқса, унинг ўйинларини, финтларини, тўп оширишларини, гол уришларини, қўрқмасдан рақиб дарвозаси томонга икки-уч ўйинчини алдаб шиддат билан кириб боришларини бутун вужудим билан берилиб томоша қилардим.

Сира кўз ўнгимдан кетмайди, унинг отаси Ўлмас ота бақувват, оппоқ соқоллари кўксига тушиб турган, бошига андижонча дўппи, эгнига доим оқ рангли кийимларни кийиб юрадиган киши эди. «Пахтакор» ютганда ҳаммадан кўп хурсанд бўларди ва бу билан ғурурланиб юрарди, кейин бу борада кўпчилик билан қизғин фикр алмашарди.

Т.Исоқов билан олимпия терма жамоамиз Малайзияга сафарида бирга бўлганмиз. Ўшанда ҳам футбол тўғрисида кўп гаплашганмиз. Шуни ҳам айтиш керакки, ўғли Умиджон 16 ёшлилар орасида Қатарда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида қатнашган эди.

Йиллар ўтса ҳам қобилият йўқолмас экан. Тўлаган Исоқовнинг «Тонг» жамоасидаги ўйинларини кўриб келганим учун бу гапни айтяпман. Унинг ўйинларига бу ерда ҳам қойил қолмасликнинг иложи йўқ эди.

Ҳозир ҳам Тўлаган билан тез-тез учрашиб турамиз. У ўз фаолиятини футбол фахрийлари жамоасида давом эттирмоқда.

## *Акбар МИРЗАЕВ*



У орамизда барчанинг ҳурматига сазовор инсон бўлган. Ёшлари катта бўлса ҳам футболни жуда яхши кўрарди. Тўғри, бизнинг ўйинларимизда майдонда ўрта ёшдагилар қатори кекса ёшдагилар ҳам бўларди. Шунинг учун гоҳида кимлардир: «Акбар ака, коптокка етолмадингиз, ёки тўпни тўғри узатмадингиз», дейишса, у ҳазиллашиб: «Лекин минг чопганларинг билан менга ўхшаб ҳеч қачон тўпурар бўлолмайсизлар», деб жавоб қиларди. Ҳақиқатан, керак пайтида ажойиб голлар урарди.

Унинг Кўкчадаги ҳовлиларига кўп борганмиз. Ўзи болалар шифокори эди, дўстларни жуда яхши кўрарди. Бўш пайтларимизда бирма-бир қўнғироқ қилиб чақирарди ва биз – меҳмонларга ўз қўллари билан ширин-ширин таомлар пишириб берарди. Ажойиб оилалари ва фарзандлари ҳамиша бизни хурсандчилик билан кутиб оларди. Футболдан ташқари, нардани яхши ўйнарди, ҳаммани ютарди, айниқса, Баҳром Ғафуровга қараб: «Олдин бу ўйинни ўрганинг-да, кейин тўп тепинглар», деб кўп ҳазил қиларди.

Бу инсон ҳаммамизни ҳурматимизга сазовор бўлган, кимга оғадек, кимга отадек эди, ҳеч қачон хотирамиздан чиқмайди.

Алишерни «Тонг» жамоасига Козим Қаюмов олиб келганди. Келишган, камтарин йигит бўлиб, футболни жонидан ортиқ яхши кўрарди. Ўйинни ҳам яхши ўзлаштирганди. Ҳаммага ҳурмат билан қарар, интизомли ўйнарди, ўзи ҳам жамоага тез киришиб кетди ва барчанинг ҳурматига сазовор бўлди. Қарангки, Алишернинг рафиқаси ҳам санъаткор – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулмира Ширинова. Бир сўз билан айтганда, ижодкорлар оиласи. Уларнинг бир ўғли ва тўрт қизи бор.

Биз дўстлар – «тонгчи»лар бу меҳмондўст хонадонда кўп бўлардик ва шунда билдикки, Алишер ўз оиласига, рафиқасига мададкор – қанот экан.

Алишер Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова концертларини Москвада, Санкт-Петербургда ўтказишга катта ҳисса қўшган. У ерлик санъатсеварлар олқишларига сазовар бўлган. Алишер менга дунёга машҳур опера қўшиқчиси Елена Образцова ва Муяссар Раззоқова ижросидаги кассеталарини совға қилганида жуда хурсанд бўлганман. Ҳозиргача оиламиз билан ушбу кассеталарни мириқиб кўрамиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, Алишер ҳар икки йилда Элликқалъада машҳур халқ ҳофизи Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган концертлар ва танловлар ўтказиб келади. Ўзбек санъатининг мумтоз асарларини дунёга тараннум этади.

Шундай инсонлар билан бирга тўп сурганимдан фахрланаман.

У ҳам футболнинг ашаддий ишқибози. Футбол билан ёшлигида спорт интернатида шуғулланган. Ўзи полвонкелбат йигит. Лекин унинг техникасига, зарбаларига ҳамма қойил қоларди. Машҳур футболчилар ичида дўстлари кўп эди – Эркин Абдураимов, Аҳмад Убайдуллаев, Тўра Шоймардонов шулар жумласидандир.

Маълумки, Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси билан ҳамма вақт кескин баҳсларда, муросасиз курашларда ўйнашади. Бир куни Дилмурод: «Шавкат ака, Фарғонага, бу икки водий жамоалари ўйинига бормаймизми?» деб қолди. «Тентакка Тўйтепа нима?» дегандек Фарғонадаги ўйинга уч соат олдин етиб борибмиз. Бундоқ қарасангиз, шаҳарда катта байрам, кўчалар футбол ишқибозларига тўла, аммо шу вақтданоқ стадион тўлиб бўлган. Кўпларга чипта етмасдан стадионнинг ташқарисида қолиб кетган. Хайриятки, бизда имконият бор эди, футболни маза қилиб кўрдик.



Эсимда, ўшанда фарғоналиклар кичик ҳисоб билан ютишган эди. Энди кўрсангиз, шаҳар кўчалари гавжум, ҳамма хурсанд...

Шу куни дўстларим қўярда-қўймай бизни меҳмон қилишди. «Биз кетамиз, эртага вақтли ишга боришимиз керак», десак ҳам «дўппидеккина ош емай кетмайсизлар», деб туриб олишди. Хуллас, ўтириш чўзилди, соатга қарасак тунги икки бўлибди. Қолинглар, кеч бўлди, деганларига қарамай йўлга чиқдик. Дилмурод ўзининг машинасида рулда. Хуллас, жуда чарчаганмиз. Қамчиқ довонидан пастга тушишда Дилмурод йўлда ухлаб қолиб, машина бошқа ёққа қараб кетяпти, мен уни шошиб уйғотдим, роса жарнинг олдига келиб машинани тўхтатди. Бир фалокатдан қутулиб қолдик. Атроф гўзал, йўл ёқасида булоқлар шилдираб оқяпти, юлдузлар чарақлаб турибди. Юз-қўлимизни ювиб, булоқ сувидан тўйиб-тўйиб ичдик, кейин машинада икки соат ухладик. Уйга тонготарда етиб келдик. Ана сизга, футбол деб нималар қилмаймиз-а... нималарни бошимиздан ўтказмаймиз-а...

## *Мирҳамид АЮПОВ*



1960 йилларда кичкина Мирҳамид футболни яхши ўйнагани учун маҳаллалар ўртасида ўтказиладиган биринчиликларга жалб қила бошлашди. Шу ўйинлардан бирида уни кўриб қолган Ўзбекистон футболи юлдузларидан бири Акмал Азизхўжаев Мирҳамидни футбол мактабига таклиф қилди. Шундан кейин футболни жонидан ортиқ кўрган Мирҳамид



шаҳар биринчилигида тўп сура бошлади. 13 ёшида «Пахтакор»нинг ўсмирлар жамоасига қабул қилинади.

У шу жамоа сафида Ростов шаҳрида илк марта катта муваффақиятга эришади, яъни уларнинг жамоаси 2-ўринни олишга муяссар бўлади. Ўша йилнинг ўзида футбол жону дилига айланган ёш йигитча олдин «Пахтакор»нинг ёшлар жамоасига, кейинчалик эса «Пахтакор» ўринбосарлари сафига қабул қилинади, умрининг беш йилини севимли жамоаси «Пахтакор»га бахшида этади.

Мирҳамид ота-онасининг эзгу ниятига кўра билим олишни ҳам канда қилмайди. 1970 йилда у Тошкент автомобиль йўллари қурилиши институтига ўқишга киради. «Пахтакор»дан кетгандан кейин 1970–1990 йилларда Эркин Абдураимов бошчилигидаги собиқ Иттифоқнинг 2-лига жамоалари – Янгиернинг «Янгиер» ва Самарқанднинг «Динамо»сида тўп суради. Кейинчалик эса Тошкентнинг «Динамо» жамоасида Ўзбекистон чемпионати ўйинларида қатнашади.

Мирҳамид катта футболдан кетганидан сўнг ўзи билган ва эгаллаган футбол сирларини ёшларга

ўргатиш билан машғул бўлди. Туман халқ таълимига қарашли спорт мактабида узоқ йиллар муваффақият билан ишлаб, 2013 йилда нафақага чиқди.

Мана 26 йилдирки, у «Тонг» фахрийлар футбол жамоасида тўп суриб келмоқда. Уни жамоага Эркин Абдураимов таклиф этган эди.

Самимий, кўнгли очиқ, меҳмондўст инсон. Рафиқаси Заҳрохон билан беш фарзанд ва саккиз набирага бош.

Энг қизиғи, жияним Азимжоннинг кизи Нилуфархон Мирҳамиджоннинг хонадонига келин бўлиб тушди. Куёвнинг исми Шоҳзодхон – исми жисмига монанд. Ҳозир улар икки фарзандни тарбиялашяпти.

Ажабо, футбол орқали нималар бўлмайди-я! Энди биз Мирҳамиджон билан нафақат жамоадош, қариндош ҳам бўлдик.



«Тонг» жамоасининг моҳир дарвозабони. Баланд бўйли, озғин. Жуда қизиққон йигит, лекин кўнгли очиқ. Ўйинга шу қадар киришиб кетар эдики, ҳатто ўзлигини унутиб қўярди. Жонини жабборга бериб ўйнайдиганлар тоифасидан эди. Гоҳида рақиблари билан даҳанаки жангга ҳам киришиб кетарди, биз ўртага тушиб ажратганимиздан сўнг тезда совурди ва барчадан кечирим сўрарди.

Касби журналист бўлиб, ижоди давомида спортни, жумладан, футболни ёритишга катта эътибор қаратди. Масалан, у германиялик машҳур футболчи ва мураббий, жаҳон чемпиони Франц Беккенбаур, аргентиналик футбол бўйича жаҳон чемпиони Клаудио Каниджа, дунёнинг энг машҳур дарвозабонларидан Ринат Дасаев билан шахсан учрашиб, улардан ажойиб интервьюлар олган.

У газеталар саҳифаларида «Тонг» жамоасининг ўйинларини ҳам ёритган ва бу чиқишларни суратлар билан безаган. Ушбу суратларда Баҳодир Иброҳимов, Аҳмад Убайдуллаев, Наби Жўраев, Содиқ Сафоев, Дилмурод Иброҳимов, Абдужаббор Абдувоҳитов, Виссарион Пегай ва бошқаларнинг сиймолари акс этганди.

## Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ
## «тонгчи» дўстлари ҳақида

Ўтган асрнинг 70-йилларида Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлик» студияси ижодкорлари томонидан икки серияли «Навбатдан ташқари ўйин» видеофильми суратга олинган эди. Фильмда мен спорт шарҳловчиси ролини ўйнаганман.

Бир куни ушбу фильмнинг навбатдаги суратга олиш жараёнидан сўнг бир оз толиққан ҳолда шарҳловчилар хонасидан ташқарига чиқдим. Шу вақт ёнимга қўлида янги магнитофон кўтариб олган 10–12 ёшлардаги жингалак сочли болакай югуриб келдида: «Ассалому алайкум, Ахбор ака! Мен футболга жуда қизиқаман. Айниқса, сиз каби репортаж олиб боришга. Сизнинг овозларингизни магнит тасмасига ёзиб олганман. Исми шарифим Алишер Мадраҳимов.



Агар рози бўлсангиз, сизга шогирдликка тушсам, оқ фотиҳа берсангиз!» деб қолди. Атрофимдаги актёрлар қарсак чалиб юборишди.

Ҳозирда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» телеканали бош режиссёри, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Алишер Мадраҳимов билан илк учрашувимиз ана шундай юз берганди.

«Тонг»да бирга ўйнаб юрганимизда унинг ўйинларини кўп кузатардим. У футбол техникасидан яхшигина хабардор эди. У тезгина жамоага сингиб, барча билан ака-укадек бўлиб кетди. Айниқса, Databases Буниқса, Биродар Абдураимов билан жуда қалин эдилар. Улар орасидаги бу дўстликка барчамиз ҳавас билан қарардик.

«Тонг» жамоасида бирга тўп суриш жараёнида Алишер билан янада қалинлашиб кетдик. Алишер футболни яхши ўйнарди. Мисол учун, у фахрий футболчи Олимжон Акбаров хотира турнирида ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган мусобақаларда «Энг яхши ҳимоячи» номинацияси бўйича бош совринга ҳам эга бўлганди. Кишиларга фақат яхшиликни раво кўрадиган укам Алишер оиламизнинг кўпгина тадбирларида ҳам қатнашган ва у сабаб кўплаб таниқли санъаткорлар хонадонимиз меҳмони бўлишган эди.

Алишер Мадраҳимовга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилганини эшитганимда ўзимда йўқ хурсанд бўлиб, уни табриклаганман.

Алишернинг ўзбек мусиқа санъатини аъло даражада билишида, маданият ва маърифат соҳаларига профессионалларча ёндашишида, кўплаб шогирдлар етказиб беришида унинг қайнотаси, Ўзбекистон халқ ҳофизи, профессор Фаттоҳхон Мамадалиев сабоқлари катта ўрин эгаллаган. Алишернинг ибратли оиласида

беш фарзанд (Дилнавоз, Азамат, Дилором, Муниса ва Севарахон) ўсиб улғаймоқда. Уларнинг уч қизи ота-онаси каби санъат йўлини танлашган. Ўғиллари Азамат эса «Тонг» футбол жамоасининг аъзоси.

Айтганча, Алишер ўғлининг исмини Азамат Абдураимовга ҳавас қилиб қўйган.

* * *

Яратганнинг ўзига беадад шукурлар бўлсинки, ҳаётим давомида кўплаб ақлли, фаҳм-фаросатли, меҳрибон ва садоқатли дўстлар орттиришга муяссар бўлдим ва уларнинг кўплари билан ҳозир ҳам хафтада ҳеч бўлмаса бир марта кўришиб турамиз, бўлмаса бир-биримизни соғиниб, қўмсаб қоламиз. Кўплаб ошна-оғайниларимиз мени Баҳромжон билан дўстлигимизга ва ака-укалигимизга ҳавас билан қарашади.

Асли Фарғона вилоятидаги Бешариқ туманида ўсиб вояга етган ажойиб ва камтарин инсон Баҳром Ғафуров ҳақида сўзлаш ва ёзиш ўзимга ҳам ҳузур бағишлайди. Кўпинча дўстларим ва биродарларимга бу катта қалб эгаси ҳақида сўзлаб берганимда хурсандчилигимдан тўлқинланиб кетаман. Ҳатто шу кунларда ҳам фарзандларим ёки набираларим телефон гўшагини кўтаргач, «Дадажон, сизни суюкли укангиз Баҳром ака йўқлаяптилар», деб мурожаат қилишади.

«Тонг» фахрийлар жамоаси аъзолари кўпайиб кетгач, улар икки гуруҳга бўлинди. Гуруҳларнинг бири ҳафтанинг тоқ кунлари, иккинчиси эса жуфт кунлари машғулотларга йиғилишадиган бўлишди. Уларнинг бирида ҳакамлик вазифаси Баҳром Ғафуровга ишониб топширилди, мен иккинчи гуруҳда бу ишни бажарадиган бўлдим. Эътиборли томони шунда эдики, агар биримиз у ёки бу ўйинчини майдондан четла-

тадиган бўлсак ва у кейинги гуруҳда пайдо бўлиб қолса, уни бу ерда ҳам ўйинга қўймасдик.

Баҳромжон отаси Абдуфаттоҳ ака ва ойиси Турсуной опаларнинг васиятларига амал қилиб, ўз оиласидан ташқари укаларининг оилаларига ҳам беминнат ёрдам кўрсатиб, ибратли оила бўлишларига кўмаклашиб келмоқда.

Дўстим билан мен яшаётган Тахтапул маҳалласида ёки унинг Авиасозлар шаҳарчасидаги хонадонида тез-тез кўришиб турамиз. Бу учрашувлар қувноқ ва ҳазилкаш оғайниларнинг ҳақиқий байрамига айланиб кетади. Футбол ҳақида, «Тонг»даги ўйинларимиз ҳақида ҳам берилиб суҳбатлашамиз.

Жамоадаги барча ташкилий ишларга доим Баҳромжон бош-қош. Ана шундай жонсарак, меҳрибон инсон Баҳромжон.

***Муаллифдан:*** Баҳодир Иброҳимовдан сўнг «Пахтакор» ёшлар футбол мактабига Баҳром Ғафуров келди. Баланд бўйли, озғингина, хушмуомала йигит экан. У ҳам ўша пайтларда Баҳодир ака турадиган Қумариқ маҳалласида яшаркан. Қолаверса, Баҳодир аканинг шогирди экан. У ҳам «тонгчи»лар жамоамизга тез киришиб кетди, яхши ўйнарди, техникаси юқори, чаққон ва тезкор ҳужумчи эди. Муҳими шуки, у ўрнатилган анъаналарга Баҳодир ака сингари қатъий амал қиларди. Зарур бўлса, ҳакамликни ҳам бажарарди. Бир жамоа кучсизроқ бўлиб қолса, ўша жамоага ўтиб ўйнаб берарди. У бизнинг «Тонг» жамоасига қўшилганидан кейин орадан бир йил ўтгач, Тошкент вилояти спорт қўмитасига муовин, сўнгра раис этиб тасдиқланди. Ҳозирда эса у Тошкент вилояти олимпия захиралари мактаби директори. Ўз соҳасида зўр мутахассис. Энг кераклиси, бу масъулиятли ишларга ўтиб ҳам у жамоани тарк этмади.

## Баҳром ҒАФУРОВ «тонгчи» дўстлари ҳақида

Мен 1976 йилда армия сафига чақирилганман. Шунда Олмаотанинг «Қайрат» жамоасининг ўринбосарлар таркибида ўйнаган **Бауржон Достқораев** билан танишиб, дўст бўлиб қолдик. Иккаламиз ҳам спорт соҳасидаги мутахассис бўлганимиз учун «Салют» ҳарбий жамоасига ўйновчи мураббий этиб тайинландик ва оқибатда биз бир қанча жамоалар ўртасида ўтказилган мини футбол мусобақасида ғолиб бўлдик. Хизматдан кейин ҳам орамиздаги дўстлик алоқаларини узмадик. Олмаотада 2-Марказий Осиё ўйинлари бўлганда дўстим мени жуда катта ҳурмат билан кутиб олди. «Пахтакор» футбол мактабига директор бўлганимда «Тонг» фахрийлар жамоасига қабул қилинган эдим. Ўйинларни бирор марта қолдирмасдим, ҳамиша жамоадошларим билан ҳамнафас эдим. Бу орада Боуржон докторлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида ҳар Тошкентга келганида биз «тонгчилар» сафида ўйнар ва жамоанинг ҳақиқий



аъзосига айланиб қолган эди. Бу эса орамиздаги дўстликни янада мустаҳкамларди.

2003 йилда «Тонг»да бирга тўп тепган устозим Шавкат ака Тўлаганов билан Боуржоннинг 50 йиллик юбилейига Остона шаҳрига бордик. Юбилей тантанасида Шавкат Тўраевич сўзга чиқиб, Боуржонни ўзбекистонлик дўстлари номидан табриклади, «Тонг» жамоаси аъзолари номидан ўзбек удумига кўра унга зар чопон кийдирди. Икки кун ичида Остонанинг энг гўзал жойларини томоша қилдик, Тошкентга бир дунё таассуротлар билан қайтдик. Ҳозирги кунларда ҳам биз фахрийлар гоҳ Чимкентда, гоҳ Тошкентда ўртоқлик учрашувлари ўтказиб турамиз.

Футболчи дўстларимиз орасида **Асқар Ортиқов** ҳам бор эди. У фан доктори, профессор. Унинг шогирдларидан 6 таси фан доктори, 30 дан ортиғи фан номзодларидир.

Асқар акамлар ҳақида гапирадиган бўлсам, улар 1985 йилда «Тонг» жамоасига қўшилган. Жамоада ўзининг ташкилотчилиги, серғайратлиги билан кўпчиликни ҳурматига сазовор бўлган. Ёшлари етмишдан ошган бўлишига қарамасдан жуда серҳаракат эди, ҳамма вақт жамоадаги мувозанатни сақлаб туриш тарафдори эди. Майдонга ҳамиша иккита либос олиб келарди ва қаерда ўйинчи етишмай қолса, ўша жамоага қўшилиб ўйнаб кетаверарди.

У катта теннисни ҳам жуда яхши кўрарди ва бу спорт тури билан ҳам жиддий шуғулланарди.

Биласиз, ўйинда ҳар хил вазиятлар, жароҳат олишлар бўлади. Асқар акада табиблик истеъдоди ҳам бор эди. Жароҳат олган кишига тезда ёрдам кўрсатар, кейин фақат ўзлари биладиган технология бўйича дори-дармон тайёрлаб берардилар. Унинг дори-дармонлари ишончли эди. Чунки буни мен ўзим бошимдан ўтказганман. Оёқларим оғриганда менга

шундай шифо дорилари тайёрлаб бердиларки, тезда яна югуриб кетганман. Бу борада у ҳамиша жамоа аъзоларимизга ёрдам бериб келганлар. Умрлари узоқ бўлсин!

* * *

Мана, юқорида «Тонг» жамоасида у ташкил топгандан буён шу кунгача футбол ўйнаган инсонлар ҳақида икки оғиз илиқ сўз айтишга, уларнинг унутилмас хотиралари билан ўртоқлашишга ҳаракат қилдим. Бу йиллар ичида «Тонг»да юзлаб футбол ишқибозлари тўп сурдилар. Табиийки, баъзи дўстларим, қадрдонларим номи ушбу китобда келтирилмаган бўлиши мумкин. Бунинг учун улардан узр сўрайман.



## БУНИ ФУТБОЛ ДЕЙДИЛАР...

Футбол майдонида кутилмаган ҳолатлар – жароҳат олишлар, келишмовчиликлар бўлиб туради. Лекин сиз буларга эътибор қилмайсиз. Тезда ҳаммасини унутасиз. Кейинги ўйин кунини сабрсизлик билан кутасиз. Менинг футболдаги фаолиятимда ҳам юқоридагига ўхшаш ҳолатлар кўп бўлган.

Бизнинг ажойиб дўстимиз Қаҳрамон ака Асомхўжаев (ҳимояда жуда яхши ўйнарди) тўп учун ҳавода курашиб, тўп ўрнига бошлари билан кўзимга калла қўйганлар. Вазнлари ўшанда 90–95 кг атрофида эди. Ўшанда кесилган дарахт сингари гуп этиб йиқилиб, сал бўлмаса ҳушимдан кетиб қолишимга оз қолган. Кўзим шишиб, кўкариб кетган, шундаям ўйинни давом эттирганман. Ўйиндан сўнг эса ишга бориш керак, кўз эса бу аҳволда. Нима қиламан экан, деб турсам, Эркин ака Абдураимов қора кўзойнагини бериб, мени бу ташвишдан қутқарганлар. Бир ой қора кўзойнакда юрдим. Уйда, кўчада, ишхонада дуч келган дўстлар: «Сени ким урди?» деб ҳазиллашадилар. Шундай бўлса ҳам ўйинга мунтазам бориб турардим.

Яна бир воқеа. Ажойиб дўстим Геннадий Серафимович Лебедев бор, ўзи боксчи, катта теннис ишқибози, жуда бақувват, танаси темирдан дейсиз, футболни яхши кўради. Бир гал у билан майдон ўртасида жуда катта тезликда тўп учун югураётиб тўқнашиб кетдим. Гўё катта бир қояга урилгандай бўлдим. Иккаламиз ҳам йиқилдик, айниқса, унга кўпроқ шикаст етибди, юзлари қирилган, қўли жиддий лат еган. Шунга қарамасдан ўрнидан туриб, яна тўп ортидан югуриб кетдик.

1982 йилда мен ўнг оёғимдан қаттиқ лат егандим (пайим узилган). Бир-икки ҳафта чўлоқланиб юриб жуда зерикдим. Ўшанда ўнг оёғимни қаттиқ бойлаб,



оғриғига қарамасдан кўпроқ чап оёқда ўйнай бошладим. Ҳозир ўзимча ўйлайман, нима зарур эди шу аҳволда футбол ўйнашга?

Футбол шундай ўйин экан, унга кўнгил бердингми, кейин кўнгил узолмайсан.

* * *

Бир куни Нафиса опамнинг уйларида Абдуворис акам, жияним Мирзоҳид ва унинг қудаси Азимжон ака, яна бир жияним Шуҳратжон ва мен футбол тўғрисида суҳбатлашиб қолдик. Суҳбатимиз яқинда бўлиб ўтган муҳим ўйин ҳақида бўлиб, унда кимдир, голни Роналдо урди, деган эди, бирдан икки қуданинг 10 яшар набираси Азизжон: «Йўқ, голни Роналдо эмас, Карим Бензема фалон дақиқада урди», деса бўладими. Акам: «Эй сен, зумраша, қаердан биласан?» десалар, Мирзоҳид: «Сиз савол беринг, у ҳамма саволингизга жавоб беради», деди. Ҳақиқатан ҳам Азизжон жаҳондаги, айниқса, Европанинг пешқадам жамоалари ўйинчиларини номма-ном биларкан, қачон, қайси жамоа ютгани-ю, ўша ўйинда ким гол урганигача, ҳатто нечанчи дақиқасигача... Ажабо, қойил қолмасдан бўлмайди. Дадасининг айтишича, Азизжон ҳар куни мактабга боришда ундан газеталар сотиладиган дўкондан спорт газеталарини сотиб олиб беришини илтимос қиларкан ва йўл-йўлакай ўқиб кетаркан. «Мактабда болалар газеталарингни олиб кўйишмайдими», деса, «Йўқ, улар мендан газетадаги футбол янгиликларини ўқиб бер, деб илтимос қилишади», деб жавоб бераркан.

Мана сизга футболимизнинг эртанги билимдонлари.

* * *



Шу йилнинг бошида «Пахтакор» стадионига бориб, «тонгчи»лар билан учрашдим. Кўпчилигини танийман, кўпчилигини танимайман – янгилар.

Ўша ерда Аҳрол Иноятов ва Вячеслав Солохо билан кўришиб қолдим. Биргаликда жамоалар ўйинини кузатдик: ўша тўполон, ўша шижоат, «қизиллар» ва «кўклар»нинг жанги. Ҳаво очиқ эди, атроф гўзал, яшил сунъий майдондаги ўйиндан завқ олдик. Етмишдан ошган Темур Петрович Крукни дарвозада туриб қайтарган тўпларини кўриб ҳавас қилдик. Бахтиёр Азизов, Раҳмиддин Зикрёев, Лутфулла Убаев, Ҳамид Аюпов, Мавзур Умархўжаев, Собит Собирхўжаев, Тоҳир Тўраев, Нишонбой Абдусалимов ва бошқа ўйинчилар тинмасдан югурардилар. Бақир-чақир, баъзи интизом бузувчиларга ҳакам Баҳром Ғафуров сариқ карточкаларни кўрсатди. Ҳисоб 8:3, «қизиллар» фойдасига. Энг яхши ўйинчи деб Темур Крук (Петрович) топилди, Нишонбой «хет-трик» муаллифи бўлди ва энг яхши тўпурар мақомини олди.

Ўйин пайти қарасам, сал нарида бир бола ёлғиз машқ қиляпти. Исми Ойбек экан, ёши 12 да. «Пахтакор» болалар футбол жамоаси аъзоси экан. Нега бир ўзингсан, десам, сўнгги пайтда ўйиним сусайиб қолди, шунга яхши спорт формасига киришим учун қўшимча машқ қиляпман, деб жавоб берди. Мана, майдондаги амакилрингга қара, ҳаммасининг ёши улуғ бўлса ҳам футбол ўйнашяпти. Худо хоҳласа, сен ҳам астойдил ҳаракат қилсанг, албатта, зўр футболчи бўласан, деб унинг руҳини кўтаргандек бўлдим. Кейин «Тонг» жамоаси билан суратга тушдик.

Болаларимиздаги футболга бўлган меҳрни кўриб, хурсанд бўласан киши. Ўзгаришлар катта. Ҳар гал «Пахтакор» стадионига кириб келар экансиз қалбингиз ҳаяжондан тўлқинланиб кетади, бу жойнинг «аураси», ҳавоси бошқача...

Эсимда, 1996 йили «Пахтакор» стадионида набираси билан келган бир қарияни учратган эдим. Жуда ҳаяжонли ҳолат. Мен салом бериб, отахон бу ерда нима қиляпсиз, десам, «Пахтакор»га ҳеч келмаганман, ўйинни фақат телевизорда кўрардим. Энди эса набирам, оборасиз, бува, деб қўймади, деб жавоб берган эди.

Ўша отахон бу ерни бугун кўрсалар эди. Стадион реконструкция қилинган, енгил атлетика йўлаклари таъмирланган. Стадион яқинидаги Ўзбекистон Футбол федерацияси биносини кўрсангиз, у ерда футбол тарихи музейи бор. Федерация ёнида қурилган бир нечта сунъий қопламали футбол майдонлари, кўча юзида қад ростлаган Олимпия қўмитаси биносини кўриб қалбинг ғururга тўлади. Футбол учун яратилаётган бундай шароитлар авваллари ҳеч қачон бўлмаган. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофатидандир.

Биродар Абдураимов, Аҳрол Иноятов, Вячеслав Солохо каби футболимиз фахрийлари билан футбол тўғрисида, унинг юртимиздаги келажаги борасида кўп суҳбатлашамиз. Улар бу борадаги энг долзарб масалалар ҳақида куюниб гапиришади. Бу суҳбатларда, жумладан, келишилган ўйинлар, томошабинлик маданияти, ўйинчилар интизоми, ҳакамлик муаммолари ҳақида ҳам гап кетади.

Томошабинларда футбол маданиятини шакллантириш керак. Томошабин хоҳ севган жамоаси бўлсин, ҳоҳ миллий терма жамоамиз бўлсин, ҳар қандай ҳолатда ҳам уларни қўллаб-қувватлашлари лозим. Футбол стадиони ҳам улкан маданият масканидир. Унга оиланг, фарзандларинг билан бориб, ўйинни

мирикиб томоша қилиб, маза қилиб дам олиш керак. Ишонаманки, шундай кунлар албатта келади. Чунки биз футболсевар халқмиз. У ҳар биримизнинг қонимизда бор.

Футбол менга ҳам кўп нарса берди. Футбол туфайли бир умрлик дўстлар орттирдим. Қувончли кунларимда ҳам, тушкунлик дамларимда ҳам футболдан мадад олдим. Қаддим букилмади, руҳим чўкмади. Футбол менга ғалаба қилишни ўргатди. Ҳалолликни, тантиликни, мардликни, кечиримлиликни қон-жонимга сингдирди. Бу хислатлар ҳаёт деб аталмиш синовли йўлда дадил ва шахдам қадам ташлаб, доимо олға интилишимда менга куч берди. Мен аниқ биламан: бу фикримни 35 йиллик тарихга эга бўлган ва ҳозирда ҳам қизғин фаолият олиб бораётган қадрдон «Тонг» жамоамизда ўйнаган ҳар бир инсон қўллаб-қувватлайди. Чунки мен юқорида санаб ўтган ва яна кўплаб бошқа фазилатлар уларга ҳам хос. Бунинг учун ФУТБОЛга раҳмат!

## «МЕН БИЛГАН ШАВКАТ АКА...»

### *(Китоб муаллифи ҳақида икки оғиз сўз)*



Шавкат ака билан 1979 йилда танишганман. У пайтлар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институтида ишлардим. Ўша йилнинг ёзида институтимизнинг бир гуруҳ ёшлари Югославияга саёҳатга борадиган бўлди. Бизнинг гуруҳимизга республика ёшлар ташкилотида ишловчи Шавкат Тўлаганов раҳбар этиб тайинланганди.

Саёҳатимиз давомида эсда қоларли воқеалар кўп бўлган: Адратика денгизи, унинг соҳилларида жойлашган шаҳарлар... Дубровник, Бечичи, Титоград... Энг қизиғи ва хотирада бир умр муҳрланиб қолгани эса Белградда юз берди. Ўзбекистондан борган йигитлардан битта футбол жамоаси тузиладиган бўлди ва Белградда бўладиган уч кунимиз давомида у ердаги турли ёшлар жамоалари билан футбол ўйнайдиган бўлдик. Бу биз учун кутилмаган ҳолат эди. Ҳар ким ўзича футбол формаси топди. Ўшанда бизнинг жамоамизда сардор бўлиб Шавкат ака ўйнаганди. Биз икки-учта жамоани ютган ҳам эдик...

Шу-шу Шавкат Тўлаганов билан қалинлашиб, ака-укадек бўлиб кетдик. Унинг ўшанда ҳали ёш бўлса-да, ҳар ишни босиқлик билан, мулоҳаза билан бажаришига қойил қолардим. Кейинчалик Фарғона водийсига – Қўқон, Фарғона, Марғилон, Шоҳимардон ва мен туғилиб ўсган Бағдодга биргалашиб бориб, меҳмон бўлдик.

Биз қаерда бўлмайлик футбол ҳақида берилиб суҳбатлашардик. Бир вақтлар мен ҳам футболчи бўлишни орзу қилганман. 1985 йилда «Футболчи» деб номлан-

ган китобим (қисса) нашр этилган. Бундан Шавкат ака ҳам хурсанд бўлганди.

У Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни тугатган. Олим, фалсафа фанлари номзоди. Ўзбекистон ФАнинг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида ишлаган. У қаерда бўлмасин футболдан сира узоқлашмади. Кўп йиллар ўзбек футболи ривожига муносиб ҳисса қўшди.

«Мен футбол орқали, «Тонг» жамоасида тўп сурган йилларимда юқорида номлари меҳр билан тилга олинган инсонлар билан, машҳур футболчилар ва санъаткорлар билан танишганимдан, улар билан дўстлашиб, ака-укадек қадрдон бўлиб кетганимдан ҳамиша фахрланаман ва бу борада футбол менга берган қувонч ва ташвишлардан, қолаверса, футбол билан боғлиқ ўз ҳаётимдан миннатдорман!» деганди Шавкат ака бир суҳбатимизда.

Ш.Тўлаганов ўзи ўйнаган «Тонг» жамоаси ҳақида ажойиб китоб ёзибди. Бу китоб бир жамоанинг тарихигина бўлиб қолмай, уни футбол орқали дўстликни улуғлашга ва футболни оммалаштиришга бағишланган асар десак ҳам бўлади.

«Тонг»да топган дўстларим» ўқимишли китоб бўлибди.

«Тонг» анъаналари ҳеч қачон сўнмасин! Бу жамоада тўп сурганларнинг фарзандлари, набиралари бу китобдаги эсдаликлар орқали ота ва боболарини, акаларини ширин бир хотира билан эслаб юришсин.

Шавкат аканинг футболни ўзидек севувчи Дамир ва Отабек исмли ўғиллари бор. Қизлари Нодирахон ва Азизахонлар олима. Ажойиб рафиқалари Нафисахон эса Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Содиқ Азимов номидаги Физика-техника институтида бўлим мудири, физика-математика фанлари номзоди. Бу оилада Диёржон ва Мирзамаҳмуд исмли набиралар ҳам ўсиб улғаймоқда.

Мен ажойиб ва серқирра инсон Шавкат Тўлаганов ва унинг оиласига ҳамиша бахт-саодат, сиҳат-саломатлик тилаб қоламан.

***Адҳам ДАМИН, ёзувчи***

# М У Н Д А Р И Ж А

*Муаллифдан*...............................................................................3
*Биринчи бўлим*. Ҳаммаси шундай бошланган эди..................5
Болаликни эслаб... .........................................................................6
«Тонг»нинг ташкил этилиши.......................................................11
Илк танишув.....................................................................................12
«Тонг»даги жамоадошларим.........................................................24
Сергей Татур. «Красные» и «синые»............................................33
*Иккинчи бўлим. «*Тонгчи»ларнинг «Тонг»
ҳақидаги хотиралари......................................................................51
Футболдаги юксак дидли, нозиктаъб инсонлар.....................52
Аввало футболнинг ўзи ҳақида....................................................52
«Тонг» ва мен.....................................................................................53
Бунисиям «Тонг» ҳақида................................................................55
Жамоадошларим: ким қандай ўйнаган?.......................................56
Ўтганлар ёди унутилмайди...........................................................58
Футболни чин юракдан севаман..................................................59
Болаликдан «Тонг»га қадар..........................................................63
Воспоминания согревают душу...................................................67
Кексаликда футбол ўйнашнинг ҳам гашти бор.....................71
Футбол – мардлар ўйини..................................................................73
Кўплаб дўстлар орттирдим...........................................................75
Ўзаро ҳурмат – биринчи навбатда..............................................76
Играли люди разных профессий..................................................78
Ҳали-ҳануз соғинаман.....................................................................81
«Тонг»га тасодифий ташрифим...................................................83
Анъаналар бардавом бўлсин.........................................................84
«Тонг» яшнайверсин.........................................................................87
«Тонг»дан бошланган самимий дўстлик....................................89
Мен бахтли инсонман......................................................................92
Унутилмас воқеалар кўп бўлган...................................................93
Улар доим ёрдамга шай...................................................................95
Я – счастливый человек..................................................................96
Интересно и почетно......................................................................101
Получаю огромное удовольствие..................................................103

Благодарю судьбу....................................................104
Энг эзгу тилакларим ...............................................106
Футболни юракдан севиб ўйнаш керак..............................107
Ҳамиша футбол билан ёнма-ёнман...................................110
Бу жамоада бўлиш – фахр...........................................112
*Учинчи бўлим.* «Тонг»даги дўстларим ва
жамоадошларим портретларига чизгилар...........................113
Биродар Абдураимов..................................................114
Ахбор Имомхўжаев...................................................116
Қосим Шодиев........................................................118
Рустам Акрамов......................................................120
Анвар Маҳмудов......................................................122
Абдураҳмон Мансуров................................................123
Пўлат Носиров.......................................................124
Аҳрор Аҳмедов.......................................................126
Абдуманноп Тошпўлатов..............................................127
Анвар Турсунов......................................................129
Абдуманноп Абдувосиқов.............................................130
Содиқжон Қосимов...................................................132
Содиқ Сафоев........................................................134
Абдужаббор Абдувохитов.............................................135
Ўрозбой Мусабоев...................................................136
Азамат Дўстбобоев..................................................138
Гелий Согонов.......................................................139
Раҳим Мўминов......................................................143
Тўлаган Исоқов......................................................144
Акбар Мирзаев.......................................................145
Алишер Мадраҳимов.................................................146
Дилмурод Иброҳимов................................................147
Мирҳамид Аюпов....................................................148
Маъмуржон Назаров.................................................151
Ахбор Имомхўжаев «тонгчи» дўстлари ҳақида.....................152
Баҳром Ғафуров «тонгчи» дўстлари ҳақида.........................156
Буни футбол дейдилар... .........................................159
«Мен билган Шавкат ака...».......................................164

**ШАВКАТ ТЎЛАГАНОВ**

# ТОНГДА ТОПГАН ДЎСТЛАРИМ

*Хотиралар, эсдаликлар*

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2015

Муҳаррир *Қодиржон Қаюмов*
Бадиий муҳаррир *Умид Сулаймонов*
Рассом *Камолиддин Нурмонов*
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*
Мусаҳҳиҳ *Маъмура Зиямуҳамедова*
Саҳифаловчи *Асал Нисанбаева*

**Нашр лицензияси: AI № 201 28.08.2011.**

Теришга берилди 06.04.2015. Босишга рухсат этилди 22.04.2015.
Бичими 84х108 $^{1}/_{32}$. «Times New Roman» гарнитураси.
Шартли босма табоғи 17,64. Нашриёт-ҳисоб табоғи 15,02.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 3877. Баҳоси шартнома асосида.

**«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик**
**компанияси босмахонаси,**
**100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**